ТОЖИКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИ
С. М. КИРОВ НОМИДАГИ ЛЕНИНОБОД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

А. Бердиалиев

# ЎЗБЕК ТИЛИДА ОМОНИМ МОДЕЛЛИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
1990

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазкур монографияда ўзбек тили эргаш гапли қўшма гаплари конструкцияларининг омоним моделлари ўрганилган. Унда омонимиянинг конкрет гаплар учун хослиги инкор этилади, унинг қўшма гап таплик маъноларини ҳосил қилувчи моделлар муносабатидагина бўлиши ҳақида сўз юритилади.

Монография ўзбек тили синтаксиси билан шуғулланувчи мутахассислар, филолог-студентлар ва ўрта мактаб ўзбек тили ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор
А.П.ХОЖИЕВ

Тақризчилар:
филология фанлари доктори, профессор
Н.М.МАҲМУДОВ
филология фанлари номзоди, доцент
Б.ТЎХЛИЕВ

Ушбу китоб Ленинобод давлат педагогика институти маблағига чоп этилган.

Б 4602020000-з-938 / М 355(04) - 90 рез.90

© Ленинобод давлат педагогика институти, 1990 й.

ISBN 5-648-01362-0

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БОШИ

Форма ва мазмун бирлиги, уларнинг ўзаро муносабати ва уни ўрганиш масаласи тилшуносликнинг ўта актуал ва муҳим проблемаларидан бири саналади. Тил бирликлари, айниқса, унинг маъноли бирликлари ҳам материал жиҳатдан, ҳам идеал жиҳатдан ўз планларига эга бўлган мураккаб ҳодисалардир. Тил бирликларининг бу икки плани ўзаро муносабатдош. Бири бошқасини тақозо этиш хусусиятига эга бўлиш билан бир қаторда, улар муносабатида мутаносиб (симметрияли) ёхуд номутаносиб (асимметрияли) ҳолатлар муттасил содир бўлиб туради. Форма ва мазмун муносабатида кузатилувчи симметрияли ҳолатлар ҳам, асимметрияли ҳолатлар ҳам тил бирликларининг яшаш,ҳаракатга кириш ҳуқуқларини таъминловчи зарурат саналади. Шу боис ҳам тил тараққиёти асимметрияли факторнинг симметрияли факторга, симметрияли факторнинг асимметрияли факторга ўсиб ўтиши жараёнлари билан муттасил боғлиқ бўлади.

Тил тараққиётини белгиловчи асимметрияли факторлар сирасига синонимия, кўп маънолилик ва омонимия ҳодисалари киради. Синонимия материал субстанциянинг миқдорий кўплиги ва унга мос келувчи идеал субстанциянинг миқдоран камлиги билан, кейинги икки ҳодиса эса идеал субстанциянинг миқдоран кўплиги ва унга мос келувчи материал субстанциянинг миқдоран камлиги хусусиятлари билан характерланади. Тилнинг қайси сатҳи бирлигида бўлишидан қатъи назар, синонимия, кўп маънолилик ва омонимия а..а шундай характеристикага эга бўлаверади.

Мазкур ишда тил бирликлари форма ва мазмун номутаносиблиги - асимметриясининг синтактик сатҳ ҳодисаларига хос кўриниши ҳақида фикр юритилади.

Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг хронологик мундарижасидан ҳам маълумки, омонимия масаласи етарли ўрганилмаган. Айниқса, бу ҳодиса синтаксис материаллари бўйича тадқиқ этилмаган. Шу сабаб мазкур масаланинг ўрганилиши форма ва мазмун асимметрияси - номутаносиблиги билан боғлиқ анчагина жиддий муаммоларнинг муштарак ҳал этилишига кўмак бериши аниқ.

Нутқнинг асосини гап ташкил қилгани каби, синтактик қурилиш назариясининг асосида ҳам гап тушунчаси туради. Маълумки, гап ўз конструкцияси ила ифода этилади. Гап ва конструкция ўзаро эгизак тушунчалардир. Омонимия гап учун эмас, балки гап конструкцияси

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун хос ҳодиса бўлганлиги учун ишда қўшма гап конструкцияларининг омонимияси ҳақида сўз юритилади.

Полипредикатив бутунликлар, хусусан, гипотактик қўшма гаплар ўзига хос мураккаб конструкцияларда реаллашади. Бундай конструкциялар кўпинча омоним моделларга эга бўлади. Ишда ўзбек тили эргаш гапли қўшма гапларининг омонимия парадигмаларида муносабатга киришувчи моделлари тадқиқ этилади.

Бу иш полипредикатив конструкциялар омонимиясини ўрганиш йўлидаги дастлабки уриниш бўлганлиги учун унда мунозарали фикрларнинг мавжудлиги табиий. Автор ўз тақризчиларига чуқур миннатдорчилик билдириш билан бир қаторда, ўринли ва фойдали мулоҳазаларни самимият билан қабул қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КИРИШ

С.Карцевскийнинг синонимия ва омонимия тилнинг барча ходисаларида мавжуд, деган тезиси грамматик синонимияга нисбатан синаб кўрилган ва унинг тўғри эканлиги исботланган. Лекин омонимиянинг синтактик конструкциялар сатҳига хос хусусиятлари текширишни талаб қилади. Бу нарса синтактик омонимия проблемасининг актуаллигини кўрсатади[1]. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда омонимиянинг "синтактик конструкцияларнинг форма ва мазмун муносабати номутаносиблигидан туғилувчи"[2] турига бўлган қизиқиш бирмунча кучайди.

Совет тилшунослигида синтактик омонимия ҳақидаги маълумотлар 1950 йилдан кейин пайдо бўла бошлади. Бу тушунча дастлаб Е.И. Шендельснинг "Грамматик омонимия ҳақида" деган мақоласида шарҳланган. Унда синтактик омонимия грамматик конструкция ёки моделларнинг формал ўхшашлиги тарзида изоҳланиб, омомодель термини билан аталган. Е.И.Шендельс моделларнинг омоним бўлиши учун уларнинг структурасида бир хил лексик бирликларнинг бўлиши шарт эмас, балки улар турли хил ноўхшаш лексик материаллардан тузилиши ҳам мумкин; бир хил лексик материалга эга бўлган ҳолатларда синтактик бутунлик бир конструкция характерида бўлади; омомоделлар уларни ташкил этган лексик материалнинг ҳар хиллигига асосланиши керак деб кўрсатади[3].

Н.П.Колесников синтактик омонимияни график жиҳатдан бир хил шаклланган ва ҳар хил мазмун плаанларига эга бўлган, лекин таркибида лексик, морфологик, фразеологик характердаги бошқа омонимик воситалар мавжуд бўлмаган гап ёки конструкциялар тарзида шарҳлайди. Синтактик конструкцияларнинг турлича синтагмаланиш хусусиятини омонимиянинг асосий критерияси сифатида қарайди. Син-

---

1 Қаранг: Г у л ы г а Е.В. Некоторые вопросы синтаксической омонимии // Проблемы синхронного изучения грамматического строя языка. Материалы научной конференции. М., 1965. С.67.

2 Қаранг: А р у т ю н о в а Н.Д. Синтаксис // Общее языкознание. М.: "Наука", 1972. С.232.

3 Қаранг: Ш е н д е л ь с Е.И. О грамматической омонимии // Иностранные языки в школе. М., 1955. № 6.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тактик омонимия ҳақида билдирилган фикрлар "После ухода мастера в цех принесли пакет" - "После ухода мастера в цех//принесли пакет" каби фактик мисоллар ёрдамида асосланган[1]. Худди шунга ўхшаш фикр А.Г.Шчепин томонидан ҳам билдирилади. У нутқий омофонияга доир махсус ишида синтактик омонимия ҳақида ҳам фикр юритади. Функционал қисмларининг синтактик характеристикасига кўра фарқ қилувчи синтактик конструкциялар (сўз бирикмаси, гап)нинг ташқи ўхшашлигини, яъни фонетик қиёфаси ва морфологик белгилари бир хил бўлган нутқий парчаларнинг ҳар хил маънолар англатишини синтактик омонимия деб қарайди[2].

Е.В.Гулыга "Синтактик омонимиянинг айрим масалалари" номли ахборотида бу ҳодисага Е.И.Шендельс каби, моделлар омонимияси - омомодель тарзида қарайди. Унинг қайд этишича, "бир хил потенциал лексик характердаги ўзгармас ва турғун белгиларга эга бўлган, яъни бир хил шаклланган, лекин турли хил грамматик маънолар ифодаловчи элементар гаплар тариқасида тушунилиши керак". Автор гап бўлаклари ва эргаш гапларга хос полифункционалликнинг омонимия деб қаралаётганини инкор этади. Ахборотда немис тили эргаш гаплари омонимияси бўйича фикр юритилади. Эргаштирувчи боғловчилар полисемияси ва омонимияси эргаш гаплар омонимиясининг дастлабки шарт-шароити тарзида белгиланади. Боғловчиларнинг кўп маънолилиги диахроник ва синхроник планларда қаралади. Омонимия учун диахроник планга хос кўп маънолил... замин ҳозирлайди. Синхроник пландаги кўп маънолилик эса унга путур етказади. Боғловчилар омонимияси, маъноларнинг ўзаро қўшилиши бархам топгандагина юз беради. Шундай бўлишига қарамай, Е.В.Гулыганинг фикрича, фақат боғловчилар омонимиясининг ўзи эргаш гаплар омонимиясини белгиловчи ягона фактор бўла олмайди. У омонимияга сўзлар тартиби ҳамда майл категориясига тегишли ҳодисалар чек қўяди деб кўрсатади. Е.В.Гулыга "омонимияга ўтиш тенденцияси одатда эргаш гапларнинг мустақил гапларга айланиш жараёни ва унинг натижасида кўзга ташланади" тарзидаги фикрлар ҳам билдирадики, унга қўшилиб бўлмайди. Чунки эргаш гаплар қўшма гап қамровидагина "эргаш гап"дир. Уларнинг

---

I Қаранг: Колесников Н.П. О синтаксической омонимии в русском языке // Русский язык в школе. 1968. № 3.

2 Қаранг: Щепин А.Г. Контекстная омонимия в русском языке (речевые созвучия) Автореферат канд. диссертации. Иркутск, 1963.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мустақил содда гап тарзида қўлланиши одатда бошқа қонуниятлар билан характерланади. Шунингдек, тил сатҳлари қанчалик юқорилагани сари, омонимиянинг тўликлиги шунчалик сийраклашади деган фикр ҳам синтактик конструкциялар ва уларга хос омонимия ҳодисасининг характерига тўғри келмайди[1]. Чунки омонимия тушунчаси тил системасининг морфем сатҳидан торгиб, синтактик ҳамда супрасинтактик сатҳларигача ифода планларида мувофиқлашиб, мазмун планида фарқланувчи барча ҳодисалари сирасига сингишиб бораётир[2].

Синтактик омонимия юзасидан қилинган ишлардан бири Д.А.Салькованинг "Синтактик конструкциялар омонимияси ва кўп маънолилигининг баъзи масалалари" деб номланувчи кандидатлик диссертациясидир. Унда синтактик омонимиянинг табиати немис тилидаги als, daß, wie, als daß, als wenn боғловчилари билан ишлатилувчи эргаш гаплар анализи орқали изоҳланади. Бу ишда В.И.Шендельс, Е.В.Гулыга каби олимларнинг синтактик омонимия тўғрисидаги фикрлари назарий асос қилиб олинган бўлиб, улар бой фактик материаллар ёрдамида тўлдирилади. Д.А.Салькова синтактик омонимияни тил сатҳидаги норма, синтактик моделларнинг шаклий ўхшашлигига асосланувчи потенциал муносабатдошлик деб тушунади. Ишда синтактик омонимиянинг синтактик полифункционаллик, синтактик полисемия, синтактик маъноларнинг қоришуви каби ҳодисаларга муносабати юзасидан ҳам фикрлар билдирилади.

Синтактик омонимия масаласи Г.А.Золотова ва профессор А.В. Дудниковларнинг илмий кузатишларида ҳам маълум даражада ёритилади[3]. Г.А.Золотова гап моделларининг омонимиясини "икки ёки ундан ортиқ типик маъноларнинг бир моделда ифода этилиши" тарзида тушунади, лекин бундай имкониятни амалда сийрак учрайди,деб кўрсатади. Шунингдек, Г.А.Золотова гап омонимиясига шубҳа билан

---

I Қаранг: Г у л ы г а Е.В. Некоторые вопросы синтаксической омонимии. С.67-68.

2 Қаранг: В а р д у л ь И.Ф. Место семантики в лингвистическом описании// Проблемы семантики. М.: Наука, 1974. С.17-18.

3 Қаранг: З о л о т о в а Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М.: Наука, 1973; Д у д н и к о в А.В. Синтаксическая омонимия// Русская речь. М., 1973, № 2.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарайди. У "синтаксисдаги омонимия одатда ...сўзларнинг синтактик формалари доирасидагина қолган кўринади" деган хулоса чиқармоқчи бўлади[1]. Проф. А.В.Дудников ҳам асосан содда гаплар омонимияси ҳақида фикр юритади. Уни контаминатив, транспозитив, копулятив, потенциал каби турларга ажратади. Қайси характерга эга бўлишидан қатъи назар, омонимия лексик таркиби бир хил гаплар доирасида ўрганилади[2].

Туркологияда синтактик омонимия жуда кам ўрганилган. Мавжуд фикрлар шунчаки эслатма характерида бўлиб, масаланинг туб моҳиятини очиб бера олмайди. Масалан, татар тилшуноси С.И.Иброҳимов синтактик омонимияни "синтактик тузилишларига кўра бир хил бўлиб, ҳар хил маъноларни англатувчи сўз бирикмалари, оборотлар ҳамда гаплар" тарзида изоҳлаган. Қўшма гаплар омонимияси ҳақидаги фикри ҳам тўғри эмас. У маънолар қоришувини қўшма гаплар омонимияси тарзида тасаввур этади[3].

Ўзбек тилшунослигида синтактик омонимия ҳақидаги дастлабки маълумот "Фан" нашриёти томонидан 1966 йили чоп этилган "Ҳозирги ўзбек адабий тили" китобида берилган. Унда синтактик омонимлар умуман омонимиянинг олтинчи тури сифатида ажратилиб, "сўзларнинг бирикиши натижасида пайдо бўлган сўз бирикмалари ёки қўшма сўзларнинг айтилиши ва ёзилишида бир хиллик турилса, омосинтагма ёки қўшма шаклдаги омонимлар ҳисобланади" каби изоҳ берилган: оқ-соқол, оқ қуш, қоракурт, газоход; ГУМ, МГУ, ТашГУ кабиларни омосинтагманинг мисоллари сифатида келтирилган[4].

А.Сафаев ўзининг "Ўзбек тили синтаксиси бўйича тадқиқотлар" (Тошкент: Фан, 1969, 19-бет) монографиясида синтактик конструкцияларнинг омонимлик хусусиятига экскурс беради: бир хил формадаги бўлакларнинг ҳар хил синтактик функциялар бажара олишини синтактик омонимия деб қарайди. Масалан, Саволига яраша берилган жа-

---

1 Қаранг: З о л о т о в а Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. С.135-136.

2 Қаранг: Д у д н и к о в А.В. Ўша мақола. 90-92-бетлар.

3 Қаранг: И б р а һ и м о в С.И. Татар телендә синтаксис омонимнар һәм синонимнар // Вопросы тюркологии. Ученые записки Казанского ГПИ. Вып. 74. Казань. 1970. С.207-218.

4 Қаранг: Ҳозирги ўзбек адабий тили I-том. Тошкент, 1966. 128-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

воб: саволига яраша - ҳол; саволига яраша жавоб: саволига яраша-аниқловчи. Шундай уй: шундай - аниқловчи; шундай деди: шундай - ҳол ва бошқалар.

Синтактик омонимияни айни шу хилда тушуниш Ф.Убаева учун ҳам хос. У "Ҳол категорияси" номли монографиясида синтактик омонимияга махсус сарлавҳа ажратади. "Шаклан бир хил бўлиб, турли хил фикр англатишга хизмат қилувчи гаплар, гап бўлаклари синтактик омонимлардир" деб таъриф берилади. Авторнинг қўшма гаплар омонимияси (Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди) юзасидан ҳам, эргаш гаплар омонимияси юзасидан ҳам, гап бўлаклари омонимияси юзасидан ҳам билдирган фикрлари синтактик омонимия назариясига мос келмайди. Ф.Убаева синтактик полифункционаллик ва синтактик амфиболия[I] ҳодисаларини синтактик омонимия тарзида тушунаверган. Агар масалани шу хилда тушунилса, авторнинг "синтактик омонимия ҳақиқий воқеликни тўғри акс эттиришга... хизмат қилади" деган фикри ҳодисанинг моҳияти билан янада мувофиқ келмаган бўларди. Чунки "омонимия сўзловчи учун эмас, балки тингловчи учун тааллуқлидир"[2]. Информант - тингловчи сўзловчи - информаторнинг қандай мазмунда фикр юритаётганлигини тушунишда иккиланиши турган гап: Тўғри йўлдан бор. Анча тузалиб қолди. Нодонлигидан гапирди. Қам булоқнинг бошини боғласа, сувни ўзи ичади типидаги гапларнинг икки хил мазмунга эга бўлиши масаланинг фақат нутқ жараёни - коммуникация билан алоқадор томонини ойналайди. Бундай гапларнинг ишлатилишида сўзловчи бир вақтнинг ўзида ҳеч қачон икки хил мазмунни назарда тутмайди, балки улар воситасида маълум нутқ вазияти билан боғлиқ фикрни ифодаламоқчи бўлади. Бундай характердаги гапларни Л.Н.Мурзин зарарли текст (ущербный текст) деб қараб, уларнинг хусусиятларини қуйидагича изоҳлайди: "зарарли текст бир вақтнинг ўзида нутқ вазиятининг бир неча қисмлари билан боғланувчи компонентлардан ташкил топади". Бу ўринда автор зарарли текст тушунчасини қулай текст(избыточный текст) тушунчасига

---

I Синтактик полифункционаллик ва амфиболия ҳақида қаранг: Б е р д и а л и е в А. Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гаплари структурасида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент,"Фан", 1989.

2 Қаранг: А р у т ю н о в а Н.Д. Синтаксис// Общее языкознание. С.289.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарама-қарши қўяди. Қулай текстда компонентлари маълум бир нутқ вазиятининг аниқ бир қисмлари билан мос келувчи конструкциялар назарда тутилади. Шунингдек зарарли текстни икки хил мазмунга эга бўлганлиги учун, коммуникациянинг асосий талабига мос келмайди деб тўғри баҳоланади[I].

С.Мамедовнинг мақоласида[2] синтактик омонимиянинг Бухоро область қипчоқ шевалари материалларига хос баъзи хусусиятлари бўйича фикр юритилади. Унда гап тузилишининг қайта синтагмаланиши ва бунинг натижасида омоним гапларнинг ҳосил бўлиши ҳақида гап боради. Синтактик омонимия ҳодисаси Н.П.Колесников нуқтаи назаридагидек, "таркибида бошқа турдаги омонимлар бўлмаган ҳолда, турли хил маънолар англатадиган гап ва синтактик конструкциялар" деб изоҳланади.

Ашурмат Толиповнинг "Ўқитувчилар газетаси"нинг 1973 йил 9 август сонида босилган "Синтактик омонимия" номли мақоласида синтактик омонимиянинг гап бўлаклари, содда гаплар, эргаш гаплар ва қўшма гаплар системасида бўлиши ҳақида сўз боради. Омонимия қўшма гапларда (содда гапларда ҳам) уларнинг тўғри ва кўчма маъноларда қўллана олиш хусусиятларига кўра, гап бўлакларида эса уюшиқ бўлаклардаги умумлаштирувчи сўзнинг синтактик ҳолатига кўра бўлиши қайд қилинади. Бу авторнинг синтактик омонимияни тушуниши Ф. Убаеванинг тушунчасидан сира фарқ қилмайди.

Келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, тилшуносликда синтактик омонимия юзасидан билдирилган фикрларда муштараклик йўқ. Бу проблема хусусида айтилган фикрларни қуйидагича группалаш мумкин:

1. Синтактик омонимияда гап ёки бирор синтактик ҳодисанинг лексик таркибидаги бир хиллик ва уларнинг мазмун йиғиндиси ҳисобга олинмайди (Е.И.Шендельс, Е.А.Гулыга, Д.А.Салькова).

2. Синтактик омонимияда гап ёки бошқа синтактик ҳодисанинг лексик таркибидаги бир хиллик ва уларнинг мазмун йиғиндиси ҳисобга олинади (Н.Н.Колесников, А.Сафаев, С.Иброҳимов, Ф.Убаева, С. Мамедов, А.Толипов).

---

I Қаранг: М у р з и н Л.Н. Синтаксическая деривация. Пермь, 1974, С.75.

2 Қаранг: М а м е д о в С. Ўзбек шеваларида синтактик омонимия масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1972. 2-сон.

3. Синтактик омонимияда лексик таркиби бир хил бўлган гап ёки бошқа ҳодисаларнинг турлича синтагмаланиши назарда тутилади (проф. Дудников, қисман С.Мамедов).

4. Синтактик омонимияда (аниқроғи, гап бўлаклари омонимиясида) гап структурасидаги маълум бир бўлак ёки бошқа ҳодисалар – кириш ва умумлаштирувчи сўзларнинг синтактик функцияси, уларнинг ана шу конструкциядаги бирор сўз формаси билан грамматик жиҳатдан боғланиши ёки боғланмаслиги хусусиятлари асосга олинади(проф. Дудников, Ф.Убаева, А.Толипов).

Синтактик омонимия ҳажмига кўра ҳам турлича: кенг ва тор маъноларда талқин қилинади. Бу ҳодиса кенг маънода тушунилганда, унинг доирасига синтактик полисемия ҳодисаси ҳам киритилади (Фр. Данеш); тор маънода эса, синтактик полисемиядан фарқланувчи алоҳида ҳодиса сифатида қаралади (Е.И.Шендельс, Е.В.Гулыга, Г.А.Золотова, Д.А.Салькова).

Синтактик омонимия яшаш объектига кўра ҳам ҳар хил. Бу хусусиятга кўра улар икки хил бўлади: тил сатҳига хос омонимия, нутқ сатҳига хос омонимия. Тил сатҳига хос омонимияда бир синтагматик сатҳдаги ҳодисаларнинг бошқа синтагматик сатҳдаги ҳодисалар билан қамров ўхшашлиги тушунилади. Нутқ сатҳига хос омонимияда бир синтагматик сатҳдаги маълум бир қамровнинг айни вақтда икки хил мазмун планига эга бўлиши тушуниладики, шу боис бир нарса сўзловчи томонидан ҳар хил англашилади.

Комуникативлик ва ҳар хиллик синтактик омонимия ҳодисасининг метатил системасида ҳам мавжуд. Лингвистик адабиётларда бу ҳодиса синтактик омомодель (Е.И.Шендельс), структур-синтактик омоним (О.Есперсен), конструкция омонимлиги (Г.Хельбиг), формал омонимия (И.П.Распопов), синтактик омографлар (Б.И.Бухарин) терминлари билан турлича аталган[1]. Синтактик омонимия тушунчасининг бу тарзда ҳар хил аталиши ҳар бир авторнинг бу ҳодисани ҳар хил тушуниши натижаси бўлса керак.

---

1 Қаранг: Ш е н д е л ь с Е.И. О грамматической омонимии; Е с п е р с е н О. Философия грамматики. М., 1958. С.149; Х е л ь б и г Г. Учение Хэрриса и Хомского о трансформации в языке // ИЯВШ. 1966, № 6. С.29-30; Р а с п о п о в И.П. О характеристике конструктивных типов простого предложения в современном русском языке // РЯШ. 1968, № 4. С.81 ; Б у х а р и н В.И. О синтагматическом членении предложений // РЯШ. 1968. № 4.С.93.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Синтактик омонимия тўғрисида айтилган фикрларнинг қайси бири мазкур ҳодисанинг моҳияти ва табиатига мос келади, деган саволнинг туғилиши табиий. Мазкур тадқиқотда синтактик омонимия ҳодисаси юзасидан айтилган биринчи группадаги фикрга хайрихоҳлик билдирилади. Чунки юқорида келтирилган бошқа барча фикрларда синтактик омонимия ва унинг табиатига лексик омонимияга хос хусусиятлар ёпиштирилганлиги аниқ сезилиб турибди. Лекин лексик омонимия табиатидан кўчирилган бу хусусиятларни синтактик омонимия учун тўла мос келади деб бўлмайди. Бир сатҳ доирасидаги хусусиятни иккинчи бир сатҳ доирасидаги хусусиятлар билан мутлақо ўхшаш қилиб қўйиш тил бирликларининг ўзига хос томонларини инкор этиш, улар орасидаги фарқни унутиш демакдир. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошилганда, лексик ҳодисалар тилнинг очиқ системасига, синтактик ҳодисалар унинг ёпиқ системасига алоқадорлиги исбот талаб қилмайди. Шунингдек, лексик ҳодисаларга нисбатан конкретлилик, грамматик ҳодисаларга эса абстрактлилик хослигини ҳам унутмаслик керак. Шуниг учун ҳам синтактик омонимияда гап ҳамда бошқа синтактик конструкцияларнинг лексик таркиби жиҳатидан бир хил бўлиши тўғрисидаги фикрларга қўшилиб бўлмайди. Чунки "омомоделлар бир хил лексик материалга эга бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда, улар бир конструкция тарзида тасаввур этилади"[1]. Биз лексик омонимиянинг юқоридаги тадқиқотчилар томонидан айтилмаган бошқа бир хусусиятини синтактик омонимияга татбиқ этиш нисбатан маъқулроқ деган фикрдамиз. Лексик омонимиянинг бир турида этимологик жиҳатдан турлича бўлган тил бирликлари товуш жиҳатдан тасодифан ўхшаш келиб қолиши қайд қилинади[2]. Бу нарсани ўрганилаётган ҳодисага татбиқ этиш бизнинг "синтактик омонимия шаклан бир хил, лекин турли хил мазмун ифодалаган синтактик конструкциялардир" деган характерда баён қилинган фикрларни рад этишга имкон беради. Бундай фикрнинг мазкур ҳодиса табиатига мос келмаслигини яна шу билан далиллаш мумкинки, тилнинг исталган сатҳ ҳодисаларида унинг бошқа сатҳи ҳодисаларида ҳам такрорланиши мумкин бўлган хусусиятлари мавжуд бўлади (изоморфлик). Масалан, тил ҳодисаларининг деяр-

---

1 Қаранг: Шендельс Е.И. О грамматической омонимии. С.18.
2 Қаранг: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. М., 1959.С.295; Головин Б.Н. Введение в языкознание. М., 1973. С.102-103.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли барчасида соддалик, қўшмалик, мураккаблик каби белгилари бор. Товушлардаги қўшмалик (шартли равишда дифтонг ва трифтс тларни назарда тутамиз) аффикс ёки сўзлардаги "қўшма"ликдан, аффикс ёки сўзлардаги "қўшма"лик сўз бирикмалари ёки гапларга хос "қўшма"-ликдан специфик хусусиятларига кўра фарқланади. Демак, тилнинг турли сатҳ бирликларида такрорланувчи, ўхшаш фактлар маълум жиҳатларига кўра умумийликка эга бўлса-да, улар турли хил сатҳ ҳодисаларида ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан фарқ ҳам қилади. Чунки фарқланувчи ҳодисаларда фарқланувчи қонуниятларнинг амал қилиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам лексик омонимияга тегишли бўлган асосий жиҳатларни синтактик омонимия учун мезон қилиб киритиш тўғри бўлмайди. Бунда грамматик ҳодисаларнинг (синтактик конструкция ва улар моделининг) ўта абстракциялашган характери ҳисобга олинмаган бўлади. Юқоридагилардан синтактик омонимия лексик омонимия билан ҳодисаларнинг этимологик жиҳатдан турли хил бўлиши хусусиятига кўра умумийликка, ўхшашликка эга деган хулосага келиш мумкин бўлади, холос. Бундан ташқари, "омоним сўз"лар турли хил бирликлар тарзида тасаввур қилинганидек, "омоним гап"лар, "омоним модел"лар ҳам турлича гаплар, турлича моделлар, қисқаси, бошқа-бошқа бирликлар тарзида тасаввур қилиниши керак[1]. Бу ўринда Т.П.Ломтев томонидан келтирилган "Он внес мебель из комнаты" (предметлар орасидаги абстракт муносабат маъносида), ҳамда "Автомобиль производит брикеты из торфа" (материалдан маҳсулот олиниши маъносида) конструкцияларини синтактик омонимия табиатига тўла мос келади деб айтиш мумкин[2]. Худди шунга ўхшаш фикр О.С.Ахманованинг кузатишларида ҳам учрайди[3]. Г.В.Валимова текширишларида ҳам бундай қайдларга дуч келамиз. У синтактик омонимияни "синтактик қурилиши бир хил конструкцияларнинг ҳар хил типиклашган маънолар ифодалаши"[4] тарзида тушунади: Я пришёл с удовольствием – Я пришёл с товарищем гапларининг конструкциялари ўхшаш

---

1 Қаранг: Л о м т е в Т.П. Принципы построения формулы предложения // НДВШ ФН. 1969. № 5. С.67.

2 Қаранг: Л о м т е в Т.П. Ўша асар. 67 – бет.

3 Қаранг: А х м а н о в а О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1969. С.287-288.

4 Қаранг: В а л и м о в а Г.В. О соотношении семантической и формальной структуры предложения. Ростов-на Дону, 1978. С.28.

www.ziyouz.com kutubxonasi

синтаксемалардан ташкил топган, улар омонимик характерга эга.

Ўзбек тилшунослигида синтактик омонимияга, лексик омонимияга хос хусусиятларнинг критерия қилиб олинишига сабаб, бизнингча, лингвистик ҳодисаларнинг тил ва нутқ планларига кўра фарқланиши масаласи, парадигматика, синтагматика, модель каби тушунчалар билан боғлиқ замонавий синтактик проблемаларнинг назарий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги бўлса керак.

Омонимия ўзбек тили синтактик системасининг барча сатҳ ҳодисаларида мавжуд. Шу жумладан, эргаш гапли қўшма гаплар сатҳи бирликларининг омонимияси ҳам ўзига хос парадигматик системани ташкил қилади. Масалан, У дардан чиқса, дадаси йўлини пойлаб турарди (Ў.Умарбеков). Эр ишини қўлласа эл, иқбол қувлар изидан (Ҳ.Шарипов) гаплари ҳар хил семантик мундарижага эга. Лекин уларнинг структураси ўхшаш, моделлари омонимик характерга эга. Хусусан, биринчи гап эргаш гап-са-бош гап моделида вужудга келган; унда пайт эргаш гапли қўшма гапнинг сигнификати ифодаланган. Иккинчи гап ҳам эргаш гап-са-бош гап моделида вужудга келган ва унда шарт эргаш гапли қўшма гапнинг сигнификати ифодаланган. Демак, семантик-сигнификатив парадигмада икки хил сигнификат ўзаро муносабатга киришган:

| сигнификатлар парадигмаси | қўшма гап | модель |
|---|---|---|
| I. пайт------------- | пайт эрг.гапли қ.г. | эрг.г-са-бош г. |
| 2. шарт ------------ | шарт эрг.гапли қ.г. | |

Эргаш гапли қўшма гаплар омонимияси фақат эргаш гаплар, ёхуд фақат бош гаплар доирасида (эргаш гаплар омонимияси, бош гаплар омонимияси тарзида) алоҳида-алоҳида қаралмайди. Чунки масалага бу тарзда ёндошиш қўшма гапларнинг тил синтактик системасидаги мустақил, бир бутун яхлит структурага эга бўлган ҳодиса эканлигини инкор этади. Эргаш гапли қўшма гапларда функционал қисмлардан бирининг (эргаш гапларнинг) бошқасига (бош гапларга) нисбатан мутлақ тобе деб қаралиши, қўшма гап умумий маъносини фақат эргаш гаплар зиммасида чеклаб қўйилиши масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб етмаслик оқибатидир. Сўз таркибида ўзак морфеманинг аффиксал морфемага, аффиксал морфеманинг ўзак морфемага муносабати қан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай бўлса, эргаш гапли қўшма гапларнинг функционал қисмлари муносабати ҳам ўшандай характерга эга. Шунинг учун ҳам эрга гап бош гапга қандай тобеланса, ўз ўрни билан, бош гап ҳам мутлақо мустақил қисм эмас, балки синтагматик муносабатда у ҳам эргаш гапларга маълум даражада тобеланади. Улар ўзаро бири бошқасини тўлдирган ҳолда, қўшма гапни ва унинг яхлит конструкциясини ҳосил қилади. Шунингдек, эргаш гапли қўшма гапнинг умумий маъносида фақат эргаш гапларнинг эмас, балки бош гапларнинг ҳам тегишли хиссаси бўлади. Шу жиҳатдан эргаш гапли қўшма гап синтагматик қисмларининг муносабати сўз бирикмаларининг синтагматик қисмлари муносабатига ўхшайди. Қўшма гаплар синтагматик қисмлари муносабатидан ташкил топувчи бир бутун структура сифатида характерланиши учун ҳам, унинг омонимияси функционал қисмларининг бири доирасида чегараланиб қолмаслиги керак.

Эргаш гапли қўшма гаплар структураси учун хос бўлган омонимлик кенг планадаги омонимия ҳодисасининг анча мураккаб кўриниши саналади. Эргаш гапли қўшма гаплар омонимияси пайдо бўлиш хусусиятига кўра ҳам алоҳида характеристикага эга. Эргаш гапли қўшма гаплар омонимияси синтактик-семантик мундарижасидаги полифункционаллик, кўп маънолилик ҳодисаларидан кейинги этапда турувчи ҳодисадир. Чунки эргаш гапли қўшма гаплар омонимияси маълум конструктив формаларга хос функция ва маънолардан бири ажралиб чиққан ҳолатларда, грамматик формаларнинг кўп маънолилигидан ўсиб чиқиши ҳам мумкин[I]. Айниқса, эргаш гапли қўшма гаплар омонимиясида улар структур схемаси-моделининг "тургун" элементлари системасига мансуб бўлган боғловчи ва боғловчи воситаларнинг роли катта. Бундай воситаларнинг полифункционаллиги қўшма гап умумий конструкциясининг грамматик маъноларидагина фарқ қилувчи икки ёки ундан ортиқ алоҳида-алоҳида ҳодисалар сифатида тасаввур этилишига сабаб бўлади.

Омонимиянинг эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида вужудга келиш имкониятларидан иккинчиси - бу ҳар хил маъноли конструкциялар функционал қисмларининг позиция ўхшашлигидир. Масалан, -ки боғловчиси ёрдамида тузилган эргаш гапли қўшма гапларда уларнинг бош гап-эргаш гап моделида реаллашиши одатдаги ҳол саналади. -ки боғловчиси эргаш гап-бош гап моделидаги эргаш гапли

---

I қаранг: Ш е н д е л ь с Е.И. О грамматической омонимии. С.25.

қўшма гапларнинг вужудга келишида ҳам иштирок этади (пайт, сабаб эргаш гапли қўшма гаплар). Лекин бундай ҳолатларда *-ки* боғловчисининг функциясида бошқа хусусиятлар (Масалан, таъкид маъносига эга бўлиш) ҳам мавжуд бўлади. *-ки* боғловчили бош гап-эргаш гап моделидаги конструкцияларда эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам синтетик, ҳам аналитик типларига хос кўринишлари ифодаланаверади:

1. Бу шундай водий к и, қуш урар ҳаёт (Р.Бобожон).

2. Оғриқ шундай кучли к и, у ўзини қўярга жой топмасди (И. Раҳим).

3. Умид боғлайман к и, сиздан ҳақиқий санъаткор чиқади (С. Абдулла).

4. Бахтлиман к и, ёниқ нафас - ёр (Зулфия).

Бу гапларнинг моделларини қуйидагича белгилаш мумкин: 1. бош гап-шундай ки-эргаш гап. 2. бош гап-шундай ки-эргаш гап. 3. бош гап-ки-эргаш гап. 4. эргаш гап-ки-бош гап. Биринчи ва иккинчи гаплар омонимик моделга эга. Уларда аниқловчи (предмет ва унинг белги-хусусияти), ўлчов-даража (ҳолат белгисининг даражаланиши) эргаш гапли қўшма гапларнинг сигнификатлари парадигматик алоқага киришган. Учинчи ва тўртинчи қўшма гаплар, сиртдан қараганда, ўхшаш кўринса-да, уларнинг моделлари бири бошқасидан фарқ қилади: учинчи гапда эргаш гап постпозитив, тўртинчи гапда препозитив характерга эга; ҳар хил эргаш гапли қўшма гаплар ҳар хил моделларда реаллашган. Биринчисида тўлдирувчи эргаш гапли, кейингисида сабаб эргаш гапли қўшма гапларнинг сигнификатив бирликлари ифодаланган. Бу ўринда тўртинчи гап структурасига хос *-ки* боғловчисининг функцияси учинчи гап таркибидаги *-ки* боғловчисидан фарқ қилади. Тўртинчи гап таркибидаги *-ки* айни ўринда полифункционал воситадир: а) *чунки* боғловчисининг маъносини ифода этган; б) эргаш гап таркибига қўшилган; в) кучли таъкид маъносини ҳам ифода этган.

Эргаш гапли қўшма гаплар структур схемаси - моделининг омонимиясини ўрганишда улар қамровидаги боғловчи воситаларнинг семантик-синтактик хусусиятларини белгилаб олиш катта аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан рус тили эргаш гапли қўшма гаплари қамровидаги боғловчиларни синтактик ва семантик каби турларга ажратилишини юзасидан билдирилган фикрларни маъқуллашимиз керак[1]. Семантик боғловчи-

1 Қаранг: Ф ё д о р о в А.К.Система подчинительных союзов в русском языке. Автореферат докт.дисс. М.,1970.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ўз "лексик мазмун"лари билан эргаш гапли қўшма гапларнинг маъно турини аниқ кўрсатиб туради; функционал қисмлар материал ҳамда позицион жиҳатларидан қатъи назар, семантик боғловчилар иштирок этган типда уларнинг категориал семантик сигнификатлари ҳеч қачон ўзгармайди. Уларда форма ва мазмун симметрияси мавжуд бўлади: чунки, шунинг учун, шекилли, негаки, учун, сабабки, токи, гўё каби аналитик; -гани учун, -ганлиги сабабли, -ган вақтда, -ган чоғда сингари аналитик-синтетик боғловчи ва улар функциясидаги ёрдамчилар ана шундай характерга эга. Улар ҳамма вақт сабаб, мақсад маънолари билан боғлиқ қўшма гаплар ҳосил қилади:

Улуғ партия ҳар ишда устоз,
Шунинг учун ҳам ҳамма ишинг соз
(Уйғун).

Халқ учун касб этган янги бир маъно,
Чунки ўринлаган эзгу-муддао
(Ҳ.Ғулом).

Ёмғир ёққан л и г и   у ч у н, ҳамма ўтлар яшнаб кўкара бошлади (газета). Бахтиёрман, гулзорим, дунёда сен бор у ч у н (Уйғун). Раҳмат, бўлтон! Сизнинг боғни қўриқласинлар, т о к и ҳеч ким ўша ердан кўчиб кетмагай (Шайхзода).

Синтактик боғловчилар (масалан, ки, деб) ҳар хил маъноли эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил қилади:

Бизнинг толеимиз шунда к и, дўстлар,
Улуғ Ленин билан бўлдик сирдош
(Уйғун).

Сен борсан к и, тетик, қувноқмен (Г.Абашидзе).

Сен шундай к и м, севги ўтини фақат йиллар сўндира олур
(Ҳ.Олимжон).

Ҳаёт кўриб, ақлим таниб санабман к и ёшимни,
Бир меҳрибон шафқатли қўл силар доим бошимни
(Шуҳрат).

Асорқул чилимни шундай қаттиқ тортди к и, сарҳонада аланга кўтарилди (А.Қаҳҳор).

Семантик ва синтактик турларга ажралиш фақат эргаштирувчи боғловчиларнинг ўзи билан чекланмайди, боғловчилар вазифасидаги нисбий сўз ва феълнинг турли хил формаларини ҳосил қилувчи аффиксал воситалар ҳам шундай турларга ажралади. Хусусан, -са ҳам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

-са-да, -ганда ҳам, -ган чоғда ҳам; қанча-шунча, нақадар-шу қадар, нечоғлик-шу чоғлик каби воситалар семантик боғловчилар сирасига киради. Улар эргаш гапли қўшма гапларнинг маълум бир конкрет маънолар англатувчи турларини (тўсиқсизлик, ўлчов-даража) ҳосил қилади: Ултарма бу ерга хийла олис б ў л с а  ҳ а м, бу икки ошна борди-келди қилиб туришар эди (А.Қаҳҳор). Қодирнинг хаёли мусичаларда б ў л с а  ҳ а м, кўзи қиз кетган томонга йўл чизиб қолди (Шуҳрат). Қиш  қ а н ч а  чўзилса, баҳор  ш у н ч а  кеч киради. Меҳнатга муҳаббати  қ а н ч а  қизғин бўлса, унинг ўзи  ш у н ч а  улуғвор бўлади (М.Исмоилий).

-са, -б, -иб, -ганда, -гунча, -масдан, -май ва ҳоказо шунга ўхшаш аффиксал формантлар, шунингдек, шундай, шунақа каби нисбий-изоҳланувчи сўзлар синтактик боғловчилар каби эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар хил маъноли конструкцияларини ҳосил қилади.

1. Бу  ш у н д а й  фаслки, қайсидир тасодиф. Тасодиф эмасдир бу замон (Т.Эристави). Хонага  ш у н д а й  сукунат чўкдики, ўзининг юрак уришини ўзи аниқ эшита бошлади (Ў.Ҳошимов). Ўқ  ш у н д а й  теккан эдики, тажрибали овчи Содиқ ҳайрон қолди (Шуҳрат).

2. Баҳор кир и б, кунлар исимаган эди (Козимий). Қўнғироқнинг чорловчи товуши янгра б, болалар синфга кира бошлади (Н.Фозилов). Чўзил и б қўшиқлари, одам чиқар ҳар ёқдан (Ҳ.Олимжон).

3. Мақсад б ў л с а, куч ҳам туғилар (Ҳ.Шарипов). Эртасига дарсдан чиқ с а, дадаси йўлини пойлаб турган экан (С.Анорбоев).

4. Иккаласи ўз уйига сиғ м а й, у қайси дашти биёбонлардаги қурилишларда юрибди (М.Мансуров). Фикрлари топ м а й  ниҳоя, Хаёл уни кўкка учирди (Ҳ.Олимжон). Ер кўкар м а й, мол тўймас (мақол).

5. Секретарь қиз етиб кел г у н ч а, у ичкари кириб кетди. Ёмғир тин г у н ч а, улар тут остида туришди (Ў.Ҳошимов). Томчи томиб бўл г у н ч а, дарё оқиб бўлади (мақол).

6. Машина колхоз идорасига яқинлаш г а н д а, клубдан яна қувноқ куй янграй бошлади (Ў.Умарбеков). Куч-қудрат бўл г а н д а, мен ҳам сизларга қўшилиб борардим (М.Сафаров).

Мисолларнинг биринчи пунктида қўшма гаплар бош гап - шундай ка- эргаш гап кўринишидаги иккита моделда ифодаланган. Уларнинг биринчисида аниқловчи эргаш гапли, иккинчисида натижа эргаш гапли қўшма гапнинг ҳамма сифатида сифатловчи характеристикаси реаллашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи пункт мисолларда қўшма гаплар эргаш гап-б-бош гап кўринишидаги учта моделда вужудга келган. Уларнинг бири сида тўсиқсизлик, иккинчисида пайт, учинчисида равиш эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик-сигнификатив бирликлари ифодаланган.

Учинчи пункт мисолларда қўшма гаплар эргаш гап-са-бош гап кўринишидаги иккита моделда вужудга келган. Уларнинг бирида шарт, бошқасида пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг маънолари ифодаланган.

Тўртинчи пункт мисолларда сабаб, пайт, шарт эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг сигнификатлари эргаш гап-май-бош гап кўринишидаги учта моделда вужудга келган.

Бешинчи пункт мисолларда пайт, ўлчов-даража ва чоғиштириш эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг сигнификатлари эргаш гап-гунча-бош гап кўринишидаги учта моделда реаллашган.

Олтинчи группа мисолларда эргаш гап-ганда-бош гап кўринишидаги иккита моделда пайт ва шарт эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг маънолари ифодаланган.

Фактик материалларнинг характери шуни кўрсатадики, ўзбек тили эргаш гапли қўшма гаплари системасида семантик боғловчиларга нисбатан синтактик боғловчи ва ана шундай характердаги бошқа воситаларнинг миқдори кўп. Бу нарса эргаш гапли қўшма гап конструкцияларининг омонимияга мойиллигини кўрсатувчи факторлардан бири саналади.

Эргаш гапли қўшма гаплар омонимияси ўзаро қарама-қарши бирликлар парадигмасидан ташкил топган икки группага ажралади:

1) ички синтактик омонимия - ташқи синтактик омонимия;

2) абсолют синтактик омонимия - нисбий синтактик омонимия.

Ички синтактик омонимияда эргаш гапли қўшма гап моделларининг ё синтетик тип доирасидаги, ё аналитик тип доирасидаги маънолар омонимик моделларга эга бўлади, омонимия бир типга хос ҳар хил семантик-сигнификатив планларга эга бўлади. Ташқи синтактик омонимияда омонимик моделлардан бирида синтетик тип эргаш гапли қўшма гапларга хос семантик-сигнификатив бирлик ифодаланса, бошқасида аналитик тип эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик-сигнификатив планларига хос сигнификатив бирликлар ифодаланган бўлади. Ички ва ташқи синтактик омонимия парадигмаларининг схемасини қуйидагича тасаввур этиш мумкин. Ички омонимия:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1) I-сигнификат ---------------- синтетик тип э.г.қ.г.

модель

2-сигнификат - - - - - - - - синтетик тип э.г.қ.г.

2) I-сигнификат - - - - - - - - аналитик тип э.г.қ.г.

модель

2-сигнификат -------------- аналитик тип э.г.қ.г.

Ташқи синтактик омонимия:

I-сигнификат -------------- синтетик тип э.г.қ.г.

модель

2-сигнификат -------------- аналитик тип э.г.қ.г.

Энди мисолларга мурожаат қиламиз: Илҳом шундай меҳмонки, у дангасани ёқтирмайди (Тафаккур гулшани). Бобоси гарамни шундай ихчам боодики, бир томчи ёмғир ҳам ўтмасди (Ч.Айтматов). Кейин шундай жимжитлик чўкдики, ўзининг юраги гупиллаб ураётганини аниқ эшита бошлади (Ў.Хошимов).

Бу уч гап бош гап-шундай ки-эргаш гап кўринишидаги учта моделда реаллашган. Моделлар омонимик характерга эга. Уларнинг биринчисида синтетик типга хос аниқловчи эргаш гапли қўшма гап ва унинг маъноси ифодаланган. Иккинчи моделда аналитик типга хос ўлчов-даража; учинчи моделда ҳам аналитик типга хос натижа эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг маънолари реаллашган. Семантик-сигнификатив парадигмада эргаш гапли қўшма гапларнинг синтетик ва аналитик типларига хос сигнификатлар муносабатга киришганлиги сабабли, бош гап-шундай ки-эргаш гап кўринишидаги бу уч моделнинг омонимияси ташқи синтактик омонимиядир. Улар парадигмаси схемада қуйидагича бўлади:

| модель | сигнификат | эрг.г.қ.г. | тип |
|---|---|---|---|
| | предмет ва унинг белгиси | аниқловчи эрг. гапли қ.г. | синтетик |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| б.г–шундай ки- э.г. | ҳаракат белгисининг белгиси | ўлчов-даража эрг.г.қ.г. | аналитик |
| | сабаб–натижа | натижа эрг. гапли қ.г. | аналитик |

Ана шу уч сигнификатли парадигмада синтактик конструкцияларнинг ички омонимияси ҳам мавжуд. Ўлчов-даража ва натижа эргаш гапли қўшма гаплар ифодаланган моделларнинг муносабатида омонимиянинг ана шу тури ўз аксини топган. Улар парадигмаси:

| модель | сигнификат | эрг.г.қ.г | тип |
|---|---|---|---|
| | ҳаракат белгисининг белгиси | ўлчов-даража эрг.г.қ.г. | аналитик |
| б.г–шундай ки- э.г. | сабаб–натижа | натижа эрг. г.қ.г. | аналитик |

Ички ва ташқи синтактик омонимиянинг кўлами фарқ қилади. Эргаш гапли қўшма гаплар парадигматик системасида ички омоним характерига эга бўлган моделлар ташқи омоним характерига эга бўлган моделларга нисбатан кўп. Шунингдек, ички синтактик омонимия доирасидаги моделлар абсолют омоним характерида ҳам бўлади. Абсолют синтактик омонимияда қўшма гап структур схема – моделларн турғун элементларининг миқдори кўп ҳолларда тенг келади. Ташқи синтактик омонимия тил системаси учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, нисбатан сийрак учрайди. Омонимиянинг бу турига берилувчи моделларнинг доимий, турғун, элементларининг миқдори кўп ҳолларда фарқ қилади. Бу нарса моделларнинг нисбий омонимлиги хусусиятини характерлаш учун хизмат қилади. Масалан:

1. Дунё шунча яхши э к а н, яшамоқ лазиз (Шайхзода).

2. Қ а й с и б и р оилада ўзаро ҳурмату, ширин сўз одат экан, у хонадон доимо нурга ва файзга тўла бўлади (Р.Усмонов).

Биринчи гапнинг модели эргаш гап–экан–бош гап (аналитик тип, сабаб эргаш гапли қўшма гап); иккинчи гапнинг модели эргаш гап–қайси бир экан–бош гап–у (синтетик тип, аниқловчи эргаш гапли қўшма гап) каби символик кўринишларга эга. Уларнинг омонимлиги абсолют эмас. Бу икки моделнинг омонимлиги улар моделининг экан су-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли орқали ифодаланган турғун элементига кўрадир. Иккинчи гап модели таркибидаги қайси бир, у каби турғун элементларининг мавжудлиги билан биринчи гап моделидан фарқланаётир. Энди мана бу гапларнинг моделларини қиёслайлик:

1. Опа кўлига пон тегди м и, тўйиб қоларлар(С.Шоҳзоданасимов).

2. Қизнинг уялинқираб қараган кўзлари сеҳрлаб қўйди м и, йигит ким бўлиб қолди (З.Дўстматов).

Ҳар икки гап эргаш гапли қўшма гапларнинг аналитик типига мансуб. Улар эргаш гап-ми-бош гап кўринишидаги иккита моделда вужудга келган. Уларнинг биринчисида пайт эргаш гапли, иккинчисида шарт эргаш гапли қўшма гапларнинг маъноси ифодаланган. Моделлар омонимияси ҳам тўлиқ, ҳам абсолют характерда. Бир тип доирасидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг моделлари ва уларнинг турғун элементлари миқдорий тенглигига асосланган абсолют омонимия бир тип доирасидаги қўшма гапларнинг нисбий характердаги омомоделларга эга бўлиш имконияти инкор этмайди. Бир тип доирасида турли хил маънолар ифодаси билан қўлланувчи қўшма гап моделлари муносабатида ҳам омонимлик нисбий характеристикага эга бўлиши мумкин:

Олис хотиралар адаштирди м и, у оловнинг ўчиб қолаётганлигини ҳам сезмади (Ў.Ҳошимов). Раъно саҳнада ашула айт с а б о р - ми, унинг қўнғироқ овози ҳаммани мафтун этарди (З.Дўстматов)гапларининг омомоделларида бу хусусиятни кўриш мумкин. Биринчи гап эргаш гап-ми-бош гап моделида тузилган. Унда сабаб эргаш гапли қўшма гапнинг сигнификатив характеристикаси ўз ифодасини топган. Иккинчи гап эргаш гап-са бор ми-бош гап моделига эга. Унда шарт эргаш гапли қўшма гапнинг сигнификатив характеристикаси берилган. Моделларнинг омонимлиги иккита бир хил -ми боғловчисига нисбатан белгиланса, иккинчи гап моделида унинг турғун элементлари характеридаги -са, бор каби конституентларга нисбатан инкор этилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур гаплар моделларининг омонимлиги абсолют эмас. Демак, моделлараро уларни ҳосил қилувчи турғун элементлар миқдоран фарқ қилса, эргаш гапли қўшма гаплар бир ёки ҳар икки структур тип доирасида бўлишидан қатъи назар, уларнинг моделларидаги омонимлик нисбий характерга эга бўлаверади.

Эргаш гапли қўшма гаплар функционал қисмларининг тартиб ўрнидаги ўзгаришлар, хусусан, уларнинг инверсияси моделларнинг омонимлигига таъсир кўрсатмайди. Бундай ўринларда улар инвариант моделларнинг маълум бир вариантлари характерида бўлади. Чунки ин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

версияда конструкция "ички" аъзоларининг одатдаги грамматик ва синтактик алоқалари сақланади, гап конструкцияси ўзгармайди[1]. Шунинг учун ҳам Баҳодирлар яшасин д е б, қувонади эл (Ҳ.Олимжон) ва Хат ёзибди отанг, онанг, ўғлим омон бўлсин д е б (Ҳ.Олимжон) гапларининг моделларида ҳеч қандай фарқ йўқ. Улар эргаш гап-деб-бош гап типидаги инвариант моделнинг реал вариантларига хос кўринишларидан биридир. Шунингдек, маълум "конструктив маъно"лар(В.М. Солнцев) билан боғлиқ инвариант моделларнинг фарқли вариантлари, қандай характерга эга бўлишидан қатъи назар, моделлараро омонимликнинг барҳам топишига сабаб бўла олмайди.

Синтактик омонимияни гап структура элементларининг полифункционал характери билан боғланувчи айрим формал кўринишлардан фарқлаш керак. Масалан, феълларнинг -са аффиксли шарт, -б, -иб аффиксли равишдош формалари эргаш гапли қўшма гаплар моделларини ҳосил қилишда актив қўлланади. Улар эргаш гапли қўшма гап омоним моделларини ҳосил қилувчи асосий воситалардан саналади. Шу билан бир қаторда, бу формалар компонентларининг тенгланиш алоқасида вужудга келган бошқа алоҳида тип (М.А.Асқарова оралиқ тип термини билан атаган) қўшма гаплар системасида ҳам боғловчи восита вазифасини бажаради. Масалан: Бутун водий ёриш и б, гуллар боғи қўшиққа тўлди (Фольклор). Қуёш нур соч и б, қушлар сайрайди (Ч.Айтматов). Отаси бўз тўқи с а, онаси кийим тикар эди. Бировлар ашула айт с а, бировлар сопол олади[2].

Бу гапларнинг структураси ва уларнинг модели, сиртдан қараганда эргаш гап-иб-бош гап, эргаш гап-са-бош гап моделларида реаллашувчи кўринишларга жуда ўхшаб кетади. Қиёсланг: Ишимиз кичиклаш и б, дори кўпайиб кетди (П.Қодиров). Боғлиғим завққа тўл и б, ўзимдан-ўзим ашула айтгим келади (П.Қодиров). Саттор ишдан чиқиб бозорга бор с а, Ойшахон Мухторни олиб чиқаётган экан. Табиат йўқол с а, биз ҳам йўқ бўлиб кетамиз (П.Қодиров).

Компонентлари тенгланиш алоқаси ёрдамида бириккан оралиқ тип қўшма гаплар билан уларга қиёсланаётган эргаш гапли қўшма гапларнинг моделлари ҳар хил, улар муносабатида омонимлик йўқ. Чунки

---

I Қаранг: С о л н ц е в В.М. Язык как системно-структурное образование. М.: Наука, 1977. С.312.

2 Қаранг: Кейинги икки мисол М.А.Асқарованинг монографиясидан олинди. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. Тошкент, 1963. 40-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

оралиқ тип қўшма гаплар структур схемасининг турғун элементларини синтагматик қатордаги тенг ҳуқуқли функционал қисмлар ҳамда -б, -иб, -са каби воситалар ташкил этиб, предикатив бирлик-предикатив бирлик кўринишидаги модель улар учун характерли бўлади. Оралиқ тип ҳамда қиёсланаётган эргаш гапли қўшма гаплар структурасининг тасодифан "ўхшаш" келиб қолишига -б, -иб, -са конституентларининг полифункционаллиги сабаб бўлган. Конструкция ҳосил қилувчи конституентлар маълум бир подсистема доирасидагина омоним моделларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам юқоридаги эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гап-иб-бош гап кўринишидаги омоним моделларида сабаб ва равиш эргаш гаплар вужудга келган.

Омонимия маълум бир инвариант маънолар билан боғлиқ бўлган инвариант моделларнинг бошқа бир инвариант маънолар билан боғлиқ бўлган инвариант моделларнинг реал вариантлари муносабатида ҳам вужудга келади: Мен чечак эмасман, сочсанг йўлингга (Шуҳрат). Қалб тинчини топмайди, шум ниятли топмаса завол (Ҳ.Каримова).Менг, оғзимнинг катталиги билинмасин деб, мўйлов қўйганман (Н.Аминов). Мунаввар, Йўлдош бирор нарса дермикан деб, кутди (Ў.Ҳошимов).

Биринчи қиёсланаётган иккита қўшма гап бош гап-эргаш гап-са кўринишидаги иккита омоним моделга эга; улардан биринчиси аниқловчи эргаш гапли қўшма гап (синтетик тип)нинг сигнификатив характеристикасига; иккинчиси шарт эргаш гапли қўшма гап (аналитик тип)нинг сигнификатив характеристикасига эга. Мен чечак эмасман, сочсанг йўлингга гапининг модели (Қиёсланг: Мен қўғирчоқ эмаски, қизлар ясантириб ўйнатиб юрса)нинг конкрет вариантларидан бири саналади. Қалб тинчини топмайди, шум ниятли топмаса завол гапининг модели эса эргаш гап-са-бош гап. Қиёсланг: Ўзбек пахтакори олса мўл ҳосил, Россия деҳқони қилар ифтихор (Т.Фаттоҳ) кўринишидаги шарт сигнификатли инвариант моделнинг бош гап-эргаш гап-са тарзидаги реал вариатив кўриниши характерида. Мазкур гаплар учун характерли бўлган инвариант моделлар муносабатида омонимлик йўқ (Моделларни қиёсланг: бош гап-ки-эргаш гап-са ва эргаш гап-са-бош гап). Лекин уларнинг вариантлари омонимик характер касб этган: иккита бир хил бош гап-эргаш гап-са моделига эга; уларнинг бирида синтетик типга хос аниқловчи эргаш гапли қўшма гап; бошқасида аналитик типга хос шарт эргаш гапли қўшма гапнинг сигнификатив характеристикаси ўз ифодасини топган. Шунингдек, бундай хусусият қиёсланаётган иккинчи группа

www.ziyouz.com kutubxonasi

мисолларга ҳам тегишли. Уларнинг биринчисида мақсад эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гап-деб-бош гап (Баҳодирлар яшасин д е б, қувонади эл) тартибидаги инвариант моделининг эргаш гаплари интерпозитив қўлланувчи вариантида; иккинчиси тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гапларда интерпозитив қўлланувчи инвариант модели (Мен, ўқитувчи беш қўяди д е б, ўйлагандиму ) кўринишидаги вариантда ифодаланган. Демак, бу ўринда ҳам инвариант моделлар муносабатида омонимлик хусусияти бўлмагани ҳолда, уларнинг реал вариантлари омонимлик характеристикасига эга бўлмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# БИРИНЧИ БОБ

## БОҒЛОВЧИЛИ КОНСТРУКЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ОМОНИМИЯГА МУНОСАБАТИ

### "-ки" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

-ки боғловчиси полифункционал характерга эга бўлиб, турли хил маъноли эргаш гапли қўшма гаплар конструкцияларининг асосий конституенти вазифасида актив иштирок этади. Бу боғловчи иштирок этган эргаш гапли қўшма гаплар структур типларга кўра ҳам фарқланади. Уларнинг айримларида компонентлар таркибида қўшма гап умумий маъносини белгилашда асос бўлувчи нисбий сўзлар қўлланса, айримларида бундай нисбий сўзлар ишлатилмайди. Грамматик маънолари компонентлари таркибидаги нисбий сўзларнинг характери билан боғланувчи типда эргаш гаплар бош гапларга нисбатан постпозитив тартибда жойлашса, грамматик маънолари компонентлари таркибидаги нисбий сўзлар табиатига асосланмаган, уларда нисбий сўзларнинг ўзи мавжуд бўлмаган типда эргаш гаплар препозитив тартибда жойлашади. Шунингдек, нисбий сўзлар мавжуд бўлган конструкцияларда эргаш гаплар бош гапларни қисман изоҳлаб, унинг бирор бўлагини конкретлаштириш характерига эга бўлса, таркибида нисбий сўзлари мавжуд бўлмаган конструкцияларда эргаш гаплар бош гапларни маълум бир маъно муносабатига кўра тўлиқ изоҳлайди. Қўшма гапларнинг нисбий сўзли ва нисбий сўзсиз конструкциялари ва уларнинг омонимияга муносабатини алоҳида-алоҳида планларда кўриб чиқиш улар табиатини аниқ тушуниш имконини беради.

### Нисбий сўзли конструкциялар

Нисбий сўзли эргаш гапли қўшма гаплар конструкциясининг инвариант моделлари бош гап-эргаш гап тартибидаги кўринишга эга бўлиб, -ки конституенти бош гапнинг кесими таркибига қўшилади. Нисбий сўз ҳам бош гап таркибида қўлланиб, эргаш гапларнинг семантик-грамматик функцияси уларнинг синтактик позициясига кўра белгиланади. Таркибида нисбий сўзлар мавжуд бўлган конструкцияларда эргаш гапли қўшма гапларнинг субъектли ва предикатив муно-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сабатларга хос субъектли, предикатив, посессив (қаратқичли), атрибутив, объектли муносабатларда реаллашувчи маънолари юзага келади.

I. Субъектли муносабатга хос маъноларнинг ифодаланиши. Субъектли муносабатдаги эргаш гапли қўшма гапларнинг структураси ва унда қўлланувчи нисбий-изоҳланувчи сўзларнинг грамматик хусусиятлари қуйидагича бўлади:

I) қўшма гапнинг ҳар икки компонентида нисбий сўз ишлатилади:

а) бош гапда: бир нарса, эргаш гапда: бу. Ҳаракатларида учирма қушнинг шошқалоқлигига ўхшаш б и р н а р с а бор эдики, б у Мўминжон аканинг ўзига ҳам болаликдан таниш эди (Л.Маҳмудов); б) бош гапда: шу нарса, эргаш гапда: буларнинг ҳаммаси. Узоқ умр кўраётган кишиларга ш у н а р с а хоски, уларнинг ҳаммаси оилали кишилардир (Тафаккур гулшани); в) бош гапда: шундайлар, эргаш гапда: улардан. Нега ш у н д а й л а р борки, у л а р д а н ҳамма чўчийди (Ч.Айтматов).

2) нисбий сўзлар фақат бош гаплар таркибида қўлланади:

а) шуниси: фақат ш у н и с и эсимдаки, бир кун ойим укаларим билан чопиққа чиқа олмади (П.Қодиров); б) бу: Б у равшанки, сардорларнинг бошидан кўра ўнг қўллари дуруст ишлар (Шайхзода); в) шу нарса: Менимча, бу ерда ўтирганларнинг ҳаммасига ш у н а р с а аниқ равшанки, коммунист Бақасов оғир жиноий иш қилган (Ч.Айтматов); г) шунақалари: ...Лекин ш у н а қ а л а р и я м борки, ўзи тўқсон сўм маош олади-да, ойига минг сўм совуриб улфатчилик қилади (У.Ҳошимов).

3) компонентларининг биронтасида ҳам нисбий сўз ўз репрезентациясига эга бўлмайди. Лекин бош гапда шу, шу нарса, бу каби нисбий сўзларнинг потенциаллиги сезилиб туради. Бу хил конструкцияларнинг бош гапларида маълум, маълум бўлди, аён, аён бўлди каби сўзлар кесим вазифасида келади: Ракеталар шуъласидан м а ъ л у м к и, Норхолов дивизияси кучли қўшинларнинг ҳалқасида қолган (Иброҳим Раҳим).

Субъектли муносабатда предметлик маъносини англатган қўшма гапларнинг юқорида кўриб ўтилган типларига мос келмайдиган яна шундай (кам учровчи) тури борки, унда эргаш гаплар бош гапга нисбатан препозитив тартибда қўлланади, -ки боғловчиси эргаш гап-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг кесими таркибига қўшилган бўлади. Бундай характерда вужудга келган қўшма гапларда препозитив тартибдаги эргаш гап бош гап таркибида ўз репрезентациясига эга бўлмаган потенциал характердаги бири, барчаси, ҳаммаси, улар тарзида тасаввур этилувчи нисбий эгаларнинг маъносини манифестация қилади: Қишлоқдаги тирик жон борки, Гулмат отаникига қараб югуради (С.Сиёев).

2. Предикатив муносабатга хос маъноларнинг ифодаланиши. Предикатив муносабатда бош гапларнинг кесимлари изоҳланадиган эргаш гапли қўшма гаплар вужудга келади. Уларда эргаш гаплар бош гап эгаси билан валентлик алоқасида бирикади. Бош гап эгаси орқали ифодаланган тушунчанинг квантатив, квалификатив, репрезентатив белгиси маъноларини билдиради. Эргаш гапли қўшма гап бош гап-ки - эргаш гап тартибидаги инвариант моделга эга бўлиб, унинг реал кўринишларида бош гапнинг кесими позициясидаги компоненти шу, шунда, шундай, шунақа, шу бўлди типидаги парадигматик элементлар воситасида ифодаланади:

I) ...шу...: Хотинининг айби ш у к и, у қайната ўлган куни келин бўлиб тушди (Ў.Умарбеков). Инсоннинг жалғадан фарқи ш у к и, у юксакликни кўзлаб олға интилади (К.Ҳамро);

2) ...шунга...: Марксизм-ленинизм классиклари гояларининг улуғворлиги ш у н д а к и, у давримиз билан ҳамнафас бўлиб, мудом камол топади (Р.Усмонов);

3) ...шу бўлди...: Қайта ўлчашнинг натижаси ш у б ў л д и к и, Гусарев бажарилган ишлар миқдорини анча ошириб кўрсатган экан (Т.Пўлат).

3. Объектли муносабатга хос маъноларнинг ифодаланиши. Объектли муносабатларда эргаш гапли қўшма гапларнинг иш-ҳаракат ва ҳолат бевосита ёхуд бавосита йўналган предметлик маъноси ифодаланади. Бу маънолар бош гап-эргаш гап кўринишидаги инвариант моделда реаллашади. Инвариант моделнинг реал вариантларида унинг турғун элементи сифатида тушум, жўналиш, чиқиш келишиги формасидаги изоҳланувчи сўзлар ишлатилади. Баъзан бундай сўзлар билан, учун кўмакчилари билан бирга қўлланади:

I) тушум келишиги формасида - шуни: Шоира фақат ш у н и биладики, Шерзод унга шилқимларча осилмайди (Ў.Ҳошимов);

2) жўналиш келишиги формасида - шунга: Иш ш у н г а бориб етдики, Сирожиддин бу қизга уйланишга қаттиқ аҳд қилди (Ў.Ҳошимов);

www.ziyouz.com kutubxonasi

3) чиқиш келишиги формасида – шундан: Мен шундан сездимки, улар бир-бирини яхши билишади (П.Қодиров).

Объектли муносабатда тузилган қўшма гапнинг айрим кўринишларида моделнинг юқоридаги сингари турғун элементлари норепрезентатив позицияга эга бўлади, лекин уларнинг потенциаллиги сезилиб туради: Айл истайди к и, Ерда ҳаёт сўнмасин сира (Х.Худойбердиева). Мен ишонаман к и, эндиги йил кўчатларимиз ҳозиргидан яхшироқ бўлади (П.Қодиров).

Функционал қисмлари объектли муносабатда бириккан қўшма гапларнинг яна шундай кўринишлари мавжудки, уларда изоҳланиши зарур бўлган нисбий сўз умуман қўлланмайди, уларнинг потенциаллиги ҳам сезилмайди. Бундай қўшма гапнинг структураси ҳам ўзига хос характерга эга. Уларнинг вариант моделлари қуйидагича: а) бош гап-эргаш гап: Бирортасининг тили йўқ к и, мен ишламай қолдим деса (Марва Жалолиддинова); б) эргаш гап-бош гап: Колхозда касал йилқи, майиб мол бор к и, Ёдгор ака сўяди (С.Анорбоев). Мазкур конструкцияларда вужудга келган қўшма гап функционал қисмларининг шаклланиши ҳам турлича: биринчисида бош гапнинг кесими йўқ сўзи, эргаш гапнинг кесими ўтган замон формаси орқали ифодаланган, деса боғловчиси эргаш гапни бош гапга бириктирган. Иккинчисида бош гапнинг кесими бор сўзи орқали, эргаш гапники феълнинг ҳозирги-келаси замон формаси орқали ифодаланган; эргаш гап бош гапга -ки боғловчиси ёрдамида бириккан. Қиёсланаётган бу икки конструкциянинг фарқи яна шундаки, биринчи гап таркибида қўлланган -ки ёрдамчиси боғловчи эмас, балки юкламадир; иккинчи гапдаги -ки эса боғловчидир.

4. Атрибутив муносабатга хос маъноларнинг ифодаланиши. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплар бош гап таркибининг от орқали ифодаланган бирор бўлаги билан атрибутив муносабатда бирикади. Бош гапларда эргаш гапларнинг сифатланмиш характеридаги бўлаклари олдидан сифат ўрнида қўлланувчи нисбий олмошлар ва улар функциясидаги турли хил воситалар ё формал, ё потенциал характерда мавжуд бўлади. Бош гап-эргаш гап тартибидаги инвариант моделнинг биринчи қисми таркибида шундай, шунақа, бир, бир хил, ҳар ва шунга ўхшаш турғун элементлар иштирок этади. Бу воситаларнинг ҳар бири инвариант моделнинг конкрет вариантларини ҳосил қилиш учун хизмат қилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

а) формал ифодага эга бўлган ёки фикран сезиладиган шундай сўзи: Илҳом ш у н д а й меҳмон к и, у дангасани ёқтирмайди (Тафаккур гулшани);

б) бир сўзи: Кўкон б и р олтин гирдоб к и, унда рақобат кемалари сузади (Р.Рулом); в) бир хил ибораси: Эркакларнинг лаҳжасида б и р х и л сўз борки, хонимларга уни билмоқ ноқулай балки (Шайхзода); г) ҳар сўзи: Ҳ а р гўзаллар борки, бир қарашда юрагингни ловиллатворади (Т.Пўлат). Ҳ а р автомат установкалари борки, уларни ишлатиш терим машинасини ишлатишдан ҳам нозикроқ (П.Қодиров).

## Нисбий сўзсиз конструкциялар

Бундай характердаги эргаш гапли қўшма гапларнинг инвариант моделлари эргаш гап–бош гап кўринишида бўлади. -ки конституенти эргаш гапларнинг кесими таркибига қўшилади. Инвариант моделнинг конкрет вариантларида эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги семантик-грамматик типлари вужудга келади:

I. Сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Сабаб маъноси ифодаланган қўшма гаплар структураси икки хил бўлади: эргаш гаплари бош гапга нисбатан препозитив ва постпозитив тартибда жойлашади. Эргаш гаплари постпозитив тартибда жойлашган конструкция кам маҳсул бўлиб, уларнинг модели объектли муносабатда тузилган эргаш гапли қўшма гаплар моделига ўхшайди: Мени маъзур тутинглар к и, расво бўлибман, балки ўлибман (Р.Рулом).

Эргаш гаплари препозитив тартибда жойлашган конструкция нисбатан сермаҳсулдир. Бу конструкциянинг реал моделлари характеристикаси қуйидагича:

1) эргаш гапларнинг кесими ўтган замон формасидаги феъллар орқали ифодаланади, бош гап бир составли шахссиз гаплар андазасида тузилади: Оралариға бундай айрилиқ тушди к и, бундан сўнг кўришмоқ мумкин бўлмас эди (Р.Рулом);

2) эргаш гаплар кесими -ар экан конституентли феъл формалари орқали ифодаланади, бош гапнинг кесими ҳам -ар экан конституентли феъл формаларидан бўлади: Мухторжон кел а р э к а н к и, отаси йўл очиб юрар экан-да (Ў.Хошимов);

3) компонентларининг кесимлари -ган// қан конституентли феъл формалари орқали ифодаланади: У қарға г а н к и, қароллари

шу гапни топиб чиқ қ а н (М.Мансуров);

4) эргаш гапларининг кесимлари бор сўзи орқали, бош гапларининг кесими ўтган замон феъллари орқали ифодаланади: У б о р к и, қуёш ҳам жилмайиб боқди (Т.Фаттоҳ). Баъзан бош гаплар кесими феълдан бошқа сўздан бўлади: Сен б о р к и, шу тупроқ қадру қимматда (Шуҳрат);

5) предикатив қисмларнинг ҳар иккисида ҳам уларнинг кесимлари бор сўзи орқали ифодаланади: Дунёда аёл б о р к и, назокат бор (Ҳ.Худойбердиева). Нур б о р к и, соя б о р (Ў.Хошимов);

6) эргаш гапнинг кесими йўқ сўзи орқали ифодаланади: Лақиллатиш нияти й ў қ дирки, у шундай қилган-да (Ў.Хошимов).

2. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларнинг инвариант модели эргаш гап-бош гап характерида бўлиб, унинг реал кўринишлари қуйидагича бўлади:

1) эргаш гаплар кесими феълнинг ўтган замон формаси орқали ифодаланади: У эсини танибди к и, кўнгли тусаган ҳамма нарса муҳайё (Э.Усмонов);

2) эргаш гапларнинг ўтган замон феъллари орқали ифодаланган кесимларига постпозитив тарзда ҳам ёрдамчиси қўшилади: Зумрад юриниб бўлувди ҳ а м к и, тепадан ўртоғи қичқирди (Ў.Умарбеков);

3) эргаш гаплар кесимини -ган эди конституенти шакллантиради: У гапириш учун энди оғиз жуфтла г а н э д и к и, ўрмон орқасида икки самолёт йўлга бомба ташлай бошлади (И.Раҳим);

4) эргаш гаплар кесимини -ган эди ҳам конституенти шакллантиради: Қорақош пулемётни ўрнатиб улгур г а н э д и ҳ а м к и, тош йўлнинг чап томонида танкларнинг ҳайқириғи эшитилди (И.Раҳим);

5) эргаш гаплар кесими -ганларича йўқ эди, -ганлари ҳам йўқ эди конституентлари ёрдамида шаклланади: Улар тиралиб қолган машиналарга йўл очиб улгур г а н л а р и ч а й ў қ э д и к и, ...санитар машина...жадаллаб ўтди (И.Раҳим). ...қизлар ҳали орқасига қайт г а н л а р и ҳ а м й ў қ э д и к и, "Вали андижонлик" ярадорларини ташлаб, қайтиб келди (И.Раҳим);

6) эргаш гап кесими -ган ҳам эди конституенти орқали шаклланади: Абдуғани билан суҳбатимиз тугама г а н ҳ а м э д и к и, эшикдан ...аммамнинг ўзи ҳам кириб келди (Г.Гулом);

7) эргаш гаплар составида қачон сўзи ҳам ишлатилади, кесим шарт майли формасидаги феъллар орқали ифодаланади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қардош ўлкаларда бўлсамки қ а ч о н,
Сўрашар қалай деб сен ўсган диёр (Қ.Кулиев);

8) шакли кириш конструкцияларга ўхшаш эргаш гаплар таркибида кўрсатиш маъносидаги сўзлар бўлади: Мана, у ч о й д и р к и, ерга ёпишиб ётибди.

3. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Ўлчов-даража маъноси -ки конституентли конструкцияларда ифодаланганда, эргаш гапларнинг кесимлари бўлишсизлик феъллари орқали ифодаланади. Қўшма гап бош гап-эргаш гап тарзидаги инвариант моделга эга бўлади. Унинг реал вариантларида айрим ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлади:

1) функционал қисмлар икки составли содда гаплар андазасида тузилади, уларнинг кесимлари ўтган замон феъллари орқали ифодаланади: Паранжи ичида ҳар ишлар бўларди к и, гапиргани тил бормайди (Т.Пўлат); Бобоси гарамни шундай ихчам боcди к и, бир томчи ёмғир ҳам ўтмасди (Ч.Айтматов);

2) бош гаплар бир составли гаплар андазасида тузилади: Шундай секин сўзлайман к и, бошқа ҳеч ким эшитмайди (Ч.Айтматов). Баъзи ҳолларда бош гаплар бирам, шу даражада каби нисбий бўлаклар ҳисобига кенгаяди: Пиёз бирам аччиқ к и, кўз очгани қўймайди(С. Анорбоев). Шу даражага борилди к и, ҳеч кимнинг деҳқончилик қилгиси келмай қолди (Ч.Айтматов).

-ки конституентли қўшма гапларнинг эргаш гаплари бош гаплари составини тўлиқ изоҳлайдиган, кенгайтирадиган яна шундай кўринишлари мавжудки, уларда шарт, тўсиқсизлик маънолари реаллашади.Шарт маъноси-сигнификатига эга бўлган қўшма гапнинг компонентлари эргаш гап-бош гап тарзида жойлашади; тобе компонент тасдиқ, ҳоким компонент инкор гап андазасида тузилади: Мен тирик эканман к и, сен ўлмайсан (Ч.Айтматов).

Тўсиқсизлик маъносидаги қўшма гап эргаш гап-бош гап тарзидаги моделда вужудга келади: Ҳисоб ўн бешдан ошиб ҳам кетди к и, тўрғай ҳамон нафас олмай сайрарди (Ў.Ҳошимов).

ж ж
х

-ки конституентли гипотактик қўшма гапларнинг синтактик хусусиятлари улар конструкциясининг омонимияга муносабати турли хил эканлигини кўрсатади: а) омонимия компонентларининг жойлашуви ҳар хил бўлган конструкцияларда мавжуд эмас (масалан, функционал қисм-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари бош гап-эргаш гап ва эргаш гап-бош гап тарзида жой эшган конструкциялар); б) компонентлари тартиби бир хил бўлган қўшма гап конструкциялари омонимик характерга эга бўлади. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларининг омонимлиги тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин.

-ки конституентли конструкцияларнинг тўлиқ омонимияси парадигмасида эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги турлари муносабатга киришади:

I. Эргаш гап-бош гап тарзидаги инвариант модель парадигмасида:
 пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап,
 сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап муносабатга киришади.
2. Бош гап-эргаш гап тарзидаги инвариант модель парадигмасида сабаб маъносидаги қўшма гап,
 объектли муносабатдаги эргаш гапли қўшма гапнинг вариант моделга эга кўринишларидан бири муносабатга киришади.

- ки конституентли конструкцияларнинг қисман омонимияси парадигмасида эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги маъно турлари муносабатга киришади:

I. Эргаш гап-бош гап тарзидаги инвариант модель парадигмасида:
 а) субъектли муносабатдаги эргаш гапли қўшма гапнинг маъноси ва пайт маъносидаги қўшма гап;
 б) субъектли муносабатдаги эргаш гапли қўшма гап ва пайт маъносидаги қўшма гап.
2. Бош гап-эргаш гап тарзидаги инвариант модель парадигмасида:
 а) субъектли муносабатдаги эргаш гапли қўшма гап ва сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап;
 б) объектли муносабатдаги эргаш гапли қўшма гап ва сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап;
 в) атрибутив муносабатдаги қўшма гап ва сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап.

### "Шундай...ки" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

Шундай...ки конституенти иштирок этган конструкцияларда ҳам эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар хил маъноли турлари вужудга келади. Мазкур конституент нисбий сўз характеридаги шундай ва боғловчи характеридаги ки элементларидан ташкил топади. У бош гаплар таркибига қўшилади. Шундай...ки конституенти иштирок этган кон-

струкциялар бош гап+эргаш гап тарзидаги инвариант моделга эга бўлади. Бу моделда реаллашган эргаш гапли қўшма гапларнинг деярли кўпчилигида бош гаплар эргаш гаплар томонидан тўлиқ изоҳланади. Фақат предикатив қисмлари атрибутив ва объектли муносабатларда бирикиб, адъектив белги ҳамда предметлик маъноларини ифодалаган қўшма гапларда уларнинг эргаш гап характеридаги қисмлари бош гапларни тўлиқ изоҳламайди, балки улар таркибидаги бирор гап бўлаги (аниқловчи ёки тўлдирувчи)нинг маъносини конкретлаштиради. Қуйида шундай...ки конституентли конструкцияларда ифодаланган қўшма гаплар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишамиз.

I. Натижа маъноси муносабатидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай қўшма гаплар структурасининг инвариант модели бош гап-эргаш гап кўринишида бўлади. Унинг реал вариантларида шундай элементининг позицияси ва функционал қисмларининг грамматик хусусиятлари қуйидагича:

1) шундай элементи бош гапларни феълнинг аниқ ўтган замон формаси орқали ифодаланган кесимларига препозитив тарзда қўшилади, эргаш гаплар кесими ҳам феълнинг ана шундай формаси орқали ифодаланган бўлади: Бўлим мудири ш у н д а й кулди к и, юпқа гардишли кўз ойнаги силжиб кетди (Ў.Хошимов). У шу бир оғиз сўзни ш у н д а й айтдики, йигит аллақандай бўлиб кетди (М.Мансуров);

2) бош гапнинг ҳаракат-ҳолат жараёни маъносидаги сўзлар орқали ифодаланган эгасига боғланади: Шундай жимжитлик чўкдики, трамвайларнинг гулдираши ўн ҳисса ортиқ тарақлаб эшитила бошлади (Ў.Хошимов);

3) бош гап эгасининг сифатловчи аниқловчиларига қўшилади: Шундай асабий, ш у н д а й таранг сукунат чўкди к и, ҳамма юрагини ҳовучлаб қолди.

4) бош гап тўлдирувчисининг сифатловчи аниқловчисига қўшилади: Номерим ш у н д а й бир муаттар ҳидга тўлиб турибди к и, ҳавони симириб нафас олдиму, яйраб кетдим (П.Қодиров);

5) синтетик ва аналитик формалардаги равишдошлар орқали ифодаланган тарз ҳолларига қўшилади: Бу бўрон Сизни ш у н д а й пирпирак қилиб учиради к и, қўнгани жой топа олмай қоласиз (Ойбек). Шаҳло Равшанни ш у н д а й силтаб тортди к и, у ночор орқасига тисарилди (Л.Маҳмудов);

6) "от+билан" моделидаги конструкция орқали ифодаланган равиш ҳолларига боғланади: Танабой бу одамга ш у н д а й нафрат

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан боқди к и, унинг кўз олдини ўраб турган қоронғулик бир зумда тарқаб кетди (Ч.Айтматов);

7) сифат ва равишлар орқали ифодаланган равиш ҳолларига боғланади: Асорқул чилимни ш у н д а й қаттиқ тортди к и, сарҳонада аланга кўтарилди (А.Қаҳҳор). У ш у н д а й тез югурди к и, ҳаво визиллаб кетди (Ч.Айтматов);

8) -ган эди элементли кесимларга боғланади: У ишлатган тошлар бир-бирига шундай ёпишиб кет г а н э д и к и, ҳеч ким уларнинг ораликларидан дарз тополмас эди (Ғ.Ғулом);

9) ар...эди элементли кесимларга боғланади: У шундай тез юриб бор а р э д и к и, гарди йўл-йўлакай кўзга сурмадай кўринарди (Ғ.Ғулом);

10) эди боғламаси мавжуд кесимларга боғланади: Ҳовли шундай жимжит, кимсасиз э д и к и, эгаси кўчиб кетгандек ҳувиллаб ётар эди (Ч.Айтматов). Тутун шундай аччиқ э д и к и, уйдан дадамнинг ўзи зўрға чиқди (А.Қаҳҳор);

11) эргаш гаплар таркибида оқибатда, охири каби ёрдамчи сўзлар қўлланади: Қаландаров шундай бақирдики, о қ и б а т д а Саида ўнғайсизланиб кетди (А.Қаҳҳор); Улар ҳовлиқиб молларни шундай титиб ташлашдики, о х и р и сотувчи уларнинг навбат кутишини талаб қилишга мажбур бўлди (Ч.Айтматов);

12) шундай ёрдамчиси ўрнида унинг функционал варианти-эквиваленти ҳуқуқидаги бир сўзи ишлатилади ва бош гапнинг феъл-кесимига боғланади: Маликахон б и р ўйнадики, ҳамма қойил қолди (Н.Аминов).

2. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Компонентлари муносабатидан ўлчов-даража маъноси англашилувчи эргаш гапли қўшма гаплар инвариант модели бош гап-эргаш гап кўринишига эга бўлади. Бу моделнинг реал кўринишларида шундай элементининг бош гаплар структурасидаги позицияси ҳар хил бўлади; бош ва эргаш гапларнинг шаклланишида ҳам айрим фарқлар кўзга ташланади. Бу жиҳатдан ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларни икки типга ажратиш мумкин:

а) эргаш гапларнинг кесими феълларнинг бўлишли формалари орқали ифодаланган тип (унда тасдиқ ҳукм ифодаланади);

б) эргаш гапларнинг кесими бўлишсизлик формасидаги сўзлар орқали ифодаланган тип (бундай эргаш гапли қўшма гаплардаги ҳукм инкор характерга эга бўлади).

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (2) Эргаш гапларининг кесими бўлишли формадаги сўзлар орқали ифодаланган тип. Бундай қўшма гап конструкцияларида шундай нисбий сўзининг позицияси қуйидагича бўлади:

а) бош гапнинг ўтган замон формасидаги феъл кесимларига боғланади, эргаш гап ана шу феъл кесимдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг ўлчови маъносини ифодалайди: Шу вақт қайиқ ш у н д а й чайқалиб кетдики, Турсунойга у ҳозир тўнкарилиб кетгандек туюлди (Н.Фозилов);

б) составли сўзлар орқали ифодаланган кесимларнинг феъл қисмига боғланади: Ҳижрон азобларидан кейинги учрашув Розиянинг чиройини ш у н д а й очиб юборган эдики, унинг бутун борлиғидан қизлик жозибаси ёрилиб турганга ўхшарди (П.Қодиров);

в) келаси замон буйруқ феъли орқали ифодаланган кесимларга боғланади: эргаш гап кесими ҳам феълнинг келаси замон буйруқ формаси орқали ифодаланади: Сен ш у н д а й яшаки, виждонинг саси тарихлар уфқида қолсин жаранглаб (Шуҳрат). Баъзан ўлчов-даража маъносини кучайтириш функцияси билан эргаш гаплар таркибига то ёрдамчиси ҳам қўшилади: Ш у н д а й ҳалок бўлайликки, то қасд қилганлар ўзи тўксин ёш (Ш.Петефи);

г) от кесимларга қўшилади, эргаш гаплар уларда ифодаланган белги-хусусият маъносининг ўлчови, даражасини ифода этади: Ҳақолат... ш у н д а й бедод, ш у н д а й беомонки, измини бериб қўйган киши аттанг дейди (М.Исмоилий;

д) равишдош ҳамда сифатлар орқали ифодаланган тарз ҳолларига қўшилади; эргаш гаплар ана шу гап бўлаги семантикасидан англашилган белги-хусусиятнинг ўлчови, даражаси маъносини билдиради: Момақалдироқ ш у н д а й қаттиқ гумбурладики, у худди уларнинг томи устида ёрилиб кетгандек бўлди (Ў.Ҳошимов);

е) кўмакчили ва бошқа аналитик конструкциялар орқали ифодаланган тарз ҳолларига боғланади, эргаш гаплар ана шу конструкцияларда ифодаланган белгининг ўлчови, даражаси маъносини билдиради: Уйғонган туйғулар унинг ҳуснини алоҳида бир қизлик жозибасига чулғаб ш у н д а й сеҳрли қилиб кўрсатар эдики, уни кўрган ҳар қандай эркак киши беихтиёр яна кўргиси келар эди(П.Қодиров).

ё) инфинитив обороти орқали ифодаланган тўлдирувчига боғланади, эргаш гаплар ана шу тўлдирувчилардан англашилган иш-ҳаракат даражаси маъносини ўлчаш-даражалаш семантикасига эга бўлади: У

www.ziyouz.com kutubxonasi

ш у н д а й тош кесишларни кўрсатдики, халқ шайдо бўлиб қолди (Ғ.Ғулом);

ж) отлар орқали ифодаланган тўлдирувчиларга ҳам боғланади: Мактубида ш у н д а й сўзларни ёзибдики, ҳар қандай музни ҳам эритиб юборади (И.Раҳим);

з) эга ва тўлдирувчиларнинг сифатловчи аниқловчиларига боғланади, эргаш гаплар улар семантикасидан англашилган белги-хусусиятнинг ўлчови, даражаси маъноларига эга бўлади: Баъзан оғзидан ш у н д а й доно гаплар чиқадики, қорақош бунга қойил қоларди (И.Раҳим). У ш у н д а й қаҳрамонона ишлар қилишга улгурдики, қойил қолмай илож йўқ (Ч.Айтматов).

2 (2) Эргаш гапларнинг кесими бўлишсиз формадаги сўзлар орқали ифодаланган тип. Бундай типга хос қўшма гапларда нисбий сўзнинг позицияси ва компонентларнинг грамматик хусусиятлари қуйидагича бўлади:

а) предикатив қисмларнинг кесимлари феълларнинг буйруқ-истак формаси орқали ифодаланади, эргаш гаплар бош гаплар кесимидан англашилган иш-ҳаракат даражаси, ўлчови маъноларини англатади. Ўлчов-даража маъносини кучайтириш функцияси билан баъзан эргаш гаплар таркибида токи ёрдамчиси қўлланади: Сени шундай севайки, севгим куч билан ҳам сиғмасин қалбга (Т.Эристави). Ўртадаги сув можаросини шундай ҳал қилингки, т о к и ундан ҳеч ким ранжиб юрмасин (М.Мақсимов);

б) кесимлар феълларнинг ўтган замон формалари орқали ифодаланади, шундай бош гап кесимига боғланади: Зум ўтмай ҳаво ш у н д а й бузилдики, кўз очиб бўлмай қолди (Ч.Айтматов);

в) бош гапнинг кесими -ган аффиксли ўтган замон феъли, эргаш гапнинг кесими ҳозирги-келаси замон феъли орқали ифодаланади: Сурат ш у н д а й ўралганки, энг уста упаковкачилар ҳам бунчалик ўролмайдилар (И.Раҳим);

г) кесимлар ўтган замон давом феъллари орқали ифодаланади: Саттор уни севмасдиги... Ойшахоннинг қалбини ш у н д а й тимдалаяпти к и, оғриғига чидаб бўлмайди (П.Қодиров);

д) шундай сўзи бош гапнинг равишдошлар орқали ифодаланган ҳолларига боғланади: У ш у н д а й ялиниб гапирарди к и, рады-ни қайтаришнинг сира илоки қолмаган эди (Саид Аҳмад);

е) шундай конструкцияси бош гапларнинг равишлар орқали ифода-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган ҳолига боғланади, компонентлар кесими ўтган замон давом феъли орқали ифодаланади; эргаш гап тарз ҳоли маъносидан англашилувчи белги-хусусиятнинг даражаси маъносини билдиради: Ш у н д а й секин сўзлаймашки, бошқа ҳеч ким эшитмайди (Ч.Айтматов);

ё) шундай конституенти бош гапнинг сифатлар орқали ифодаланган тарз ҳолига боғланади, кесимлар феълнинг ўтган замон формалари орқали ифодаланади: Бобоси гарамни ш у н д а й ихчам боғлади к и, бир томчи ёмғир ҳам ўтмасди (Ч.Айтматов);

ж) шундай конституенти бош гапнинг эгасига боғланади; кесимлар ўтган замон феъллари орқали ифодаланади; эргаш гаплар бош гапларнинг эгасидан англашилган предмет маъносининг хусусияти, белгисини даражалаш семантикасига эга бўлади: Қизиқ ҳаётда ш у н д а й нарсалар ҳам бўлади к и, унга ишонишинг қийин бўлади (Беруний);

з) бош гап от кесимларининг сифатловчи аниқловчиларига боғланади, компонентларнинг кесимлари ўтган замон феъллари орқали ифодаланади; эргаш гаплар белгининг белгисини даражалаш маъносини ташийди: У ш у н д а й дилга ёқадурган расм чизди к и, Фарҳод айтганидан қилча ҳам тавофут қилмас эди (Ғ.Ғулом). Булар ш у н д а й улкан паҳлавонлар бўлган к и, уларни жўн отлар кўтариб юролмаган (П.Қодиров).

3. Атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносини билдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплар бош гаплар составидаги от орқали ифодаланган бирор бўлакнинг белги-хусусияти маъноларини билдириб, уларга препозитив тарзда қўшилган шундай конституентининг мазмунини конкретлаштиради; эргаш гаплар сифатдош оборотлар орқали ифодаланган сифатловчи аниқловчиларга функционал жиҳатдан тенглашади. Атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносини билдирган қўшма гаплар структурасининг инвариант модели бош гап-эргаш гап тарзида уқилади. Унинг реал вариантларида шундай элементининг позицияси турлича бўлади:

1) компонентларининг кесимлари ўтган замон феъллари орқали ифодаланиб, конституент бош гапнинг эгасига боғланади: Ш у н д а й жойлар ҳам учрайди к и, у жойларда чаён чақмайди (Беруний). Уларнинг кўз олдида ш у н д а й воқеалар содир бўлаяпти к и, бу воқеаларнинг ҳар бири – катта тарих (У.Умарбеков);

2) бош гапнинг от кесими аниқловчисига боғланади, кесимлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълнинг ўтган замон формалари орқали ифодаланади: У ш у н д а й хилма-хил билимларни эгаллади к и, ҳатто олий мактабни тамомлаган кишиларда ҳам баъзан бу қадар кўп билим бўлмайди ( М.Горький);

3) бош гапнинг тўлдирувчисига боғланади: Унда ш у н д а й бир врачга йўлиқдим к и, унинг ҳар бир сўзидан бол томар эди (Ш. Шомаҳмудов);

4) бош гапларнинг кесими бўлмоқ феълининг ҳозирги-келаси замон формаси орқали ифодаланади, эргаш гапнинг кесими ҳам ана шундай формадаги феъллар орқали ифодаланади; нисбий сўз бош гапнинг от орқали ифодаланган эгасига боғланади: Эр-хотинлар ўртасида ш у н д а й ёзилмаган конунлар бўлади к и, унга аралашишга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ (Ў.Ҳошимов). Киши ҳаётида ш у н д а й воқеалар бўлади к и, у умрбод хотирадан кўтарилмайди (Ў.Умарбеков);

5) нисбий сўз бўлмоқ боғламасини қабул қилган кесимларга қўшилади, эргаш гапнинг кесими ҳозирги-келаси замон феъллари орқали ифодаланади: У ш у н д а й маҳмадона, серсавод б ў л и б д и к и, ҳар нарса уни қизиқтираверади (Ғ.Ғулом);

6) нисбий сўз бош гапнинг от орқали ифодаланган кесимига боғланади, эргаш гаплар кесими икки хил бўлади:

а) феъллар орқали ифодаланади:

Бу ш у н д а й ўлка к и, қуёшга она,
Унинг қучоғида туғилар баҳор (Қ.Қулиев);

б) от кесимлар характерида бўлади:

Бу ш у н д а й фасл к и, қайсидир тасодиф
Тасодиф эмасдир бул замон (Т.Эрнотави).

Армия ш у н д а й бир жойдир к и, Саша,
Эрталаб, кечқурун еганинг – каша (Д.Толотоба);

7) нисбий сўз бош гапнинг кесими аниқловчисига боғланади, эргаш гапнинг кесими: а) феъллар орқали ифодаланади: Тана соғлиқ ш у н д а й махфий давлат к и, қадрини ундан айрилган кишиларгина билади (араб ҳикмати);

б) йўқ сўзи орқали ифодаланади: Инсон ш у н д а й қудратли зот к и, унинг қўлидан келмайдиган иш й ў қ (М.Горький); в) етакчи қисми сифатлар орқали ифодаланган состави сўзлар орқали: Севги мубталосини ўз ранжига солиб оладиган ш у н д а й кучли мураббий к и, у ўз иштибоҳига таслим бўлган х у н у к л а р н и ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиройли, ёмонларни яхши, ақлсизларни ақлли қилиб олади (М.Исмоилий);

8) компонентларининг кесимлари таркибида экан боғламаси мавжуд бўлади, шундай ёрдамчиси бош гапнинг кесимига боғланади: Зилзила шундай бир офат экан ки, оқибатлари бир-икки кунда тугамас экан! (П.Қодиров);

9) бош гапнинг кесими керак ёрдамчисини қабул қилган инфинитив орқали, эргаш гапларники буйруқ-истак формасидаги бўлмоқ боғламасини олган отлар орқали ифодаланади; нисбий сўз бош гапнинг ноль кўрсаткичли воситасиз тўлдирувчисига боғланади: Бу ерда ҳам уларга шундай хўрак бериш керак ки, улар учун бу жуда таниш бўлсин (Ч.Айтматов);

10) бош гапларнинг кесими бор сўзи орқали, эргаш гапларники ҳозирги-келаси замон феъллари орқали ифодаланади; нисбий сўз бош гапнинг эгаси ҳамда эганинг аниқловчиси билан боғланади: Шундай ғоялар бор ки, улар... сўниб боради. Шундай ажойиб инсонлар бор ки, улар... улуғ мақсад учун курашадилар (Р.Усмонов).

ж ж

ж

...шундай...ки конституентли конструкцияларда ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларнинг яна шундай, лекин кам учрайдиган кўринишлари мавжудки, уларда реаллашадиган маънолар қуйидагилардир:

1) сабаб маъноси: бундай эргаш гапли қўшма гаплар структураси натижа, ўлчов-даража, атрибутив муносабатда белги-хусусият маъноларини ифодалаган эргаш гапли қўшма гапларникидан фарқ қилади. Сабаб маъносидаги қўшма гапларда эргаш гаплар бош гапларга нисбатан препозитив тартибда жойлашади, -ки боғловчиси эргаш гапнинг кесими таркибига қўшилади:Устига кийган бекасам тўни ўзига шундай ярашган ки,биз,қизлар, ихтиёрсиз унга қарардик(М.Исмоилий);

2) объектли муносабатдаги предметлик маъноси: бундай қўшма гапнинг модели ҳам эргаш гап-бош гап тарзида бўлади, эргаш гап бош гап таркибидаги тўлдирувчининг маъносини конкретлаштиради: Анварнинг ҳийласи хон яқинларига шундай яхши таъсир қилдики, биз буни Султоналининг сармушвий белгиланишидан англаймиз (А.Қодирий). Қиёсланг: Биз Анварнинг ҳийласи хон яқинларига шундай яхши таъсир қилганини Султоналининг сармушвий белгиланишидан англаймиз;

www.ziyouz.com kutubxonasi

3) релятив муносабатдаги белги-хусусият маъноси: бундай маънога эга бўлган қўшма гап бош гап-эргаш гап тарзидаги моделга эга бўлади:Одам ш у н д а й яратилган к и,бир машғулотдан иккинчи машғулотга ўтиши билан дам ола бошлайди (Тафаккур гулшани). Қиёсланг: Одам бир машғулотдан иккинчи машғулотга ўтиши билан дам ола бошлайдиган қилиб яратилган.

Фактик материаллар талқини шуни кўрсатадики, шундай...ки конституенти иштирок этган конструкцияларда вужудга келган эргаш гапли қўшма гаплар моделлари омонимик характерга эга. Лекин бу моделларнинг барчаси шу хусусиятга эга эмас. Шундай...ки конституентли конструкцияларнинг омонимияси тубандаги маъноларни бир парадигма доирасида уюштиради:

I. натижа маъноси ---------------------------------- б.г(шундай)ки-э.г.
   ўлчов-даража маъноси ---------------------------- б.г(шундай)ки-э.г.
   атрибутив муносабатга
   хос белги-хусусият ------------------------------ б.г(шундай)ки-э.г.

II. сабаб маъноси ---------------------------------- э.г(шундай)ки-б.г.
   объектли муносабатга
   хос предметлик ---------------------------------- э.г(шундай)ки-б.г.

"Шунақа...ки" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

Предикатив қисмлари бош гап-эргаш гап тартибида жойлашган эргаш гапли қўшма гапларнинг шундай типлари мавжудки, нисбий сўз характеридаги шунақа ва эргаштирувчи боғловчи характеридаги -ки элементлари улар моделининг асосини ташкил қилади. Шунақа сўзи бош гап таркибининг лексик-грамматик характеристикаси турлича бўлган бўлаклари билан бирикади. -ки боғловчиси бош гаплар кесими таркибида уларни эргаш гаплар билан бириктиради. Асосий конституент характеридаги шунақа элементи қўшма гап структурасидан туширилиб қолдирилса, унинг синтагматик характеристикасига путур етади. Шунақа...ки конституентли моделларда реаллашувчи эргаш гапли қўшма гаплар характеристикаси қуйидагича.

I. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гаплар структурасининг инвариант модели бош гап-эргаш гап тарзида учрайди.Шунақа элементи бош гаплар таркибида бўлади.Инвари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ант моделнинг реал кўринишларида шунақа элементининг позицияси ҳар хил бўлади:

а) бош гапларнинг ўтган замон феъллари орқали ифодаланган кесимларига боғланади: Бир маҳал томоғи ш у н а қ а н г и оғриди к и, кўз ёшлари отилиб кетаверди (Марва Жалолиддинова);

б) бош гапнинг сифатлар орқали ифодаланган кесимига боғланади: ...Йўл ш у н а қ а ёмон к и, ҳатто кундуз куни юриш ҳам хавфли (Ч.Айтматов);

в) бу конституент ҳам, ям ёрдамчилари билан кенгайган ҳолда бош гапнинг "от+сифат эди" моделига эга бўлган кесимларининг етакчи қисмига қўшилади. Эргаш гап бош гапнинг субъекти белги-хусусиятини даражалаб кўрсатади, ҳам, ям ёрдамчилари эргаш гаплар томонидан англашиладиган даражалаш маъносини кучайтириш, бўрттириш оттенкаларига эга бўлади: Ёшлигида у ш у н а қ а я м гўзал эди к и, сен тасаввур этолмайсан (В.Чванов);

г) шунақа конституенти бош гапларнинг ҳар хил конструкциядаги равиш ҳолларига боғланади, эргаш гаплар бош гаплардаги иш-ҳаракат белгиси маъносини даражалаб кўрсатади: Келин-куёв томон карнай-сурнайни ш у н а қ а я м сурон тортиб чалдириб келди к и, қиз томоннинг болохонаси, назаримда, осмонга варрак бўлиб учиб кетай деди (С.Анорбоев).

д) шунақа конституенти бош гапларнинг отлар орқали ифодаланган кесимларига боғланади; эргаш гаплар бош гаплар субъектининг хусусиятини даражалаш маъносига эга бўлади: Сиз айтган Соқиев ш у н а қ а туллак одам к и, уни қармоқ билан илинтиролмайсиз (Ў.Ҳошимов);

е) шунақа конституенти бош гапнинг эгасига боғланади, эргаш гаплар бош гап эгаси ифодалаган субъектнинг атрибутив муносабатдаги белгиси маъносини даражалаб кўрсатади: Сукунат чўкди. Ш у н а қ а сукунат чўкди к и, Азимжон сув устидан учиб ўтган гунафша ранг ниначининг овозини ҳам эшитгандек бўлди (Ў.Ҳошимов).

2 . Натижа маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гаплар ҳам бош гап-эргаш гап тарзидаги инвариант моделга эга бўлади. Унинг реал варианти икки хилдир:

а) компонентларининг кесимлари ўтган замон феъллари орқали ифодаланади;

б) буйруқ-истак формасидаги феъллар орқали ифодаланади.

Кесимлари аниқ ўтган замон феъллари орқали ифодаланган эргаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапли қўшма гапларда эргаш гаплардан англашилган мазмун бош гаплардан англашилган мазмуннинг аниқ натижаси, реал хулосасини билдиради: Нотаниш овоз "Равшанжон ака" деган сўзни ш у н а қ а я м мулойим қилиб айтди к и, Равшан ўзидан-ўзи питиллаб қолди (Ў.Хошимов).

Кесимлари буйруқ-истак формасидаги феъллар орқали ифодаланган қўшма гапларда эргаш гаплардан англашилган мазмун бош гапларда вужудга келиши кўзда тутилган мазмуннинг аниқ бўлмаган, нореал натижаси маъносини билдиради: Сиз ш у н а қ а қилиб ёзинг-к и, бол ўзингиз айтган эътиқодсиз одамлар кимга сиғинишини билмай қолсин (Ў.Хошимов).

3. Атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гаплар компонентларининг ўзаро муносабатига кўра, юқоридаги қўшма гапларнинг ҳар иккисидан фарқ қилади. Атрибутив муносабатдаги белги-хусусият маъносини билдирган қўшма гапларда уларнинг бош гаплари эргаш гаплари томонидан тўлиқ изоҳланмайди. Эргаш гап бош гап таркибининг сифатловчи аниқловчисинигина изоҳлаб, унинг маъносини конкретлаштиради. Атрибутив муносабатдаги белги-хусусият маъносини англатувчи қўшма гап бош гап-эргаш гап тарзидаги инвариант моделда вужудга келади. Унинг реал кўринишларида эргаш гаплар бош гаплар таркибининг шунақа элементини бошқарган гап бўлагига боғланиб, унинг ҳаракат-ҳолат билан боғлиқ белгиси маъносини билдиради, эргаш гаплар функционал жиҳатдан сифатдош оборотларга тенглашади: Ш у н а қ а актёрлар бор к и, улар фақат ўзининг ролини ёдлаб олади-да, шуни қойил қилсам бўлди деб ўйлайди (Ў.Хошимов) – Фақат ўзининг ролини ёдлаб олиб, шуни қойил қилсам бўлди деб ўйлайдиган актёрлар. Хотини ш у н а қ а нарсаларни топади к и, уларни айтишга Очилнинг тили ҳам келишмайди (Ў.Хошимов) – Уларни айтишга Очилнинг тили ҳам келишмайдиган нарсалар...

Юқоридагилардан кўринадики, "шунақа...ки" конституентли конструкциялар омонимиясининг парадигмасида эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги маъно типлари реаллашади:

ўлчов-даража маъносидаги
эргаш гапли қўшма гап ———————————— б.г(шунақа)ки-э.г.
натижа маъносидаги
эргаш гапли қўшма гап ———————————— б.г(шунақа)ки-э.г.

www.ziyouz.com kutubxonasi

атрибутив муносабатга
хос белги-хусусият маъ-
носидаги эрг.гапли қўшма гап ————————— б.г(шунақа)ки-э.г.

"Шунчалик...ки" конституентли конструкциялар ва
улар нинг омонимияга муносабати

Бундай конституентли моделларда ҳам шунчалик элементи бош гаплар таркибида бўлади. -ки бош гапларнинг кесими таркибига қўшилади. Шунчалик...ки конституентли конструкциялар ва уларнинг моделларида эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар хил семантик типлари вужудга келади. Улар одатда бош гап-эргаш гап кўринишидаги инвариант моделларда ифодаланади.

1. Натижа маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплардаги воқеа-ҳодисаларнинг реал хулосаси маъноси англашилади: Қушлар довулдан ш у н ч а л и к таҳликага тушишган эдилар к и, уларни милтиқ отиб ҳам чўчитолмадик (М.Сафаров). "Дуварак" танкка ш у н ч а л и к яқин бориб граната ташлабди к и, унинг парчаси ўзига ҳам тегибди (А.Қаҳҳор).

Функционал қисмлари натижа маъноси муносабатида бириккан эргаш гапли қўшма гапларда шунчалик сўзи бош гапларнинг баъзан феъл кесимларига, баъзан равиш ҳолларига боғланган бўлади: Ўрмон ичида қатнов ш у н ч а л и к кўпайиб кетди к и, Бегимхон билан Қоракўш бемалол гаплаша олмади (И.Раҳим). У ўтмиш воқеаларини ш у н ч а л и к билағонлик билан, ш у н ч а л и к энтикиб ҳикоя қилардики к и, Сирожиддин ўзи ҳам хўш кўрмайдиган тарих фанининг аллақандай сеҳри борлигини ҳис этди (Ў.Ҳошимов). Биринчи гапда шунчалик бош гап кесимига, иккинчи гапда унинг равиш ҳолига боғланган: ш у н ч а л и к кўпайиб кетди; ш у н ч а л и к билағонлик билан, ш у н ч а л и к энтикиб.

2. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплар бош гаплардаги иш-ҳаракат, белги-хусусиятнинг даражаси, шу даражанинг ўлчови, меъёри каби маъноларга эга бўлиб, бош гаплар таркибидаги шунчалик сўзининг маъносини конкретлаштиради.

Ўлчов-даража маъносидаги қўшма гап ҳам бош гап-эргаш гап кўринишидаги инвариант моделда вужудга келади. Шунчалик элементи

www.ziyouz.com kutubxonasi

конструкцияда қуйидаги позицияларда бўлади:

а) шунчалик бош гапларнинг -ган эди конституентли кесимига боғланади, эргаш гаплар бош гапларнинг кесимидан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг даражасини кўрсатади: Улар тош кесишда ш у н ч а л и к қийналган эдилар к и, бундай қийинчиликни ҳеч ким кўрмаган эди;

б) бош гапларнинг от кесимларига боғланади, эргаш гаплар бош гаплар субъектининг предикатив муносабатга хос белгисини даражалаб кўрсатади: Бу жойлар ш у н ч а л и к зах к и, осмонга булут чиқса, ер терлайди (М.Сафаров). Бир-биримизга муҳаббатимиз ш у н ч а л и к зўр эди к и, ҳатто ошиқ-маъшуқлар орасидаги муносабатларни хаёлимизга ҳам келтирмасдик (Н.Аминов);

в) бош гапларнинг составли кесимлари таркибидаги от орқали ифодаланган компонентга боғланади, эргаш гаплар ана шу от компонент маъносини ифода этган хусусиятларни даражалаб кўрсатади: Дастурхон усти ш у н ч а л и к остин-устун бўлиб кетибди к и, қараган кишининг раҳми келади (Ў.Ҳошимов);

г) бош гапларнинг равиш ҳолларига боғланади, эргаш гаплар ана шу равиш ҳоллари ифода этган белги-хусусиятнинг даражаси маъносини билдиради: Уор айғири унинг биқинига ш у н ч а л и к қаттиқ тепди к и, Гулсари оғриқдан ўлар ҳолатга келди (Ч.Айтматов). Сарв қоматли, гул юзли ш у н ч а л и к тез юриб келган эди к и, юзининг ўтидан сув оқар эди (Ғ.Ғулом).

д) инфинитив обооротлар орқали ифодаланган тўлдирувчининг равиш компонентига боғланади, эргаш гаплар ана шу компонентда ифодаланган белги-хусусият маъносини даражалаб кўрсатади: У эгар остида ш у н ч а л и к тез ва текис юришга ўрганган эди к и, одамлар қойил қолишарди (Ч.Айтматов);

е) бош гапларнинг ўрин ҳолларига боғланади, эргаш гаплар ўрин маъноси билан боғлиқ тушунчанинг белги-хусусиятини даражалаш учун хизмат қилади: Баъзилари ш у н ч а л и к юксакларга кўтарилади к и, нилуфар осмон губори билан қўшилиб кетгандек бўлади (М.Сафаров).

Шунчалик...ки конституентли конструкцияларнинг айримларида эргаш гапли қўшма гапларнинг ўлчов-даража, атрибутив муносабатдаги белги-хусусият, сабаб маънолари қоришган ҳолда ифодаланади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу замин шунчалик нотинч курра ким,
Тинчитиш дардида бетинч юраман (Шухрат).

Бу қўшма гапда ўлчов-даража маъносининг ифодаланиши шу билан характерланадики, унда эргаш гап бош гапнинг от орқали ифодаланган кесимига боғланиб, унинг аниқловчиси ифодасидаги белги-хусусиятни даражалаб кўрсатаётгандек сезилади; унинг атрибутив муносабатдаги белги-хусусият маъносини англатиши шу билан белгиланадики, эргаш гап бош гап таркибидаги шунчалик сўзи орқали ифодаланган сифатловчи аниқловчининг маъносини изоҳлаётганга ҳам ўхшайди; конструкцияда ифодаланган учинчи - сабаб маъноси шу билан характерланадики, биринчи компонентдан англашилган нутқ вазияти кейинги компонентда англашилган нутқ вазиятининг юзага келиш сабабини билдираётгандек туюлади. Ўлчов-даража ҳамда атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъноси бош гап-эргаш гап моделидаги конструкция орқали ифодаланган бўлса, сабаб маъноси эргаш гап-бош гап моделидаги конструкцияда ифодалангандек тасаввур этилади. Қоришиқ маъноли бу конструкцияда атрибутив муносабатдаги белги-хусусият маъноси унга йўлдош бўлган бошқа маъноларга нисбатан бир оз кучлироққа ўхшайди: Мен тинчитиш дардида бетинч юрадиган нотинч курра. Шу боис ҳам мазкур конструкцияда аниқловчи эргаш гапли қўшма гап ва унинг сигнификати ифодаланган деган хулосага келиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, шунчалик...ки конституентли конструкциялар омонимик моделларга эга бўлиб, уларда: ўлчов-даража маъносидаги, натижа маъносидаги, атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар вужудга келади.

## "Шу қадар...ки" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

Шу қадар...ки конституента иштирокида тузилган конструкциялар бош гап-эргаш гап кўринишидаги инвариант моделга эга. Конституентнинг шу қадар қисми бош гаплар составида ҳар хил позицияларда жойлашади, -ки эса эргаш гапларни бош гапларга боғлайди. Шу қадар...ки конституентли конструкцияларда реаллашувчи қўшма гаплар семантик жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади:

I. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Ўлчов-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар структурасида шу қадар элементи ҳар хил позицияларда бўла олади:

а) бош гапларнинг феъл кесимларига боғланади, эргаш гаплар ана шу феъл кесимлардан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг даражаси ва унинг тезлигини билдиради: Бу сунбул сочлар қиз белига ш у қ а д а р ярашиб тушибди к и, бундан рассомнинг кўзи қамашиб кетди (И.Раҳим);

б) бош гапларнинг эди, бўлади боғламалари билан қўлланган от кесимларига боғланади; эргаш гаплар ана шу кесимлардан англашилган белги-хусусиятнинг ўлчови маъносини билдиради: Бу кўлнинг суви ш у қ а д а р шаффоф эди к и, тагида қалашиб ётган тошлар битта-битталаб кўриниб турибди (Т.Пўлат). Ёш домла ш у қ а д а р қаттиққўл эди к и, камдан-кам бола ундан "тўрт" олишга муяссар бўларди (Ў.Ҳошимов);

в) бош гапларнинг равиш ҳолларига боғланади, эргаш гаплар ана шу равиш ҳоллари ифодалаган иш-ҳаракат белгиси маъносини даражалаб кўрсатиш учун хизмат қилади: Қизалоқ бу гапларни ш у қ а д а р ишонч билан айтди к и, Шерзод сесканиб кетди (Ў.Ҳошимов);

г) эганинг сифатловчи аниқловчиларига боғланади, эргаш гаплар ана шу сифатловчи аниқловчи англатган белги-хусусиятнинг даражаси маъносини билдиради: Ш у қ а д а р сокин, ш у қ а д а р чуқур бир сукунат чўккан к и, киши қаттиқроқ нафас олишга ҳам истиҳола қилади (Ў.Ҳошимов);

д) бош гапнинг эгасига боғланади, эргаш гаплар ана шу эга ифодасидаги маънонинг даражасини кўрсатади: Одамларнинг руҳида ш у қ а д а р енгиллик пайдо бўлади к и, қанот чиқариб олис уфқларга учиб кетгинг келади (Ў.Ҳошимов);

е) шу қадар сўзи ўрнида унинг синонимик эквиваленти саналувчи шу даражада сўзи ишлатилади, бу сўз бош гапларнинг кесимларига боғланади; эргаш гап ана шу кесимлар маъносидан англашилувчи ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятнинг даражаси маъносини билдиради: Гулнор ш у д а р а ж а д а қўрқди к и, тили буралмай қолди (С.Абдулла). Қаюмарс тоғларда яшаган. Унинг ҳусни ш у д а р а ж а д а чиройли бўлган эмиш к и, кўзи тушган ҳайвонлар унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб қолганмиш (Беруний).

2. Натижа маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Бунда қўшма

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапларда эргаш гапларнинг кесимлари ўтган замон феъллари орқали ифодаланади. Шу қадар сўзининг бош гапдаги позицияси қуйидагича бўлади:

а) бош гапнинг финит формали феъл кесимларига боғланади: Дўстлар олдидаги бурчини ш у қ а д а р унутди к и, унинг қора-қуяси бегуноҳ дўстлари юзига суртилди (М.Исмоилий);

б) -ган эди конституентли кесимларга боғланади: Дуррачаси ҳам, шими ҳам Зуҳрага ш у қ а д а р ярашган эди к и, Шерзод беихтиёр жилмайди (Ў.Ҳошимов);

в) от кесимларга боғланади: ...жилға суви ш у қ а д а р тиниқ к и, Йўлбарс ўзини тутолмай икки марта сувга ётиб олди (Э. Усмонов). Унинг кулгиси ш у қ а д а р жозибадор эди к и, Фарида ҳам ўзини тўхтатолмади (С.Анорбоев);

г) бош гапларининг равиш ҳолларига боғланади: Унинг овози ш у қ а д а р илиқ эшитиларди к и, Ойшахон ёнида ўтирган қизга ялт этиб қаради (П.Қодиров). Шерзод бу гапни ш у қ а д а р қўполлик билан айтди к и, Фариданинг ранги ўчиб кетди (Ў.Ҳошимов).

Шу қадар...ки конституентли конструкциялар моделининг омонимик парадигмасида эргаш гапли қўшма гапларнинг ўлчов-даража ва натижа маъноларини англатган турлари ўзаро муносабатга киришади:

б.г(шу қадар)ки-э.г. ------------------ ўлчов-даража маъносидаги қўшма гап

б.г(шу қадар)ки-э.г. ---------------------натижа маъносидаги қўшма гап

"Шундай...ки, ... гўё" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

Баъзан эргаш гапли қўшма гаплар конструкциясининг моделлари таркибида иккитадан ортиқ турғун элементлар иштирок этади. Конструкция таркибидан уларнинг бири туширилиб қолдирилса, қўшма гапнинг яхлитлигига, бир бутунлигига путур етади. Шунинг учун ҳам ўрганилаётган қўшма гаплар структурасида шундай, ки ва гўё элементларидан бирининг туширилиши мумкин эмас. Шундай...ки, ...гўё конституентли конструкциялар бош гап-эргаш гап кўринишидаги инвариант моделга эга бўлади; шундай ва ки элементлари бош гаплар, гўё эса эргаш гаплар таркибида бўлади. Бундай конструкцияларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодаланган қўшма гаплар характеристикаси қуйидагича:

I. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гапл...). Бундай эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракат бош гаплардаги воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракатнинг ўлчови маъносини билдиради; эргаш гаплардаги воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракат бош гаплардаги воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракатнинг даражаси маъносини англатади. Ўлчов-даража маъносидаги қўшма гап конструкциясининг шундай элементи бош гапнинг ҳар хил гап бўлаклари билан валентлик муносабатига киришади:

а) ўтган замон феъллари орқали ифодаланган кесимларга боғланади, эргаш гап бош гап таркибидаги ана шу нисбий сўзнинг маъносини конкретлаштириб, юзага чиқаётган иш-ҳаракат, ҳолат даражаси тушунчасини ифода этади; айрим ҳолларда эргаш гаплар кесими вазифасида феълнинг ҳозирги-келаси замон формаси қўлланади: Қиз ш у н д а й изза бўлди к и, г ў ё юзлари лов-лов ёнарди(Ҳ.Икромова);

б) сифатлар орқали ифодаланган кесимларга боғланади; эргаш гап ана шу нисбий сўзнинг маъносини конкретлаштирган ҳолда, кесим орқали ифодаланган белги-хусусиятнинг даражасини билдиради, эргаш гапнинг кесими -ган дейсиз конституентига эга бўлади: Ўрни ш у н д а й юмшоқ к и, г ў ё гул барги тўшалган дейсиз (Мир Аммон "Боғу баҳор");

в) ўтган замон феъллари орқали ифодаланган кесимларга боғланади, эргаш гаплар кесими -ган дай (эди) конституентига эга бўлади: У холстга ш у н д а й тикилди к и, г ў ё унинг ичидан Малоҳатнинг ўзи кулиб чиқаётгандай эди (И.Раҳим);

г) бош гапнинг равиш ҳолларига боғланади, эргаш гап ана шу равиш ҳоли орқали англашилган белгини даражалаш функциясига эга бўлади: Кўзларини ш у н д а й ҳам гаръбона жавдиратди к и, г ў ё мен уни ҳайдаб юборадигандай (Н.Аминов).

2. Ўхшатиш маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларда бош гапдаги иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса эргаш гаплардаги иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисага ўхшатилади. Ўхшатиш маъносидаги қўшма гапларнинг умумий конструкциясидан ўлчов-даража маъноси ҳам қисман англашилади. Лекин бу маъно қўшма гап семантик структурасида шунчаки қўшимча маъно характерини касб этади.

Ўхшатиш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап конструкцияси бош гап-эргаш гап тарзидаги инвариант моделга эга бўлади. Шунд..., ки, гўё элементлари моделнинг турғун элементлари вазифасини бажара-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Улардан шундай сўзининг валентлиги хилма-хил кўринишларга эга. У қуйидагича:

а) бош гапнинг равиш ҳолларига боғланади; бош гапларнинг кесими вазифасида ҳозирги замон феъллари, эргаш гап кесими вазифасида эса ҳозирги-келаси замон феъллари қатнашади: Денгизда ш у н д а й тезлик билан сузиб бораётирмиз к и, г ў ё сув рангли осмонда юлдузлар сузади (Ғ.Ғулом). У бу ишни ш у н д а й хафсала билан қилди к и, гўё чой дамлаш ҳаёт-мамот масаласини ҳал қиладигандек туюлди (Ў.Умарбеков);

б) от кесимларга боғланади, эргаш гапнинг кесими -гандай конституенти билан шаклланади; бундай ҳолда гўё элементи шаклий ифодасига эга бўлмайди. лекин унинг мавжудлиги фикран сезилади: Ҳар бир балиқнинг тузилиши ш у н д а й дилтар ва кўркам к и, юриши сув кўзгусига сайқал бергандай (Ғ.Ғулом).

3. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплардаги воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракат ёки ҳолат бош гаплардаги воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг қай тарзда юзага келиши маъносини билдиради. Қўшма гап компонентларининг ўзаро муносабатидан ўхшатиш маъноси ҳам англашилади. Лекин бу маъно семантик структурада кучсиз синтаксема характерига эга бўлиб, оттенка ҳуқуқида намоён бўлади. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап компонентларининг кесимлари ўтган замон феъллари орқали ифодаланади: Мутал у билан ўзини ш у н д а й тутди к и, г ў ё бу бахтсизликнинг содир бўлишида Раҳимжонов айбдор эди (Одил Ёқубов). У бутунлай беғубор, ўн етти ёшлардаги қизлардагина бўладиган ибо билан баракани ш у н д а й уялиб узатиб турарди к и, г ў ё бу барака мени оҳангработдек ўзига тортмоқда эди (Ҳ.Икромова. Қанотлар).

Юқорида айтилганидек, шундай...ки, ...гўё бир бутун мураккаб конституентки, унинг таркибидаги элементлардан бирортасининг редукцияга учраши қўшма гап конструкциясининг яхлитлигига путур етказади. Масалан: Денгизда ш у н д а й тезлик билан сузиб бораётирлар к и, г ў ё сув рангли осмонда юлдузлар сузади гапини Денгизда... тезлик билан сузиб бораётирларки, г ў ё сув рангли осмонда юлдузлар сузади тарзида ҳам, Денгизда ш у н д а й тезлик билан сузиб бораётирларки, ... сув рангли осмонда юлдузлар сузади тарзида ҳам, Денгизда ш у н д а й сузиб бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раётирлар..., г ў ё сув рангли осмонда юлдузлар сузади тарзида ҳам қўллашнинг иложи йўқ.

Шундай...ки,...гўё конституентли конструкциялар ва уларнинг моделлари омонимик характерга эга бўлиб, унинг парадигмасида эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги маъно типлари ўзаро боғланади:

| | |
|---|---|
| б.г(шундай)ки, э.г(гўё) | ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гап |
| б.г(шундай)ки, э.г (гўё) | ўхшатиш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап |
| б.г(шундай)ки,э.г(гўё) | адвербиал белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап |

"Деб // дея" боғловчили конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

Деб // дея[I] эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил қилишда энг актив боғловчи воситалардан бири саналади. Қўшма гап конструкцияси ва унинг моделининг асосий элементи характерини касб этади. Деб // дея боғловчили конструкциялар модели омонимик характерга ҳам эга бўлиб, уларда эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар хил маъноли кўринишлари парадигматик муносабатга киришади. Масалан:

I. Яшаяпти отамиз д е б жар солибди болалар (М.Бобоев). Канал қуриш эмас, канал очилса д е я, юрагида тошган туйғусы. (Г.Абашидзе).

2. Мен, эркам ўз қўлимда д е б, қизлик масъулиятини оёқ ости қилдим (Э.Дўстматов).

3. Мунаввар, Худдом бирор нарса дермикан д е б, кутди (С. Анорбоев). Ўзингиз айтгансиз, бухсроликлар ош қилишни билмайди д е б (У.Хошимов).

4. Мен, орзимнинг хаттолиги билинмасин д е б, мўйлов қўйганман (Н.Аминов).

I "Деб" ёрдамчисининг вазифалари ҳақида қаранг: А с қ а р о в а М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш . .плар. Тошкент: Фан, 1966. 90-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўлсин д е я гуллар хурсанд,
Сув таралим ҳоргунча (Ҳ.Шарипов).

Биринчи группадаги эргаш гапли қўшма гапларда уларнинг предикатив қисмлари детерминатив муносабатга хос адвербиал белги-хусусият маъносига кўра бириккан; эргаш гаплар бош гаплардаги ҳаракат-ҳолатнинг қай тарзда воқе бўлиши маъносини англатган.

Иккинчи группада эргаш гапли қўшма гап сабаб маъносига эга. Учинчи группада эргаш гапли қўшма гаплар объектли муносабатга кўра ҳосил бўлган; эргаш гап бош гапга бошқарув алоқасида бирикиб, унинг кесим составини кенгайтирган, қўшма гапда объектли муносабатга хос предметлик маъноси ифодаланган. Тўртинчи группа мисолларда предикатив қисмлар муносабатидан мақсад маъноси англашилган.

Ўрганилаётган мазкур гапларнинг тузилишини бир хил деб бўлмайди. Улар ўзаро фарқланади. Уларни фарқловчи хусусиятлар қуйидагилардир: I) тобеликни ифодаловчи воситага кўра; 2) эргаш гапларнинг кесимлик белгисига кўра; 3) функционал қисмларнинг позициясига кўра; 4) эргаш гапларнинг бош гапларни изоҳлаш характеристикасига кўра; 5) нисбий ва изоҳланувчи сўзларнинг мавжуд – мавжуд эмаслигига кўра.

Келтирилган қўшма гаплар тобеланиш алоқасининг ифодаланиш воситасига кўра бир хил. Уларнинг барчасида деб // дея боғловчиси тобеланиш алоқасининг маркери ҳисобланади. Иккинчи хусусиятга кўра: I (I) контекстда эргаш гапнинг грамматик асосини инверсия ҳолатидаги бош бўлаклар ташкил этган: кесим (яшаяпти) – эга (отамиз); I(2) контекстда эргаш гапнинг грамматик асоси нормал тартибдаги эга (канал) ва кесим (очилса)дан тузилган; 2 (I) – мисолда эргаш гапнинг грамматик асоси нормал тартибдаги эга (болам) ва кесим (ўлиб қолади)дан иборат; 2(2) – мисолда ҳам грамматик асос эга (эрким) ва кесим (ўз қўлимда) нормал тартибда; 3 (I) – да эга (Ўлдош) ва кесим (дерикан); 3 (2) – да ҳам эга (бухороликлар) ва кесим (билмайди) тартибидаги ядролар уларнинг грамматик асосини ташкил қилган; 4 (I) – да эргаш гапнинг грамматик асоси кесим (хурсанд бўлсин) ва эга (гуллар) тартибида ифодаланган; 4 (2) – да эга (каттагина) ва кесим (билинмасин) эргаш гапнинг грамматик асосини шакллантирган. I (I), 4 (I) – мисоллардаги эргаш гаплар грамматик асосининг поэтик нутққа хос ифода кўринишини назарда

www.ziyouz.com kutubxonasi

тутмаганда, бошқа тип мисолларда уларнинг грамматик асоси деярли бир хил қурилган. Бош бўлакларининг инверсия характерида жойлашган эргаш гаплар ва уларнинг бош гапларга муносабати ҳам муштарак моделнинг умумийлигини инкор этмайди.

Ўрганилаётган қўшма гаплар учинчи хусусият - функционал қисмларининг позицион характеристикасига кўра қуйидаги табиатга эга: I(I), 2(I), 4(2) - мисолларда эргаш гаплар бош гапларга нисбатан препозитив; 2(2), 3(I), 4(I) - мисолларда интерпозитив; 3(2) - мисолда постпозитив тартибда жойлашган. Эргаш гапли қўшма гап қисмларининг бундай ҳар хиллиги ҳам инвариант модель вариациясининг нутқ услубларига хос ифода кўриниши саналади. Чунончи, 3(2)-мисолда ўз аксини топган Ўзингиз айтгансиз, бухороликлар ош қилишни билмайди деб гапи ва унинг конструкцияси сўзлашув услубига хосдир. Бу гапни Бухороликлар ош қилишни билмайди деб, Ўзингиз айтгансиз тарзида ўзгартирилса ҳам, унинг грамматик жиҳатида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Бу моделнинг айрим коммуникатив мақсадлар ифодаси учун хосланган яна бошқа реал вариантлари ҳам йўқ эмас. Ундай кўринишда қўшма гап бош гап-ку - эргаш гап (деб) моделида реаллашган бўлиб, бу модель таркибидаги -ку элементи эргаш гапда ифодаланаётган фикрнинг таъкид сотига олинганлиги маъносини билдиради. Шунинг ҳам борки, -ку элементи моделнинг доимий элементи ҳуқуқида қатъийлаша олмайди. Масалан: Ахир бошида бай қилишган эдик-к у,... ҳар замонда бир ёлғон гапираман д е б (Ғ.Ғулом). Ўзинглар ҳам газетада ёзяпсизлар-к у, ғўзага кетмон тушмасин д е б(Т.Пўлат). Айтишади-к у, гап билгандан кўра иш билган д е б (Ф.Мусажонов). Бу гаплар таркибидаги функционал қисмлар позициясини ҳам Ҳар замонда бир ёлғон гапираман д е б, бошида бай қилишган эдик(к у)', Ғўзага кетмон тушмасин д е б, Ўзинглар ҳам газетада ёзяпсизлар(к у), Гап билгандан кўра иш билгин д е б, айтишади(к у)" тарзида ўзгартириш ва оқибатда инвариант моделга хос грамматик маъноларнинг ўзгармаслигини кўриш мумкин. Худди шунингдек, эргаш гаплари интерпозитив характердаги 2(2), 3(I) - мисолларнинг модель характеристикаси баъзи коммуникатив талабларга кўра белгиланади. Масалан: "Мен, Эркин ўз қўлимда д е б, қизлик масъулиятини сўёқ сотиб қилдим" гапининг структур характеристикасини Эркин ўз қўлимда д е б, қизлик масъулиятини сўёқ сотиб қилдим тарзида ҳам қисман ўзгартириш, ундаги эргаш гап

компонентини препозитив тартибда қўллаш мумкин бўлаверади. Яна солиштиринг: Эркин ўз қўлимда д е б, ишқ-муҳаббатнинг тўғри йўлини қолиб, эгри-бугри сўқмоқларида адашиб кетган эканман (З.Дўстматов).

Ўрганилаётган гапларга эргаш гапларининг бош гапларини изоҳлаши характери нуқтаи назаридан назар ташласак, шу нарсани сезамиз: а) бош гаплари эргаш гаплари томонидан тўла изоҳланган аналитик типга хос эргаш гапли қўшма гапларнинг мавжудлиги: I (I,2); 2 (I,2); 4(I,2) - мисоллар; б) бош гаплари эргаш гаплари томонидан қисман изоҳланган синтетик типга хос эргаш гапли қўшма гапларнинг мавжудлиги: 3(I,2) - мисоллар. Қиёсланг: Мунаввар кутди. Нимани? - Йўлдошнинг бирор нарса дейишини. Ўзингиз айтгансиз. Нимани? - Бухоролик ларнинг ош қилишни билмасликларини. Кейинги типда эргаш гаплар бош гапнинг фақат кесими билан боғланиб, уларни объектли муносабатда кенгайтирган.

Қиёсланаётган қўшма гаплар структурасини нисбий ёки изоҳланувчи сўзларнинг иштироки нуқтаи назаридан кузатганимизда ҳам икки ҳолатга дуч келамиз: I, 2, 3, 4 - мисоллардаги гапларнинг бирортасида ҳам бундай воситалар иштирок этмаган. Юзаки қараганда, 3(I,2) - мисолдаги қўшма гапларнинг бош гаплари таркибида тушум келишиги формасидаги изоҳланувчи бўлакнинг новербал тарзда мавжудлиги ва ана шу тўлдирувчининг эргаш гап томонидан изоҳланаётгандек туюлади: Ўзингиз ш у н и айтгансиз. Мунаввар ш у н и кутди. Бу қўшма гапларнинг конструкцияси Ш у н и билинг к и, Ватан ўз содиқ фарзандларини ҳеч қачон унутмайди қўшма гапининг конструкциясига ўхшагандек сезилади. Лекин юқоридаги гаплар структураси учун изоҳланувчи сўзнинг реал ёхуд потенциал тарзда ифодаланиши шарт эмас. Бунга моделнинг асосий конституенти характеридаги дея ёрдамчиси монелик кўрсатади. Шунингдек, қиёс учун келтирилган гапни Ватан ўз содиқ фарзандларини ҳеч қачон унутмайди, д е б билинг тарзида олдинги гаплар структур схемаси - модели андозасида транспозиция қилганимизда, изоҳланувчи сўз - "шуни"нинг структур схема учун ортиқча эканлигини сезиш қийин эмас. Демак, функционал қисмлар қандай маъно муносабатида бирикишидан қатъи назар, деб, дея конституентли конструкциялар учун нисбий ёки изоҳланувчи сўзларнинг албатта бўлиши талаб қилинмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деб, дея конституентли структур схемада эргаш гапли қўшма гапларнинг икки хил типи реаллашади: синтетик тип ва аналитик тип. Синтетик тип 3(I,2) - мисоллардаги гапларнинг конструкциялари учун характерли бўлиб, уларда функционал қисмлар объектли муносабатда бириккан ва эргаш гаплар бош гап таркибидаги потенциал тўлдирувчини изоҳлаган. Ўшаларга ўхшаш яна бошқа бир мисол: Қолганларининг умрини берсин д е б, шукур қилдим (С.Аҳмад). I(I,2), 2(I,2), 4(I,2) - мисоллардаги гаплар аналитик тип эргаш гапли қўшма гаплардир. Уларда предикатив қисмлар детерминатив муносабатда бириккан ва адвербиал белги-хусусият, сабаб ҳамда мақсад маъноларини реаллаштирган. Буларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида мисоллар ёрдамида шарҳлаб чиқамиз.

I. Адвербиал белги-хусусият маъноси: Зўр келганда қочмоқ ҳам бир ҳунар д е б, Қутулганлар қоча бошлар сармисор (Ҳ.Олимжон). Бир умр ёринг бўлай д е б, севги изҳор этдими? (Уйғун).

2. Сабаб маъноси: Шерзод, лолалар аллақачон тамом бўлган д е б, хавотир олганди (Ў.Ҳошимов).

Аччиқ кўк чой келтирар хотин,
Хуш ёқмас д е б, косида шароб (Ҳ.Шарипов).

3. Мақсад маъноси:

Фикрлар булоқдек қайнаб тошсин д е б,
Тунлари уйқумни мен этаман тарк (Қ.Давлатова).

Жанжалимиз ташқаридагиларга билинмаб қолмасин д е б, эшикнинг тирқишидан мўралаб-мўралаб секин гаплашар эдик (Ғ.Ғулом).

Эргаш гап-бош гап тарзидаги инвариант моделнинг баъзи реал кўринишларида қўшма гап атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносини ифодалаши ҳам мумкин:

Сен билан то ўлгунимча бирга бўлгайман д е я,
Бошида ичган қасамни энди инкор этдими? (Уйғун).

Бу гапда сен билан то ўлгунимча бирга бўлгайман эргаш гапи бош гап таркибидаги бошида ичган қасам сўз бирикмасини тузилиш жиҳатидан кенгайтириб, шу бирикманинг тобе характердаги қисмига айланган: бошида ичган қасам - бошида с е н б и л а н т о ў л г у н и ч а б и р г а б ў л г а й м а н д е я ичилган қасам. Бу гапда эргаш гапнинг маъноси бош гап таркибидаги сифатдош обо-

рот (бошида ичган)нинг маъноси билан уйғунлашиб кетган. Боғловчи вазифасидаги дея ёрдамчиси деб боғловчисининг поэтик нутққа хос вариантидир. Деб, дея боғловчилари атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносини англатган конструкцияларда ўзига хос хусусиятга эга. Шу жиҳатдан улар объектли муносабатдаги предметлик маъносини англатувчи конструкциялар таркибидаги деб, дея ёрдамчиларидан фарқ қилади. Объектли муносабатдаги қўшма гапларда уларнинг эргаш гаплари бош гапнинг кенгаювчи бўлаклари билан сўз бирикмаси ҳосил қилганда, сўз бирикмаси таркибида бу боғловчилар учун ўрин қолмайди, улар туширилиб қолдирилади: Мунаввар, Й ў л д о ш б и р о р н а р с а д е р м и к а н д е б, кутди - Йўлдошнинг бирор нарса дейишини кутмоқ. Атрибутив муносабатдаги қўшма гапларда уларнинг эргаш гаплари бош гапнинг кенгаювчи бўлаклари билан сўз бирикмаси ҳосил қилганда, деб, дея боғловчилари сўз бирикмаси доирасида сақланади, уларсиз мураккаб бирикма ҳосил бўлмайди: бошида с е н б и л а н т о ў л г а н и м ч а б и р г а б ў л г а й м а н д е я ичилган қасам. Қиёсланг: бошида сен билан то ўлгунимча бирга бўлгайман ... ичилган қасам(?)

Деб, дея боғловчили конструкциялар ва улар моделининг кўриб ўтилган хусусиятларидан шу нарса маълум бўладики, улар орқали ифодаланган маънолар бир омонимия парадигмасида ўзаро боғланади. Кўриниши эргаш гап-бош гап (инвариант модель) тарзидаги моделларда эргаш гапли қўшма гапларнинг адвербиал белги, сабаб, мақсад,объектли муносабатга хос предметлик, атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъноли турлари реаллашади.

### "Экан" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

Экан эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида икки вазифада келади: а) эргаш гаплар кесими таркибида боғлама вазифасида, б) эргаш гапларни бош гапларга боғловчи асосий конститутент вазифасида.

Экан конституентли қўшма гаплар конструкциясининг инвариант модели эргаш гап-бош гап тарзидаги кўринишга эга бўлади. Бундай конституентли конструкцияларда эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги маъноли турлари вужудга келади:

I. Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гап-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг эргаш гапларининг кесимлари мавжудлик тушунчаси билан алоқадор бўлган бор, мавжуд сўзлари орқали ифодаланади; эргаш гаплар бош гапларга нисбатан препозитив ва постпозитив тарзда жойлашади. Айрим ҳолларда асосий конституент аналитик йўл билан препозитив қўшилган токи ёрдамчиси эвазига кенгаяди("токи...экан"): Дилингда яхши ва шарафли ниятларинг мавжуд э к а н, сен ўлгиз эмассан (Р.Усмонов). Сен яшайсан, т о к и ҳаёт бор э к а н (Акмал Пўлат).

2. Сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими от кесимлар характерида бўлади: Дунё шунча яхши э к а н, яшамоқ лазиз (Шайхзода).

3. Атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гап таркибидаги от орқали ифодаланган бирор гап бўлаги билан валентликка киришиб, унинг анафорик характердаги аниқловчисининг маъносини конкретлаштиради. Атрибутив муносабатда белги-хусусият маъносини англатувчи қўшма гапларнинг структур схемаси - модели шарт ва сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг структур схемасидан қисман фарқланади. Шарт ва сабаб маъносидаги қўшма гапларда эргаш гаплар бош гапларни тўлиқ изоҳлайди, уларнинг гап бўлакларидан бирини изоҳламайди. Шунингдек, бош гаплар таркибида изоҳланувчи сўзлар ҳам бўлмайди. Атрибутив муносабатда белги-хусусият маъносини англатувчи қўшма гаплар структурасида улар моделининг турғун элементи характерида яна бошқа воситалар ҳам бўлади. Ана шу воситалардан қайси, қайси бир, қайсики кабилар эргаш гаплар; у, ўша, ана шу кабилар бош гаплар таркибига қўшилади: Қайси бир оилада ўзаро ҳурмату, ширин сўз одат э к а н, у хонадон доимо нурга ва файзга тўла бўлади (Р.Усмонов).

4. Предикатив муносабатга хос предметлик ва объектли муносабатга хос предметлик маъноларидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларда экан уларнинг функционал қисмларини бириктирувчи асосий восита саналади. Қўшма гапнинг субъект (предикатив муносабатда) ёки предметлик семантикаси билан боғлиқ маънолари бош гап таркибидаги изоҳланувчи сўзнинг характерига кўра белгиланади: Кимки олиму фозил бўлса, у ҳаёт қийинчиликларини енга олади - предикатив муносабатдаги предметлик (субъект) маъносидаги қўшма гап. Унинг бу маъноси у ҳаёт қийинчиликларини енга олади бош гапи тар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кибидаги у олмошининг грамматик хусусияти туфайлидир. Кимки олиму фозил бўлса, унга ҳаётда қийинчилик бўлмайди – объектли муносабатдаги предметлик (шахс) маъносидаги қўшма гап. Бу гапнинг мазкур маъноси ҳам унга ҳаётда қийинчилик бўлмайди бош гапи таркибидаги унга сўзининг синтактик позицияси туфайли англашилган.

Экан конституентли конструкциялар омонимик моделларга эга. Бу моделлар омонимияси икки хил: тўлиқ ва қисман. Тўлиқ омонимия шарт ва сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар моделлари муносабатида вужудга келади. Қисман омонимия шарт ва сабаб маъносидаги қўшма гаплар моделлари билан предикатив ва объектли муносабатларда вужудга келувчи предметлик маъноларига эга бўлган қўшма гаплар моделлари муносабатида юз беради.

## "-ган каби, -ган сингари" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

-ган каби, -ган сингари конституентлар ҳам эргаш гапли қўшма гап конструкцияларини ҳосил қилишда актив иштирок этади. Бу воситалар эргаш гапларнинг феъл кесимларига қўшилган ҳолда, уларни бош гаплар билан боғлайди. Р.Абдураҳмонов, М.Асқарова қўшма гап конструкциясининг асосий конституенти сифатида каби, сингари ёрдамчиларининг ўзини тан оладилар[1], оқибатда -ган каби, - ган сингари конституентларининг бир бутунлиги инкор этилади.

-ган каби, - гани сингари конституенти иштирок этган эргаш гапли қўшма гаплар эргаш гап-бош гап кўринишидаги инвариант моделга эга бўлади. Бу инвариант моделнинг конкрет вариантларида эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги маъноли турлари вужудга келади.

I. Ўхшатиш маъносидаги қўшма гаплар. Бундай маъноли қўшма гапларда уларнинг эргаш гап компонентлари бош гапга нисбатан препозитив ва постпозитив тартибда жойлаша олади: Кучли денгиз тўлқини чўмилувчини қирғоққа о т г а н и с и н г а р и, қандайдир зарбали тўлқин Бектемирни ердан узиб кетди (Ойбек).

---

[1] Қаранг: Р.А б д у р а ҳ м о н о в. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958. 90-бет; М.А с қ а р о в а. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. 154-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орқангдан қолмасдан жўнадим жангга,
Қўзи кет г а н к а б и қўйнинг изидан (Ҳ.Олимжон).

2. Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гаплар конструкциясида -ган сингари конституенти активроқ ишлатилади: Балиқ сувсиз яшай олма г а н и с и н г а р и, одам ҳам меҳнатсиз яшай олмайди (М.Сафаров). Дарахт ерга илдиз от г а н и с и н г а р и, одам болоси ҳам одамлар орасига томир қўяди (М.Мансуров).

3. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай маъноли қўшма гапларда уларнинг эргаш гап компонентлари бош гапларга нисбатан интерпозитив тартибда жойлашади: Уй,., ё н - в е р и д а н н о м а ъ л у м қ ў л л а р қ и т и қ л а ё т г а н к а б и, силкина бошлади (Ш.Холмирзаев).

"-ми" боғловчили конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

-ми асли юклама бўлиб, эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар хил сигнификатли конструкцияларини ҳосил қилишда асосий конституент сифатида иштирок этади. -ми конституентли эргаш гапли қўшма гаплар эргаш гап-бош гап моделида вужудга келади. -ми эргаш гапларнинг кесими таркибига қўшилади.

ми боғловчили конструкцияларда эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги семантик-сигнификатив типлари ифодаланади:

I. Сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гаплардаги воқеа-ҳодисанинг бажарилиши, юзага келиши учун тахмин қилинган сабаб мазмунини билдиради: Илгарилари ёролга овга ўтганлари эсига тушдими, Чаноқ қайиққа ўзи сакради (С.Анорбоев).

Сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг бир қатор реал кўринишлари мавжуд. Уларнинг хусусиятлари қуйидагича:

а) -ми конституенти эргаш гапларнинг ўтган замон феъллари орқали ифодаланган кесимларига қўшилади: Кейинча Мунавварни ҳар куни кўриб кўника бошлади м и, ҳар қалай кўксидаги унга қарши алам ўзидан-ўзи сўна борди (С.Анорбоев). Олис хотиралар эдаштирди м и, оловнинг ўчиб қолаётганини ҳам сезмади (Ў.Ҳошимов);

б) эргаш гаплар составли кесимининг таркибий қисми характе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рядаги эмоқ сўзига қўшилади, бу сўз бўлишсиз формада бўлади;бундай ҳолларда эргаш гаплар мазмунидан воқеа-ҳодисаларнинг инкор этилиши маъноси англашилмайди, балки улар мазмунидан тасдиқ ҳукм англашилади, бу хусусият -ми ёрдамчисининг функцияси билан боғланади: Жон ширин э м а с м и, қўрқдим (З.Дўстматов). Қиёсланг: жон ширин э м а с - инкор маъно; жон ширин э м а с м и - тасдиқ маъно. Она юраги сезгир э м а с м и, у Олимжоннинг кайфиятини сезиб юрарди (З.Дўстматов);

в) -ми ёрдамчиси -ган экан элементининг препозитив тарзда қўшилишидан кенгаяди: Бизнинг алғов-далғовларимиздан балиқлар чўчиган э к а н м и, қармоқларимизга ҳеч нима илинмади (Р.Бекниёз);

г) -ми ёрдамчиси -лигидан экан элементининг препозитив характерда қўшилишидан кенгаяди: Бошининг ғувиллаб турганы очлигидан э к а н м и, таомни ютгани яхши бўлди (Марва Жалолиддинова).

-ми элементи баъзан -гани учун конституенти таркибига ҳам қўшилади. Бу пайтда у конструкциянинг асосий конституенти бўла олмайди, балки қўшма гапнинг умумий маъносига гумон, тусмол оттенкасини қўшувчи воситага айланади - юкламалик вазифасига қайтади: У қоньяк ичиб олгани у ч у н м и, кайфияти яхши эди (Ў.Ҳошимов). Бундай ҳолларда қўшма гап модель жиҳатдан ҳам юқорида келтирилган қўшма гаплардан фарқланади: эргаш гап-ми - бош гап - эргаш гап-гани учун-бош гап.

2. Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплардаги ҳаракат-ҳолат, вазият бош гапларда ифодаланган ҳаракат-ҳолат, вазиятнинг юзага келиши шарти маъноси англашилади. Улар конструкциясида -ми ёрдамчисининг позицияси турлича бўлади:

а) эргаш гапларнинг финит формали феъл кесимларига қўшилади: Пахта очилди м и, терим бошланади (А.Қаҳҳор). Мен сени кўрдим м и, қалбим жўшади (Шуҳрат);

б) эргаш гапларнинг от кесимларига қўшилади: Мансурнинг гумони м и, сафарга чиқма! (Шуҳрат);

в) -ми элементи -са бор конституентининг препозитив характерда қўшилишидан кенгаяди: Раъно саҳнада ашула айт о а б о р м и, унинг кўнгироқ овози ҳаммани мафтун этарди (З.Дўстматов);

г) -ми ёрдамчиси агар сўзининг қўшилиши эвазига кенгаяди: Агар юлдузлар одамга айланиб қол о а б о р м и, осмон уларга торлик қилиб қолади (Ч.Айтматов);

www.ziyouz.com kutubxonasi

д) -ми конституентли конструкцияларнинг бош гаплари таркибида шарт маъносининг таъкид остига олиниши, унга урғу берилиши функциялари билан ишлатилувчи бўлди, тамом, бас типидаги сўзлар мавжуд бўлади: У бутун вужудини олдинга ташлаб, бошини чўзиб чопишга тушди м и, т а м о м, унга етиб бўлмайди (М.Мансуров);

е) -ми конституентли конструкцияларнинг бош гаплари таркибида лозим, керак сўзлари ишлатилади: Ойладагилар унинг кўнглига қарашаётибди м и, у ҳам улар билан ҳисоблашиши лозим (С.Анорбоев). Эри унинг учун тиришиб-тортишаётибди м и, у ҳам эрининг ишончини оқлай билиши к е р а к (С.Анорбоев).

3. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг эргаш гапдаги воқеа-ҳодисадан кейин юзага келиши маъноси англашилади. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар структураси қуйидагича характеристикага эга бўлади:

а) -ми элементи эргаш гапларнинг сингит формасидаги феъл кесимларига қўшилади. Она қўлига нон тегди м и, тўйиб қоларлар (С.Шоҳзоданасимов);

б) -ми конституенти -ганда бор формасининг препозитив тарзда қўшилишидан кенгаяди: Загчалар дарахтларга қўнганда бор м и, бутун боғ уларнинг шўх овозидан янграб кетади (С.Анорбоев).

-ми конституентли моделлар сабаб, шарт, пайт сигнификатларига эга бўлганда, қўшма гап аналитик типга хос бўлади. Бу конституент синтетик тип эргаш гапли қўшма гаплар конструкцияларида ҳам мавжуд бўлади. Бундай гапларни аввало икки группага ажратиш мумкин: объектли муносабатга хос предметлик маъносини билдирган қўшма гап, предикатив муносабатга хос предметлик маъносини билдирган қўшма гап.

Объектли муносабатга хос предметлик маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гапларнинг структураси ва уларнинг моделини ҳам икки гуруҳга ажратиш мумкин: бош гап-эргаш гап кўринишидаги модель, эргаш гап-бош гап кўринишидаги модель. Бу моделларда реаллашувчи ҳар икки тур қўшма гаплар учун муштарак хусусият шуки, уларнинг ҳар бирида бош гапларининг кесимлари грамматик жиҳатдан кенгаяди. Уларни эргаш гаплар кенгайтиради: Биласиз м и, менга ҳеч ким бинафша совға қилмаган эди (У.Ҳошимов) - билмоқ. Нимани?

Бош гап-эргаш гап моделида реаллашувчи объектли муносабатга хос предметлик маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гапларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

яна икки хил кўриниши мавжуд:

а) бош гаплари кириш характерига эга бўлади, улар таркибида шуни, шу нарсани, шунга, шу нарсага, шундан, шу нарсадан каби изоҳланувчи сўзлар иштирок этади; эргаш гаплар ана шу сўзларнинг маъноларини конкретлаштиради: Ш у н и биласиз м и, дунёдаги ҳамма нарса нур, ҳарорат билан яшайди (З.Дўстматов). Кўпинча бундай изоҳланувчи сўзлар новербал репрезентацияга эга бўлади: Кўряпсиз м и, одамлар бизни томоша қилишяпти (Ў.Ҳошимов);

б) бош гаплар одатдаги содда гаплар андазасида тузилади, лекин улар таркибида изоҳланувчи нисбий бўлак мавжуд бўлмайди: Олдин сезмаган экан м и, кўкраги, кифтлари жиққа ҳўл-а (С.Анорбоев). Бу гапни Олдин ш у н и сезмаган экан м и, кўкраги, кифтлари жиққа ҳўл-а тарзида ифодалаб бўлмайди.

-ми конституентли қўшма гапларнинг айримларида эргаш гапларнинг кесими уюшиб келади, -ми уюшган кесимларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида қўшилади. Агар уларнинг биридан -ми элементи туширилиб қолдирилса, қўшма гап структурасининг яхлитлигига путур етади: Товушим чиқди м и ё йўқ м и, ўзим ҳам эшитолмадим (Н.Фозилов). Бу музика м и ёки бошқа нарса м и, Ашраф амаки англай олмади (С.Анорбоев). Қиёсланг: Товушим чиқди...ё йўқ м и, ўзим ҳам эшитолмадим - Товушим чиқди м и ёки йўқ..., ўзим ҳам эшитолмадим. Кесимлари уюшувчи қўшма гапларнинг бош гаплари таркибида ҳам изоҳланувчи сўзлар мавжуд бўлмайди. М.А.Асқарова -ми конституентли қўшма гапларни тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларга синоним бўлувчи боғловчисиз қўшма гап тарзида изоҳлаб, -ми элементига уюшиқ кесимларни бириктирувчи тенг боғловчи ҳукмида қарайди[I]. Агар -ми эргаш гапли қўшма гап ҳосил қилувчи асосий боғловчи восита характерида бўлмаганда эди, Қўлидаги альбом билан мармар бургутчани ташлаб юборди м и, эгасига берди м и, ўзи ҳам билмай қолди (Ў. Ҳошимов) типидаги гапларни Қўлидаги альбом билан мармар бургутчани ташлаб юборди..., эгасига берди..., ўзи ҳам билмай қолди тарзида қўллаш имкони бўлар эди. Бу ўринда такрорланувчи -ми-ми элементининг полифункционал характердаги грамматик восита эканлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Чунончи:

---

I А с қ а р о в а М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. Тошкент, 1963. 149-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

а) уюшиқ бўлакларни тенг боғловчилар функциясида бириктиради;

б) эргаштирувчи боғловчи функциясида эргаш гапларни бош гаплар билан боғлайди;

в) қўшма гап конструкциясининг бир бутун конституенти ("ми" эмас, балки "ми-ми" ҳолида) вазифасини бажаради. Қиёсланг: Анвар аввал уни тепиб, кейин мушт туширди м и, ё аввал уни уриб кейин тепиб юборди м и, Искандар билолмай қолди (Ў.Ҳошимов).

-ми конституентли конструкцияларда реаллашган қўшма гапларда унинг функционал қисмлари предикатив муносабатга кўра боғланса, эргаш гап бош гапнинг ё субъект (эга эргаш гапли қўшма гап), ё унинг предикати (кесим эргаш гапли қўшма гап) тушунчаларини таниш учун хизмат қилади, бош гап таркибининг ана шу тушунчаларга ишора этилган эга ёки кесимининг маъносини билдиради. Бундай қўшма гапларнинг моделлари ўзаро фарқланади. Чунончи, эргаш гаплари бош гапларининг субъекти тушунчасини изоҳлаган қўшма гаплар (традицион номланиши: эга эргаш гапли қўшма гап)да эргаш гаплар уюшиқ кесимларга эга бўлади, -ми уюшиқ кесимларнинг ҳар бирига қўшилади; демак, бу ўринда қўшма гап конструкциясининг асосий конституенти -ми эмас, балки -ми, ...ми жуфтлигидир; Сирожиддин... машинани сўкди м и, Зуҳрани м и, аён эмасди (Ў.Ҳошимов).

Эргаш гаплари бош гапларининг кесимини изоҳлаган конструкцияларда эргаш гапларнинг кесими уюшмайди. Бундай қўшма гапларда улар конструкциясининг асосий конституенти вазифасини -ми элементининг ўзи бажаради: Болалар сизникига келиб яйраяпти м и, менинг яйраганим - ана шу (П.Қодиров). Бундай кўринишда бош гапларнинг эга ва кесимлари ўрин алмашса, эргаш гап бош гапнинг субъектини изоҳлаган бўлади: Болалар сизникига келиб яйрашяпти м и, ана шу менинг яйраганим.

Юқорида айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, -ми конституентли эргаш гапли қўшма гаплар конструкциясининг омонимияга муносабати ҳар хил:

1) сабаб, шарт, пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар омонимик моделларга эга;

2) объектли ва предикатив муносабатларга хос предметлик маъноларини англатувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг конструкциялари омонимик моделларга эга эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИККИНЧИ БОБ

## БОҒЛОВЧИСИЗ КОНСТРУКЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ОМОНИМИЯГА МУНОСАБАТИ

### "-са"конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

Эргаш гапли қўшма гапларнинг жуда кўп учрайдиган кўринишида феълнинг -са аффиксоли формаси эргаш гапларнинг кесими вазифасида ўтайди ва айни ўринда уларни бош гаплар билан боғлайди.

-са конституентли қўшма гапларда уларнинг инвариант моделлари эргаш гап-бош гап кўринишига эга бўлади. Бундай модель ёрдамида бош гаплари тўлалигича изоҳланган аналитик тип қўшма гаплар ҳам, бош гаплари қисман изоҳланган синтетик тип қўшма гаплар ҳам ҳосил бўлаверади.

Бош гаплари тўлалигича изоҳланган аналитик тип эргаш гапли қўшма гапларда улар структур схемасининг асосий элементи вазифасини фақат -са аффиксли форма бажаради. Бош гаплари қисман изоҳланган синтетик тип эргаш гапли қўшма гапларда улар структур схемасининг турғун элементларини -са аффиксидан бошқа воситалар ҳам ифодалайди. Улар функционал қисмлар таркибида маълум бир гап бўлаклари вазифасини бажарувчи нисбий ва изоҳланувчи сўзлар бўлиб, эргаш гапли қўшма гапнинг маъно турини белгилаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан: Агар табассумга мойил бўл с а н г, руҳинг ҳам енгил бўлади ("Тафаккур гулшани"). Кимки дарахтларни асраб қолол с а, ўша ҳақиқий ҳимоячи бўла олади (Ч.Айтматов). Бу икки қўшма гап эргаш гап-бош гап моделида тузилган. Уларнинг ҳар иккисида ҳам функционал қисмлар -са аффиксли феъл формаси ёрдамида бириккан. -са улар конструкциясининг конституенти ҳисобланади. Лекин иккинчи қўшма гап структур схемасида -са билан бир қаторда, кимки, ўша сўзлари ҳам предикатив қисмларни боғлаш функциясини бажаряпти. Биринчи қўшма гапда бош гап эргаш гап томонидан тўлиқ изоҳланган. Иккинчисида эса бош гап таркибидаги ўша сўзи орқали ифодаланган гап бўлаги - эга эргаш гап томонидан изоҳланган. Бу фарқ бу икки гапнинг моделида ҳам ўз аксини топади: биринчи гапнинг модели: эргаш гап-са-бош гап; иккинчи гапнинг модели: эргаш гап-(кимки)са-бош гап (ўша). Бу икки моделнинг омонимлиги шартли,

www.ziyouz.com kutubxonasi

функционал қисмларнинг позицияси ҳамда -са конституентига нисбатан, холос.

Аналитик тип эргаш гапли қўшма гаплар конструкцияларининг омонимияга муносабати

Бош гаплари тўлиқ изоҳланадиган аналитик тип эргаш гапли қўшма гаплар эргаш гап-бош гап кўринишидаги инвариант моделларда вужудга келади. Бундай моделларда ифодаланган қўшма гаплар қуйидагича бўлади.

I. Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гапдаги юзага келиши кутилган воқеа-ҳодисаларнинг шарти, имконияти маъноларини билдиради. Уларнинг реал кўринишлари қуйидагича:

а) модели инвариант моделникидан фарқ қилмайди: Икки лаб бир бўлса, ҳатто ки нафис улар орасидан осон ўтолмас (Деҳлавий). Мақсад бўлса, куч ҳам туғилар (Ҳ.Шарипов);

б) -са конституенти то элементининг препозитив тарзда қўшилишидан кенгаяди:

То қадам қўймасанг дастёрликка,
Ҳеч ким келмас сенга дўсту ёрликка (Деҳлавий);

в) -са конституенти -гина юкламасининг синтетик усулда ва препозитив тартибда қўшилишидан кенгаяди: Кўпчилик бўлиб, ҳужум қилин с а г и н а, разолат, жаҳолат, дин ва бидъат шубҳасиз чекинади (С.Анорбоев);

г) -са конституенти агар, гар, агарда ёрдамчиларининг препозитив тарзда қўшилишидан кенгаяди: А г а р у фельетон-мелетоп ёзадиган бўл с а, шабадаси дадасидан кўра кўпроқ ўзига тегади (Ў.Ҳошимов).

Табиат г а р сенга ишқ қил с а ато,
Ўзгача суръатда товланар олам (Шуҳрат);

д) -са борди-ю, башарти, мабодо ёрдамчиларининг препозитив тарзда қўшилишидан кенгаяди:

Б о р д и - ю дунёда жаннат ярал с а,
Инсон меҳнатидан яралар фақат (Уйғун);

е) -са конституенти гўё ёрдамчисининг қўшилиши эвазига кен-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гаяди: Г ў ё Марямхон бирор косибнинг дўконига бориб эгаси қўлидан овқатлан с а, шу дўконга қут-барака кирган ҳисобланар эди (F.Fулом);

ё) аналитик усулда қўшилган мабодо, синтетик усулда қўшилган -гудай, гудек бўл... ёрдамчиларининг қўшилишидан мураккаблашади: Мабодо Шерхўжа ёки унинг шериклари бошқа кел г у д а й бўл с а, у бизни дарҳол хабардор қилади (Ҳ.Fулом);

ж) -син де ёрдамчиларининг препозитив тартибда қўшилишидан мураккаблашади: Ҳаммаси яхши бўл с и н д е санг, тумшуғингни тиқмай тек ўтир (Ч.Айтматов);

з) эргаш гаплари таркибида ҳар хил келишик формасидаги ким, ҳар ким, ҳар киши типидаги сўзлар иштирок этади: Ҳ а р к и м ўша ариққа сув богла с а, сув тўхтамай ўша сарга оғуради (F.Fулом);

и) эргаш гаплар таркибида қай, қай томон сўзлари иштирок этади: У ўз отини қ а й т о м о н г а бурса, замона уни узоқдан кўриш билан алҳазар айтади (F.Fулом);

й) эргаш гаплари таркибида шундай сўзи иштирок этади: У кўзларга ш у н д а й ўлдирувчи бўлиб кўрина қол с а, оҳ уриш ва ўлимдан бошқа иш қолмайди (F.Fулом);

к) эргаш гап таркибида қанчалик сўзи иштирок этади: Қиз бола ўзини қ а н ч а л и к озода олиб юр с а, латофати гулникидек ортади ("Саодат" журнали);

л) бош гаплари майли, хўп, кошки, бўлади сингари сўзлар орқали ифодаланади: Куёв оғайним куни бошимга тушса, майли (Ҳ.Шарипов);

м) эргаш гаплар бош гапнинг ўртасида келади: Олмазор, мевазор боглар, с е н б ў л м а с а н г, қора мозордир (Ҳ.Олимжон);

н) эргаш гаплар бош гаплардан кейин келади:

Йил сайин юк ошар, жамғариш қийин,
М а ш и н а т е р м а с а о л т и н - к у м у ш н и
(Уйғун).

2. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Пайт маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гапларда бош гапдаги воқеа-ҳодиса эргаш гапдаги воқеа-ҳодисадан олдин юз берган бўлади. Масалан: Ўринбой кўзини о ч с а, тепасида стюардесса қиз патнисда конфет

кўтариб турибди (Турғун Пўлат).

Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг модели шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар моделига жуда ўхшайди. Бош гапларининг кесимлари формасига кўра улар фарқ қилади. Пайт маъносидаги конструкцияларда бош гапларнинг кесими ўтган замон феъллари орқали ифодаланса, шарт маъносидаги конструкцияларда ҳозирги-келаси замон феъллари орқали ифодаланади. Қиёсланг: I. Эрта билан туриб айвонга чиқсам, ҳамма ёқни оппоқ қор қ о п л а б д и (Ў.Хошимов). 2. Ақлли одам қилиқларини кўрсата бошласам, шоҳнинг кўнгли шоду х у р о а н д б ў л а д и (Ғ.Ғулом). Биринчи гап пайт маъносидаги, иккинчиси шарт маъносидаги қўшма гаплардир. Биринчисида бош гапнинг кесими ўтган замон феъли орқали ифодаланган: қоплабди; иккинчисиники эса ҳозирги-келаси замон феъли орқали ифодаланган: хурсанд бўлади.

-са конституентли конструкцияларнинг баъзиларида пайт ва шарт эргаш гапли қўшма гаплар маъноси қоришган ҳолда, баравар ифодаланади:

Сиз чўлда мардона қ ў й с а н г и з қадам,
Ўзга бир гўзаллик касб этар олам (Шуҳрат).

Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар ҳам эргаш гап-бош гап кўринишидаги инвариант моделга эга бўлади. Бу моделнинг реал вариантларида айрим ўзгачаликлар кўзга ташланиши шубҳасиз. Улар қуйидагича:

а) эргаш гап бир составли содда гап андазасида тузилади:

Севгимни дарёга қилсам ҳикоя,
Тўлқинлар ҳайқириб кулиб кетдилар (Шуҳрат).

б) эргаш гаплар икки составли содда гаплар андазасида тузилади: Мен мактабдан уйга қайтсам, қишлоққа Мунира опанинг онаси келганини онам ҳам аллақачон эшитибди (П.Қодиров);

г) эргаш гап бош гапнинг ўртасида келади: Вазира..., э р и д а н г а п о ч и л и б қ о л с а, кўзлари ғазабдан чақнаб кетар эди (Ў.Умарбеков).

г) бош гапи эргаш гап ўртасида келади (бу поэтик талабга кўра содир бўлади):

Мен... я п р о қ л а р ё н и б т у ш а р,
Астагина оҳ урсам (Роза Муқашева).

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда бош гапнинг субъектли ёки субъектнинг белги-хусусияти, иш-ҳаракат ёки иш-ҳаракатининг объекти эргаш гапларнинг субъекти ёки субъектининг белгиси, иш-ҳаракати ёки иш-ҳаракатининг объекти билан қиёсланади: Умид узук бўлса, кўзи -сен (Шуҳрат).

Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар конструкцияларида -са конституенти функционал қисмларни бириктиришда баъзан мутлақ асосий восита саналса, баъзан бу элемент компонентларнинг бирикувида мутлақ асосий восита саналмайди. -са элементи қўшма гап ҳосил қилувчи мутлақ восита саналганда, функционал қисмлар таркибида нисбий ва изоҳланувчи сўзлар мавжуд бўлмайди: Лабидан кўп-кўп жон т о м с а, сўзидан уюм-уюм бол оқади (Ғ.Ғулом). -са конституенти компонентларнинг бирикувида мутлақ боғловчи восита вазифасини бажармаган ҳолларда қўшма гап таркибида қандай-шундай типидаги ёрдамчи сўзлар иштирок этади, улар айни ўринда функционал қисмларни бириктирувчи восита характерини ҳам касб этади: Ерга ёмғир қ а н д а й зарур бўл с а, инсонга ҳам ақл ва фаросат ш у н д а й керак (Ш.Шомуҳамедов).

-са конституентли инвариант моделнинг реал вариантларида айрим фарқлар кўзга ташланади. Улар қуйидагилардан иборат:

а) -са конституенти эргаш гап от кесимининг боғламаси таркибига қўшилади:

Хоразмий элларнинг кўрдим барини,
У л а р у ч қ у н б ў л с а, Ватаним - офтоб (А.Пўлат).

Атласнинг оқи юлдуз нурига мос бўлса, қораси юлдуз ораларидаги қорамтир осмонга монанд эди (П.Қодиров);

б) кесимлар ҳаракат номлари орқали ифодаланади, -са эргаш гап кесимининг "бўл" қисмига қўшилади: Биринчи ишимиз пармалаш б ў л с а,... (П.Қодиров);

в) кесимлар сифатдошлар орқали ифодаланади, уларнинг бўлишли формасидаги эргаш гаплар, бўлишсиз формасидаги бош гаплар таркибида бўлади: Аҳён-аҳёнда юз кемадан бирортаси бугун қол г а н б ў л с а, илгари юз кемадан битта ҳам соғ қол м а г а н э д и (Ғ.Ғулом);

г) эргаш гапнинг кесими сифатдош орқали, бош гапнинг кесими ҳозирги-келаси замон феъли орқали ифодаланади: Эскичада одам ўз қадрини йиғлаб тилган олган б ў л с а, мен ҳозир ўз қадрим тўғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рисида қувониб, фахрланиб гапирмоқни и с т а й м а н (П.Қодиров);

д) -са конституенти эргаш гапларнинг бўлмоқ феъли орқали ифодаланган кесимларига қўшилади, бош гаплар кесими эллипсис ходисасига учрайди: Сенда фақат унинг ташвиши б ў л с а, унда бутун элнинг ташвиши (М.Мирзараҳимов);

е) эргаш гапнинг феъл кесимлари таркибига қўшилади: Одамлар дорихонага дардига даво излаб к е л и ш с а, Расул Сулаймон у ердан дардкаш бўлиб чиқибди (С.Анорбоев);

ё) -са (бўлса) конституенти агар ёрдамчисининг препозитив тартибда қўшилишидан мураккаблашади: Хиссиёт агар муҳит б ў л с а, у шу муҳитнинг тўлқинига асир бўлган бир чўлоқ чумоли...(Ғ.Ғулом). Сен а г а р мой б ў л с а н г, мен нурли чироқ (Шуҳрат).

-са конституенти конструкцияда мутлақ боғловчи восита ролини бажармаганда, қўшма гап функционал қисмлари таркибида нисбий ва изоҳланувчи сўзлар иштирок этади; уларнинг савол характеридаги қандай, қандоқ кабилари эргаш гаплар, жавоб характеридаги шундай, шундоқ кабилари бош гаплар таркибида бўлади: Беморга шифокор қ а н д а й зарур бўл с а, ғам-ташвишда қолган одамга яхши сўз ш у н ч а л и к зарурдир (мақол). Гастрономдаги сотувчи қиз колбасани қ а н д о қ ушла с а, Шоира ҳам беморнинг билагини ш у н д о қ тутади (Ў.Хошимов).

4. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. Ўлчов-даража маъносини англатган қўшма гапларда ҳам бош гап эргаш гап томонидан тўлиқ изоҳланади (аналитик тип). Функционал қисмлар -са конституенти ҳамда қанча, қанчалик (эргаш гапларда) шунча, шунчалик (бош гапларда) типидаги олмош-сўзлар ёрдамида боғланади: Ўз ҳолимни қ а н ч а ўйлаб кўрсам, яна сизнинг бу қалган яхшиликларингизнинг миннатдорчилигини адо қилиш ш у н ч а қийин кўринади (Ғ.Ғулом).

Айрим ҳолларда нисбий бўлакларнинг бош гап таркибидаги жуфти ўз ифода кўринишига эга бўлмайди: Шу топда чойхоначи қанча сарсонликда қолган бўлса, Асқар ундан беш баттар аҳволда эди (Л.Маҳмудов). Бу гапда эргаш гапдаги қанча нисбий сўзига жавобан бош гапда ундан баттар ибораси келтирилгани учун, жавоб тарикасида келиши лозим бўлган шунча сўзи учун зарурат қолмаган.

-са конституентли конструкцияларда бу форманинг қўшилиш характеристикаси қуйидагича бўлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

а) -са эргаш гапларнинг феъл кесимлари таркибига қўшилади, бош гапларнинг кесими келаси замон феъллари орқали ифодаланади:

Чаманда о ч и л с а қанча тоза гул,
Эзилиб гулобга шунча оқар ул (Деҳлавий);

б) функционал қисмларнинг кесимлари синоним сўзлар орқали ифодаланади: Харидорнинг чўнтаги қанча қ а п п а й с а, бизнинг оборот шунча кўпаяди (Ў.Хошимов);

в) кесимлар антоним сўзлар орқали ифодаланади: Нур қанча к ў п а й с а, соя шунча к а м а я д и (Ў.Хошимов);

г) эргаш гапнинг "сифатдош+бўл" моделидаги кесимига қўшилади: Касаллик қанча чуқур беркинган б ў л с а, у шунча ёвузлидир (Тафаккур гулшани);

д) эргаш гапнинг "равиш+бўл" моделидаги кесимига қўшилади: Тўсиқ қанча кўп б ў л с а, интилиш шунча зўр бўлади (К.Хамро); Уйқу ўлимга қанча яқин б ў л с а, ҳаракат ўлимдан шунча узоқдир (Тафаккур гулшани);

е) эргаш гаплар таркибида қанча, бош гаплар таркибида шунчалик формаси ишлатилади:

Қ а н ч а кўп қайнаса лойқа қанд суви,
Шарбати ш у н ч а л и к тиниқ бўлгуси (Деҳлавий);

ё) эргаш гапда қанчалик, бош гапда шунчалик сўзлари ишлатилади: Кишига ҳаёт қ а н ч а л и к зарур бўлса, инсоний қадр-қиммат ҳам ш у н ч а л и к зарур (П.Қодиров);

ж) эргаш гапда қанчалар, бош гапда шунчалар сўзи ишлатилади:

Қ а н ч а л а р зўр бўлса васл иштиёқи,
Ш у н ч а л а р лаззатли бўлгуси висол (Э.Воҳидов);

з) эргаш гапда нақадар, бош гапда шу қадар сўзлари ишлатилади: Отга жилов н а қ а д а р керак бўлса, одамга вазминлик ш у қ а д а р керак (А.С.Пушкин);

и) эргаш гапларда нечоғлик, бош гапларда шунчалик сўзлари ишлатилади: Кунинг феълини н е ч о ғ л и к яхши билсанг, уни ушлаш ш у н ч а л и к осон бўлади (К.Хамро).

5. Адвербиал белги маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар. -са конституентли конструкцияларда адвербиал белги-хусусият маъноси ифодаланганда, эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодиса ёхуд иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдиради. Бундай қўшма гаплар

www.ziyouz.com kutubxonasi

конструкцияларида ҳам қандай (эргаш гапларда) ва шундай (бош гапларда) каби сўзлар улар моделининг турғун элементлари вазифасини бажаради: Улар мени қ а н д а й кутиб олишса, мен ҳам уларга ш у н д а й муносабатда бўламан (Ё.Шукуров).

6. Тўсиқсизлик маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларнинг функционал қисмлари -са ҳам, -са-да, -ганда ҳам, -ганда-да формантлари ёрдамида бирикишдан ташқари, айрим ҳолларда -са аффиксли феъл формалари орқали ҳам бирикади, натижада қўшма гап модели -са конституентли бошқа эргаш гапли қўшма гаплар моделлари билан омонимик муносабатга киришади. Тўсиқсизлик маъносидаги эргаш гапли қўшма гап ҳам эргаш гап-бош гап характеридаги инвариант моделга эга бўлади. Бу моделнинг реал вариантларида -садан бошқа ёрдамчи воситалар ҳам иштирок этади. Улар одатда эргаш гаплар таркибига қўшилиб, тўсиқсизлик маъносини бўрттириш вазифасини бажаради. Улар: а) қанча: Сизга қ а н ч а миннатдорчилик билдирсам бу - оз (Шайхзода); б) ҳар қанча: Унга шеригининг ҳожати йўқ. Ҳ а р қ а н ч а тупроқ бўлса, едёлда бир ўзи ташиб ташлайди (М.Мансуров); в) ҳарчанд: Шерзод ҳ а р ч а н д ўзини босишга уринса, ов овозида ғазаб оҳанги жаранглаб кетди (Ў.Хошимов); г) тўсиқсизликни кучайтиришда юқоридаги каби лексик воситалар иштирок этмаслиги ҳам мумкин, бундай ҳолда бу вазифа эргаш гапнинг лексик-синтактик корпуси орқали бажарилади:

Сулаймон тахтига бормасман бугун,
Искандар зар қуйса келиб бошимдан (Т.Йўлдош).

-са конституентли конструкцияларда ифодаланган қўшма гапларнинг яна шундай кўринишлари ҳам мавжудки, уларда нисбий сўзлар ишлатилмайди, қолаверса, функционал қисмлар тенгланиш алоқаси ёрдамида бирикади. Бундай конструкцияли бутунликлар период термини билан аталувчи ҳодиса характерига эга бўлади ва уларни эргаш гапли қўшма гаплар сатҳида қараб бўлмайди: Қани энди ҳамиша ёз б ў л с а, ҳамиша болалар билан ўтлоқда ўйнаб юрсанг (Ч.Айтматов). Шу дурдоналардан бири газ б ў л с а, бири ўзимнинг инсоний қадрқимматим... (П.Қодиров).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Синтетик тип эргаш гапли қўшма гап конструкцияларининг омонимияга муносабати

Бундай тип эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гаплар бош гап таркибининг кўрсатиш олмошлари орқали ифодаланган бирор бўлагини изоҳлайди, унинг логик-грамматик характеристикасини конкретлаштиради. Эргаш гапли қўшма гапнинг типик маъноси ана шу сўзнинг синтактик позицияси ва унинг маъноси билан боғлиқ бўлади. Бундай қўшма гапларда функционал қисмлар феълнинг -са аффиксли формаси ёрдамида бирикса-да, бош гаплар таркибининг ана шундай характердаги элементлари ва эргаш гап таркибида қўлланувчи нисбий сўзлар улар моделининг турғун элементлари ҳуқуқида иш кўради. -са конституента иштирок этган бундай конструкцияларда эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги турлари вужудга келади.

I. Предикатив муносабатда предметлик маъносини билдирувчи эргаш гапли қўшма гап. Предикатив муносабатда предметлик маъносини билдирган қўшма гапларда эга эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик-сигнификатив характеристикаси ифодаланган бўлади. Бундай қўшма гаплар эргаш гап-бош гап характеридаги инвариант моделда вужудга келади. Уларнинг предикатив қисмлари -са воситасида бирикади. Эргаш гаплар таркибида қўлланувчи нисбий сўзлар характеристикаси қуйидагича:

а) кимки сўзи (бош гапда: у, бу): К и м к и кўп сўзлашга иштиёқманд бўлса, б у жунунлик аломатидир (Тафаккур гулшани);

б) ким сўзи: К и м огир ишласа, у енгил ўлади (Шухрат);

в) кимда-ким сўзи: К и м д а - к и м қизнинг зарбига бардош берса, у биринчи шартни бажарган ҳисобланади (С.Хўжаев);

г) к и м г а к и формасида:

К и м г а к и мангулик бўлса дахлдор,
Ёвузлик устидан қилар тантана (Г.Абашидзе);

д) ҳар ким сўзи: Ҳ а р к и м унинг ишини кўрса, ҳайронлик бармогини тишлайди (F.Fулом);

е) киши, ҳар киши, ҳар инсон сўзлари: К и ш и бировдан нафратланса, бахтга алангада ёнади (У.Хошимов);

Ҳ а р и н с о н эзгуликка бел боғламаса,
Ҳаётда ўз ўрнин топиши маҳол (Ҳақназар Fойиб).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Предикатив муносабатда предметлик маъносини билдирган конструкцияларнинг айримларида уларнинг модели бошқа нисбий бўлаклар ҳисобига ҳам кенгайиши мумкин. Уларда савол-жавоб характеридаги қанча, қанчалик, шунча, шунчалик каби сўзлари ҳам қўшилган бўлади. Уларга эътибор берайлик: Ҳар бир киши ўз она тилини қ а н ч а л и к яхши билса, у соф адабий тилда ш у н ч а л и к яхши гапира олади (М.Исмоилий). Бундай қўшма гапларнинг эргаш гаплари таркибидаги нисбий бўлак вазифасида прономинал характердаги одам, инсон ва бошқа шу типдаги сўзлар ишлатилиши мумкин: О д а м қ а н ч а фаросатли ва меҳрибон бўлса, у одамлардан ш у н ч а яхшилик кўради (Тафаккур гулшани). Аёл киши одоби, жинсий фазилатини қ а н ч а л и к сақласа, у ш у н ч а л и к латофатли, ёқимли бўлади (Ҳ.Назир). Баъзан эргаш гапда қаер, бош гапда ўша ер сўзлари ишлатилади: Сиз қ а е р н и хоҳласангиз, ў ш а е р менга ҳам яхши кўринади (Ойбек).

Эргаш гапли қўшма гапларнинг предикатив муносабатда предметлик маъносини билдирган кўринишларидан бирида эргаш гап шарт маъносидаги қўшма гапларнинг эргаш гапи андазасида тузилади, улар таркибида нисбий бўлак бўлмайди; бош гаплар таркибида эга позициясида изоҳланувчи сўз бўлади:

Соя бўлиб соянгдаги ерни билмасанг,
Б у – султонлик вазифасин унутмакликдир
Эътибордан соқит бўлиб қолса фируза,
Бу – битилмас яра бўлур султон қалбида (М.Шайхзода).

Мана шу тўртта бола инсониятга фойда етказса, шунинг ўзиям катта бахт (Ў.Хошимов). Баъзи қўшма гапларнинг эргаш гаплари таркибида қўлланган нисбий бўлак эга позициясида бўлмаслиги мумкин: Инсон нимагаки эришолмаса, ўша нарса азиз туюлади (Ў.Хошимов). Айрим ҳолларда бош гап таркибида изоҳланувчи бўлак формал ифодага эга бўлмайди, бу бўлак у, ўша тарзида тасаввур этилади ва бош гап таркибидаги уюшиқ эгаларни новербал тарзда умумлаштириш хусусиятига эга бўлади: Унинг тили нимага тегса, дарахтми, гулми, экинми, ўтми, бари бир, дарҳол қурийди (газетадан).

Функционал қисмлари предикатив муносабатда бириккан қўшма гапларнинг бошқа бир турида предмет ёхуд субъектнинг белги-хусусияти маъноси англашилади. Бундай қўшма гаплар конструкциясининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосий конституентлардан бири вазифасида ҳам -са элементи қатнашади. Бундан ташқари эргаш ва бош гаплар таркибида юқорида кузатилганидек, айрим нисбий ва изоҳланувчи сўзлар ҳам иштирок этади. Улар қуйидагича:

а) эргаш гапда тўлдирувчи формасидаги ҳар кимда, бош гапда унда: Ҳ а р к и м д а к и қувват бўлса, шариат у н д а (Шайхзода);

б) эргаш гапда қаерда, бош гапда ўша ерда: Қ а е р д а тинчлик бўлса, бахт ҳам ў ш а е р д а (Ч.Айтматов);

в) эргаш гапда ким, бош гапда шу:

Ҳаётда қолдирса к и м абадий ном,
Энг бахтли одам ш у, ҳулласи калом (Деҳлавий);

г) эргаш гапда қандай, бош гапда шундай: Ҳавоси қ а н д а й бўлса, нафаси ҳам ш у н д а й (М.Исмоилий).

2. Объектли муносабатда предметлик маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларнинг эргаш гаплари предикатив муносабатдаги қўшма гапларнинг эргаш гаплари билан бир хил формада бўлади ва улар бош гаплар таркибидаги олмош орқали ифодаланган тўлдирувчиларнинг маъносини конкретлаштиради. Қўшма гап эргаш гап-бош гап кўринишидаги инвариант моделда вужудга келади. Инвариант моделнинг реал вариантларида нисбий ва изоҳланувчи сўзлар характеристикаси қуйидагича бўлади:

а) эргаш гапларда ким, кимки, бош гапларда жўналиш, тушум келишиклари формасидаги у, ўша сўзлари ишлатилади: К и м аввал қўлин чўзса, ў ш а н и дўст тутарман (Ш.Петефи). К и м к и бойларга, золимларга қарши бош кўтарса, у л а р н и иштирокиюн дейишади (Ш.Ташматов);

б) эргаш гапда ким, кимки сўзлари, бош гапда унинг учун бирикмаси ишлатилади: К и м сени менсимаса, ўққа айлансин сўзинг (Т.Эрматов). Бу гапда "унинг учун" норепрезентатив характер касб этган;

в) эргаш гапда кимнинг, бош гапда унга мос келувчи бошқа сўз ишлатилади:

К и м н и н г бўлса ақли пособон дили билан тилига,
У н д а й келур олам-жаҳон тойла орти, элига (Муқимий);

г) эргаш гапда нимаики, бош гапда повербал характердаги унга: Н и м а и к и материал бўлса, биринчи навбатда олсиз (П.Қоди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ров);

д) эргаш гапда нимаки, нималарки, бош гапда шуни, буни: Гуристон тўғрисида додхо н и м а л а р эшитган бўлса, Унсин ҳам ш у н и эшитган (А.Қаҳҳор). Улар н и м а н и бошидан кечирган бўлсалар, б у н и бу бола ҳам қайта бошидан кечирди (Ч.Айтматов);

е) эргаш гапда қайси, бош гапда унга: Қ а й с и ўриндаги ул ойпарчиннинг тимсоли бўлса, у н г а ўзидан кетиб қарар эди (Ғ.Ғулом);

ё) эргаш гапда қ а н ч а, бош гапда новербал характердаги уни: Қ а н ч а ҳиммат бўлса, шу топда кўрсат (Уйғун).

Объектли муносабатда предметлик маъносини англатувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим кўринишларида эргаш гаплар шарт маъносидаги қўшма гапларнинг эргаш гаплари андазасида тузилади, эргаш гап нисбий бўлаклардсиз ифодаланади, бош гаплар таркибида изоҳланувчи тўлдирувчи бўлади: Кулфат ёмғирида эл бошига бало тоши ёғса, у н и эл даф қилади (М.Исмоилий).

Объектли муносабатда вужудга келган қўшма гапларда баъзан эргаш гап бош гап тўлдирувчисини бутун билан қисм муносабати маъносида изоҳлаши мумкин: Конструкторлик бюросида қирқ икки лойиҳачи ишласа, ш у н д а н қирқтаси қизлар (Ў.Хошимов). Қиёсланг: Конструкторлик бюросида ишлайдиган қирқ икки лойиҳачидан қирқтаси қизлар.

3. Атрибутив муносабатда адъектив белги-хусусият маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гапларнинг сифатловчи аниқловчиларини изоҳлаб, уларнинг маъносини конкретлаштиради. Эргаш гаплар функционал жиҳатдан сифатдош оборотларга ўхшайди:

Ким севинч отини эгарлаб пухта
Қайғуни бостирса, ш у одам марддир (Шуҳрат) – севинч отини пухта эгарлаб қайғуни бостирган одам.

Адъектив характердаги белги-хусусият маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гаплар икки хил тузилади: эргаш гап–бош гап тарзида, бош гап–эргаш гап тарзида. Эргаш гаплари препозитив характердаги қўшма гаплар қуйидагича бўлади:

а) эргаш гапда ким, кимки, нима; бош гапда шу, ўша, бу сўзлари ишлатилади: К и м к и одатимиз бўйича бажариладиган ишларнинг уддасидан чиқса, мен ш у йигитники бўламан (С.Хўжаев). Бу икки сирдош н и м а сўзлашган бўлсалар, улар б у ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

таг-тугидан батамом бехабар эдилар (Г.Гулом);

б) эргаш гапда қайси, бош гапда у, уша: Қ а й с и ишда эл кетмаоса, у иш ўлмас, тирикдир ("Саодат"). У қ а й с и суратни олаш учун қул урса, қахон у ш а суратга берилиб, суратпараст булар эди (Г.Гулом);

Эргаш гаплари постпозитив тартибда тузилган адъектив характердаги белги-хусусият маъносини билдирган эргаш гапли қушма гаплар куйидагича булади:

а) эргаш гапи бир составли содда гаплар шаклида булади, бош гаплари эмас сузини олган инкор гап характерида булади:

Муҳаббат чашмадан оққан сув э м а с,
Лабига лаб қуйиб бирдан симирсанг.

Мен узук э м а с м а н, таксанг қулингга.
Мен чечак э м а с м а н, бўйсанг йулингга (Шуҳрат);

б) бош гаплар мазмунини кучайтириш вазифасида улар кесими таркибига -ки ёрдамчиси қушилади: Осмону фалак еру замин э м а с-к и, самолётни кутариб колса (С.Анорбоев). Бундай ҳолларда ҳам бош гаплар булишсиз гап характерида булади: Эшак магазинда турган велосипед э м а с к и, дадаларига олдириб, мактабга миниб борилса (Л.Маҳмудов). Бугун 8-Март э м а с к и, ати-упа совга қилса (С.Анорбоев).

Баъзан бош гаплар кесими булишли формада булади ва улар таркибида қандай сузи ишлатилади: Бу қ а н д а й сирки, бехабар колсам (Шайхзода). Айрим ҳолатларда бош гапларда нисбий булак қулланмайди, лекин уларнинг кесими булишли формада булади: Қани эдди акам қуйда эшик-тешик булса эканки, у узини уша ёққа о л - с а (С.Анорбоев);

г) бош гапларнинг кесими истак формасидаги сузлар оркали ифодаланади:

Қани шундай баҳор булса,
Олам узра ё й с а гул,
Қани шундай баҳор булса,
Кетмас булиб к е л с а ул (Э.Воҳидов).

4. Қаратқичли муносабатда посессив маъно билдирувчи эргаш гапли қушма гап. Қаратқичли муносабатда тузилган эргаш гапли қушма гапларда эргаш гаплар бош гап таркибининг ҳамма, барча, бари

олмошлари орқали ифодаланган эгаларининг қаратқич аниқловчиси вазифасида уларнинг маъноларини конкретлаштиради. Бош гапнинг изоҳланиши лозим бўлган қаратқич аниқловчилари новербал характерга эга бўлади. Бош гаплар таркибидаги ҳамма, барча, бари сўзлари III шахс эгалик аффиксларини олади. Агар бундай сўзлар таркибида III шахс эгалик аффикслари бўлмаса, улар иштирок этган қўшма гап предикатив муносабатда тузилган қўшма гап характерига эга бўлади: Кимки қўлига қилич билан болта ушлашга қодир бўлса, ҳ а м м а дарҳол шай бўлиб қальага тўплансин (С.Хўжаев).

Қаратқичли муносабатда посессивлик маъносини англатган қўшма гаплар қуйидагича тузилади:

а) эргаш гап таркибида нима олмоши қўлланади ва у сифатловчи аниқловчи позициясида бўлади: Бу оламда н и м а сир ўтса, барини менга аён (Ойбек);

б) нима олмоши тўлдирувчи позициясида бўлади: Н и м а н и к и кўнгил тортса, ҳаммаси тайёр! (Шайхзода);

в) қанча олмоши қўлланади ва у сифатловчи аниқловчи позициясида бўлади: Бу жанжалга қ а н ч а харажат бўлса, ҳаммаси сенинг гарданингга юкланади (С.Айний). Идора олдида қ а н ч а киши бўлса, ҳаммаси кулиб юборди (Н.Аминов); г) сифатловчи аниқловчи позициясида ҳар неки сўзи ишлатилади:

Жаҳонда ҳ а р н е к и эзгулик бўлса,
Ҳаммаси яращик халқим номига (Т.Йўлдош).

4. Ўрин-жой маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплар бош гаплардаги иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш ўрни маъносини билдиради. Функционал қисмлар -са элементи ёрдамида бириқади, лекин бу восита қўшма гап умумий маъносини ифодалаш хусусиятига эга бўлмайди. Қўшма гапнинг умумий маъноси – ўрин-жой семантикаси улар таркибида қўлланувчи нисбий ва изоҳланувчи сўзлар маъносига асосланади. Шунинг учун ҳам қўшма гап конструкциясида савол-жавоб характеридаги сўзлар ўрин маъносини ифода этади ва улар ўрин келишикларидан бирини қабул қилади: У қаерга б о р с а, халқ ҳам ўша ерга борарди (F.Fулом).

Эргаш ва бош гаплар таркибидаги ўрин маъносини ифода этувчи сўзлар ўрин келишиклари формасида бўлмаса, ўрин эргаш гапли қўшма гап бўлолмайди. Масалан: Сиз қаерни хоҳласангиз, ў ш а е р менга яхши кўринади – эга эргаш гапли қўшма гап. Қаерда тинчлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлса бахт ҳам у ш а е р д а (Ч.Айтматов) - касим эргаш гапли қўшма гап. Эга ва касим эргаш гапли қўшма гапларда предикатив муносабатларга хос маънолар ифодаланади.

Ўрин маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларда улар предикатив қисмлари таркибидаги ўрин маъноси билан боғлиқ сўзлар қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

а) эргаш гапда қаерга, бош гапда ўша ерга сўзи ишлатилади: Уни қ а е р г а олиб боришса, Нигора ҳам у ш а е р г а борарди (Марва Жалолиддинова);

б) эргаш гапларда қаерда, бош гапларда ўша ерга: Қ а е р д а жанг қаттиқ қайнаса, у ў ш а е р г а борарди (И.Раҳим).

Ўрин маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим кўринишларида бош гап таркибида изоҳланувчи сўз новербал характерга эга бўлади, лекин унинг потенциаллиги сезилади: Шоҳ қ а е р г а ярог тайёрлаган бўлса, м е н - т а й ё р(Ғ.Ғулом)- Шоҳ қаерга ярог тайёрлаган бўлса, мен ў ш а е р г а боришга тайёр.

Кузатилган фактлардан шу нарса маълум бўладики, -са конституенти омонимик моделдаги конструкциялар ҳосил қилади. Лекин уларнинг омонимлиги икки хил: тўлиқ ва қисман омоним. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларининг тўлиқ омонимиясига нисбатан қисман омонимиясининг кўлами кенгроқ. Қуйида умуман омонимик характердаги моделлар ва уларда ифодаланган қўшма гап турларини келтирамиз ва уларни тўлиқ ва қисман омонимларга ажратамиз.

1. Э.г-са-Б.г$_1$ ---------------- шарт маъносидаги э.г.қ. гап.

2. Э.г-са-Б.г$_2$ ---------------- пайт маъносидаги э.г.қ. гап

3. Э.г.-са-Б.г$_3$ ---------------- чоғиштириш маъносидаги э.г.қ.гап

4. Э.г-са-Б.г$_4$ ---------------- ўлчов-даража маъносидаги э.г.қ.гап

5. Э.г-са-Б.г$_5$ ---------------- атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносидаги э.г.қ.гап

6. Э.г-са-Б.г$_6$ ---------------- предикатив муносабатга хос предметлик маъносини билд.э.г.қ.гап

7. Э.г-са-Б.г$_7$ ---------------- предикатив муносабатга хос бел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гап-хусусият маъносини билд. э.г.к.г.

8. Э.г-са-Б.$г_8$ ---------- қаратқичли муносабатда посессивлик маъносини билд.эрг.г.қ.г.

9. Э.г-са-Б.$г_9$ ---------- ўрин-жой маъносидаги эрг.г.қ.г.

Келтирилган моделларнинг шарт ва пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап ҳосил қилувчилари тўлиқ омонимия характерида, қолган моделларда эса бири-бошқасидан фарқ қилувчи айрим элемент мавжуд. Шунинг учун улар омонимиясини тўлиқ деб бўлмайди.

Омонимлик инвариант моделларнинг баъзи реал вариантлари муносабатида ҳам мавжуд. Масалан, чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг предикатив қисмлари таркибида қандай, қандоқ, шундай, шундоқ сўзлари иштирок этган кўриниши билан адвербиал белги маъносидаги эргаш гапли қўшма гапнинг таркибида юқоридаги каби сўзлар иштирок этган вариантлари муносабатида омонимлик мавжуд: Гастрономдаги сотувчи қиз колбасани қ а н д а й ушласа, Шоира беморнинг билагини ш у н д а й тутди - чоғиштириш маъносидаги қўшма гап, Улар мени қ а н д а й кутиб олишса, мен ҳам уларга ш у н д а й муносабатда бўламан - адвербиал белги-хусусият маъносидаги қўшма гап.

Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап конструкциясида баъзан агар, агарда, гар каби ёрдамчилар қатнашади. Ана шундай характердаги вариант ва унинг модели шарт эргаш гапли қўшма гапнинг модели билан омонимия муносабатида боғланади:

А г а р д а Октябрь наъра тортмаса,
Уйқусидан асло уйғонмас эди (Уйғун) -

шарт маъносидаги қўшма гап. Ҳиссиёт агар муҳит бўлса, у шу муҳитнинг тўлқинига асир бўлган бир чўлоқ чумоли (F.Fулом) - чоғиштириш маъносидаги қўшма гап.

Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим кўринишида улар конструкциясида ким, кимки, ҳар ким типидаги сўзлар иштирок этади. Ана шундай қўшма гап ва унинг модели предикатив, атрибутив, қаратқичли ва объектли муносабатларда вужудга келган қўшма гаплар ва уларнинг моделлари билан омонимик муносабатларда бўлади: Ҳ а р к и м ўша ариққа сув боғласа, сув тўхтамай ўша қасрга югуради - шарт маъносидаги қўшма гап. Ҳ а р к и м ўз ватанини севса, уни халқ севади - объектли муносабатда предметлик(шахс) маъносини билдирган қўшма гап.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим кўринишида қайси томон, қай ер каби сўзлар ишлатилади. Ана шундай характердаги вариант ўрин-жой маъносидаги эргаш гапли қўшма гаплар билан омонимлашади: У ўз отини қ а й т о м о н г а бурса, замона уни узоқлан кўриши билан алҳазар айтади (Ғ.Ғулом) – шарт маъносидаги қўшма гап. Афанди қ а й т о м о н г а борса, ўша ерда ғам-ғусса унутилади – ўрин-жой маъносидаги қўшма гап.

Қаратқичли муносабатда пропорсионаллик маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гапларнинг баъзи кўринишларида улар таркибида қанча, қанчалик типидаги сўзлар ҳам иштирок этади. Ана шундай вариант ва унинг модели ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гапларнинг моделлари билан омонимия парадигмасида туташади: Бу жанжалга қ а н ч а харажат бўлса, ҳаммаси сенинг гарданингга юкланади – қаратқичли муносабатдаги қўшма гап. Қасаллик қ а н ч а чуқур берканган бўлса, у шунча ёвуз ва хавфлидир – ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гап.

### "-б, -иб" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

Эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил қилишда феълнинг -б, -иб аффиксли формалари актив ишлатилади. Бу восита ёрдамида ҳатто компонентлари тенгланиш характеридаги қўшма гаплар ҳам вужудга келаверади: Эшакларга зўр беришдан билаклар зирқираб, бел қақшаб кетди (Р.Бекниёз). Қуёш нур со ч и б, қушлар сайрайди (Ч.Айтматов). Бу гапларнинг конструкцияси эргаш гап-бош гап моделида вужудга келувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг конструкцияларига жуда ўхшайди. Масалан: 1. Тантанали мажлиснинг расмий қисми тугаб, ўйин-кулги бошланди (С.Анорбоев). Кунгироқнинг чорловчи товуши янграб, болалар синфга кира бошлади (Н.Фозилов). 2. Чўзилиб қўшиқлари, Одам чиқар ҳар ёқдан (Ҳ.Олимжон). Ҳамма бирдан қаҳ-қаҳ уриб, янграб кетди қўшиқлар (Ҳ.Шарипов). 3. Кайфиятлар тобора кўпайиб, мелиса тезлиги тобора ошаяпти. Ғайҳонларнинг хушбўй ҳиди димоғига уриляб, гуллар ҳидига бир дам маст бўлиб қолди (О.Ёқубов).

Эргаш гап-бош гап моделида тузилган мазкур қўшма гаплар умумий конституентга эга бўлган, лекин синтагматик характеристикасига кўра фарқ қилувчи юқорида келтирилган қўшма гаплардан шу билан фарқ қиладики, буларнинг предикатив қисмлари бири бошқасин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни маъно ва грамматик жиҳатдан изоҳлаш характерига эга бўлади. Хусусан, биринчи группа мисолларда қўшма гапнинг препозитив компоненти постпозитив компонентни пайт маъносига кўра изоҳлаган, унга грамматик жиҳатдан тобеланган. Иккинчи группа мисолларда препозитив компонент постпозитив компонентга тобеланиб, уни адвербиал белги-хусусият маъносига кўра изоҳлаган. Учинчи группа мисолларда эса, кейинги компонентлар биринчи компонентлар томонидан сабаб маъносига кўра изоҳланган.

Предикатив қисмлари тенгланиш алоқаси ёрдамида бириккан Кўк бахмал сўзана деворни энлаб, ипаклари ҳали ҳам товланиб турибди (П.Қодиров) типидаги қўшма гаплар ўзига хос синтагматик характеристикага эга. Улар компонентларининг ўзаро муносабатидан воқеа-ҳодисаларнинг бир вақтда ёхуд кетма-кет бажарилиши маъноси англашилади: Ғарбдан эсиб турган совуқ изғирин қутуриб, майда дўл ёға бошлади (Ш.Тошматов). Шу боис ҳам бундай қўшма гапларни боғловчили конструкциядаги қўшма гапларга айлантириш мумкин: Ғарбдан эсиб турган совуқ изғирин қутурди ва майда дўл ёға бошлади. Лекин юқорида келтирилган Кўк бахмал сўзана деворни энлаб, ипаклари ҳали ҳам товланиб турибди гапини боғловчили конструкцияда ифодалаб бўлмайди. Бу типдаги гаплар тенгланиш алоқаси ёрдамида ҳосил бўлган бўлса-да, улар ўзига хос алоҳида синтагматик характеристикага эга. Қиёсланг: Кўк бахмал сўзана деворни энлаган ва ипаклари ҳали ҳам товланиб турибди (?).

Уч ҳовлида ёлғиз битта бола бўлиб, у ҳар сафар кўчма дўконни биринчи бўлиб кўрар эди (Ч.Айтматов) гапининг конструкцияси -иб конституентли эргаш гапли қўшма гаплар конструкциясига анча ўхшайди. Лекин асосий фарқ шундаки, унинг таркиби эргаш гап, бош гап характеридаги функционал қисмларга ажралмайди. Маъно жиҳатдан келтирилган гап Ким яхши ўқиса, у олим бўлади эргаш гапли қўшма гапида ифодаланган маънога ўхшайди. Қиёсланг: Ким яхши ўқиса, у олим бўлади – Яхши ўқиган олим бўлади. Уч ҳовлида ёлғиз битта бола бўлиб, у ҳар сафар кўчма дўконни биринчи бўлиб кўрар эди – Уч ҳовлида ёлғиз бўлган битта бола ҳар сафар кўчма дўконни биринчи бўлиб кўрарди.

Тенгланиш алоқаси ёрдамида вужудга келган -б, -иб конституентли қўшма гапларнинг айримлари объектли муносабатга кўра вужудга келган эргаш гапли қўшма гапларга ҳам ўхшайди ва улар деярли

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир хил маънолар англатади. Масалан: Бир катта кема устига тахт ясал и б, унга шоху шаҳзодалар ўтирадилар (F.Fулом). Бу гапни Бир катта кема устига тахт ясалди ва унга шоху шаҳзодалар ўтиради тарзида транспозиция қилиш ҳам мумкин, унда мазкур гап боғланган қўшма гап характеристикасига эга бўлади. Шу билан бир қаторда, унга объектли муносабатдаги эргаш гапли қўшма гапга хос хусусиятни "ёпиштириш" ҳам мумкиндек. Чунки иккинчи компонент таркибидаги унга сўзи биринчи компонент томонидан изоҳланаётганга ҳам ўхшайди: унга - бир катта кема устига ясалган тахтга - Б и р к а т - т а к е м а у с т и г а я с а л г а н т а х т г а шоху шаҳзодалар ўтирадилар.

Бир катта кема устига тахт ясал и б, унга шоху шаҳзодалар ўтирадилар гапида атрибутив муносабатдаги эргаш гапли қўшма гапларга хос хусусият ҳам борга ўхшайди. Бу ўринда иккинчи компонент биринчи компонентга тобеланиб, унинг эгасини атрибутив муносабатда кенгайтираётгандек кўринади: Бир катта кема устига ш о ҳ у ш а ҳ з о д а л а р ў т и р а д и г а н тахт ясалди. Қандай тахт? - Ш о ҳ у ш а ҳ з о д а л а р ў т и р а д и г а н тахт. Яна бошқа характерли мисол: Уларнинг оти кемалар бўл и б, суръатлари сувдан ўт чиқаради (F.Fулом) - Уларнинг отлари с у в д а н ў т ч и қ а р у в ч и кемалардир. Фактлар қиёсидан шу нарса маълум бўладики, -б, -иб конституентли конструкцияларнинг тенгланиш алоқаси ёрдамида вужудга келган турлари билан тобеланиш алоқаси ёрдамида вужудга келган турлари умумий сигнификатив планда муштараклик белгиларига эга бўлиши мумкин экан.

-б, -иб конституентли конструкцияларнинг эргаш гапли қўшма гапларга хос кўринишларида уларнинг инвариант моделлари эргаш гап-бош гап характерида бўлади. Инвариант моделнинг реал кўринишларида функционал қисмларнинг тартиби ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш нутқнинг услубий характеристикаси билан ҳам боғланади. Хусусан, поэтик талабга кўра эргаш гаплар постпозитив тартибда жойлашиши мумкин:

Оқаётир зилол сувлар ювиб қалбларни,
Довруқ солган қўшиқлари қучиб лабларни (Ҳ.Олимжон).

Таъзим қилар катта-кичикка,
Пешонаси тупроққа тегиб (Уйғун).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзан кўчирма гапли қўшма гапларда автор гапи эргаш гаплар характерига эга бўлади ва улар постпозитив тартибда жойлашади: -Раҳмат, деди Фарида, л а б л а р и  х и ё л  г и т р а б - Аблаҳ! - деди Қилич Валиевич, л а б л а р и  т и т р а б (Ў.Ҳошимов).

-б, -иб конституентли эргаш гапли қўшма гапларнинг реал кўринишларида уларнинг эргаш гап компоненти интерпозитив тартибда ҳам жойлашади. Бундай пайтда эргаш гап алоҳида урғу остига олинади, функционал жиҳатдан ажратилган ҳолларни эслатади. Унда баён қилинаётган воқеа-ҳодиса қисман таъкид остига олинади. Қўшма гапнинг конкрет нутқ вазияти билан боғлиқ умумий мазмунида унинг аҳамиятли денотация эканлигига ишора қилинади: Шоира деворга суянганича, е л к а л а р и  с и л к и н и б, пиқиллаб кулиб юборди (Ў. Ҳошимов). Шоназар Қосимович, ю з л а р и  т и р и ш и б, трубкани мажолсиз жойига қўйди (Н.Аминов).

Эргаш гаплари интерпозитив характердаги бундай эргаш гапли қўшма гаплар нутқда актив ишлатилади. Кўпинча унинг эргаш гаплари фразеологик тус олади: Жонибек, ю р а г и  г у п и р и б, отга қамчи босди (С.Сиёев). Қиз нима қиларини билмай, б о ш и д а н  ҳ у ш и  у ч и б, туриб қолади (М.Мансуров). Ҳанифа, ў п к а с и  т и қ и л и б, ҳансирар эди (С.Анорбоев). Бу қўшма гапларда адвербиал белги-хусусият маъноси англашилади, эргаш гап бош гапдаги воқеа ҳодисанинг қай тарзда юзага келиши маъносини англатади. Адвербиал белги-хусусият семантикасига эга бўлган қўшма гапларда баъзан предикатив муносабатдаги эргаш гапли қўшма гапларнинг маъноси ҳам англашилгандек бўлади. Унда эргаш гап бош гап субъектининг ҳаракат, ҳолати маъносини ифода этганга ўхшайди. Бундан ташқари, эргаш гапда яна қуйидаги вазифалар қамралган:

а) бош гап мазмунини тўлалигича изоҳлаш;

б) бош гап эгасининг предикати ифодасидаги тушунчани ташиш;

в) бош гап кесимидан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг адвербиал белгиси маъносини англатиш. Масалан: Сарсонбой ота, қ у л о ғ и  м у з  б ў л и б, турган жойида қотиб қолди (Ў.Умарбеков). Раис, к ў з л а р и  қ и с и л и б, унга қараб қўйди (Ў.Ҳошимов).

Эргаш гапи интерпозитив тартибда жойлашган -б, -иб конституентли қўшма гаплар кесим состави ўсган икки составли содда гапларга ҳам ўхшайди. Содда гапларда уларнинг эгаси ўсган кесимларнинг

барчаси учун бир хил формада муносабатга киришади (бош келишиги формасида). Уларга қиёсланаётган қўшма гапларда бош гап таркибидаги "умумий" эга ўз составидаги кесим билан одатдаги формада муносабатга киришса, мазмунан (функционал) кесим характеридаги эргаш гапга нисбатан одатдаги формасини инкор этади, қаратқич келишиги формасини қабул қилган формада эргаш гап билан муносабатга киришади. Қиёсланг: Сарсонбой ота, қўл-оёғи муз бўлиб, турган жойида котиб қолди - Сарсонбой ота котиб қолди. Сарсонбой ота(нинг) қўл-оёғи муз бўлди. Раис, кўзлари қисилиб, унга қараб кўйди - Раис қараб кўйди; Раис(нинг) кўзлари қисилди. Бундай хусусият ўрганилаётган тип учун хусусий бўлиб, -б, -иб конституентли қўшма гапнинг эргаш гаплари препозитив ҳамда постпозитив тартибда жойлашган вариантлар учун хос эмас. Масалан: Қ ў н ғ и р о қ л а р ж а р а н г л а б, к а р н а й-с у р н а й ч а л и н и б, кутиб олди карвонни султон хизматкорлари (Ў.Умарбеков). Қайнасин диллларинг, э с и б е л л а р (Ҳ.Олимжон).

-б, -иб конституентли конструкциялар омоним моделларда ифодаланади. Юқорида келтирилган пайт, адвербиал белги-хусусият, сабаб маъноларидаги эргаш гапли қўшма гаплар ана шундай моделларда ифодаланган эди. Улардан ташқари, омонимик характердаги эргаш гап -иб-бош гап моделларида эргаш гапли қўшма гапларнинг яна қуйидаги турлари вужудга келади:

I. Объектли муносабатга хос предметлик ва шахс маъноларини билдирувчи қўшма гаплар: Колхозда комсомол-ёшлар бригадаси тузилиб, Камол бригадир бўлди (О.Мухторов). Ҳакимнинг бисотида қадимги ва ҳозирги шоирлардан ёдлаб олинган беш-олтита байт-ғазал, ўн-ўн бешта пардали-пардасиз латифалар бўлиб, шулар билан жўраларининг кўнглини хушлар эди (Т.Пўлат). Бу гаплар инвариант моделда реаллашувчи гаплардан тузилиш жиҳатига кўра фарқланмайди. Лекин улар ўзига хос айрим томонларга эга. Уларда эргаш гап бош гапни қисман изоҳлаган, бош гаплар кесими билан валентлик алоқасида уларни грамматик жиҳатдан кенгайтирган. Бош гаплар таркибида новербал характердаги изоҳланувчи сўзларнинг мавжудлиги сезилади. Колхозда комсомол-ёшлар бригадаси тузилиб, Камол бригадир бўлди гапида эргаш гап бош гапнинг новербал характердаги тўлдирувчисини - "унга"ни изоҳлаган ва унинг маъносини конкретлаштирган. Камол бригадир бўлди. Камол нимага бригадир бўлди? - Колхозда ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

эилган комсомол-ёшлар бригадасига. Иккинчи қўшма гапда унинг эргаш гапи (Ҳакимнинг бисотида қадимги ва ҳозирги шоирлардан ёдлаб олинган беш-олтита байт-ғазал, ўн-ўн бешта пардали-пардасиз латифалар бўлиб) бош гап таркибининг шулар билан тарзида тасаввур этилувчи новербал тўлдирувчисининг маъносини конкретлаштираётгандек сезилади: Ҳаким бисотида бўлган қадимги ва ҳозирги шоирлардан ёдлаб олинган беш-олтита байт-ғазал, ўн-ўн бешта пардали-пардасиз латифалар билан жўраларининг кўнглини хушлар эди.

2. Тўсиқсизлик маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Доим сўқмоқ излаймиз биз, тахтиравон йўл туриб (Ҳ.Шарипов). Илан тўлиб, биз ишни тўхтатмадик (А.Қаҳҳор).

3. Ўлчаш-даражалаш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: К а н а л т ў л и б, сувлар оқди чўлларда (А.Пўлат). Т а н д и р т ў л и б, ёпилади нон (А.Пўлат).

4. Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Қурбонлар сони ортиб, тириклар сони камаяверди (С.Хўжаев).

Демак, -б, -иб конституентли конструкциялар полифункционал ва омонимик моделларга эга бўлиб, уларда тенглаш алоқасидаги қўшма гап ҳам, тобеланиш алоқасидаги эргаш гапли қўшма гаплар ҳам ифодаланаверади. Пайт, равиш, сабаб, прёдикатив, объектли муносабатларга хос ҳар хил маъноли қўшма гаплар, тўсиқсизлик, ўлчаш-даражалаш ва чоғиштириш маъносидаги қўшма гапларнинг моделлари ана шундай характерга эга.

## "-май" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

-май феълларнинг равишдош формасини ҳосил қилувчи аффиксал воситалардан бири саналади. Бу аффиксли форма содда гапларда ҳол ва кесим функцияларида келишдан ташқари[1], эргаш гапли қўшма гапларда улар мавжуд бўлган кесимлар эргаш гапларни шакллантирувчи асосий конституент саналади ва ана шу восита орқали эргаш гаплар бош гапларга боғланади.

-май конституентли конструкциялар ҳам эргаш гап-бош гап тарзидаги инвариант моделга эга бўлади. Бу моделнинг реал вариантла-

---

I Қаранг: А с қ а р о в а М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашган формалари ва эргаш гаплар. Тошкент, 1966. 126-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рида функционал қисмлар тартиби бошқача бўлиши ҳам мумкин. -май конституентли моделларда ҳар хил маъноли эргаш гапли қўшма гаплар вужудга келади. Улар қуйидагилардир:

1. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплар бош гаплардаги воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилиши маъносини англатади: Назаримда оёғим ерга тегиб-тег м а й, борар эдим (А.Қаҳҳор). У, қувонча ичига сиғ м а й, ўрнидан сакраб туриб кетди (Марва Жалолиддинова).

2. Сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Иккаласи ўз уйига сиғ м а й, у қайси дашти биёбонлардаги қурилишларда юрибди (М.Мансуров). Бу ховлиларда пишган мевалар, егани одам бўл м а й, ...шохида қолиб кетар эди (А.Қаҳҳор).

3. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш пайти маъносини билдиради. Уларда -май конституентининг позицияси қуйидагича бўлади:

а) содда феълларнинг ўзак-негизига қўшилади: Мен жавоб беришга улгур м а й, ичкаридан амаким чиқди (А.Қаҳҳор).

Фикрлари топ м а й аҳҳол,
Хаёл уни кўкка учирди (Ҳ.Олимжон);

б) составли феълларнинг охирги компонентига қўшилади: Қоракўш Рисолатга жавоб қилиб улгур м а й, даҳлиздага Эминжон кириб келди (И.Раҳим);

в) этакчи қисми -гунча аффиксли равишдошлар орқали ифодаланган аналитик конструкцияларнинг кўмакчи қисмига: Мунаввар ичкарига киргунча бўл м а й, эгнидаги атлас кўйлаги шалаббо бўлиб кетди (С.Анорбоев);

г) бўлишли-бўлишсиз формадаги жуфт феълларнинг иккинчи компонентига қўшилади; бу ўринда -май полифункционал воситага айланади; бўлишсизлик маъносини англатади, қўшма гап конструкциясининг асосий конституенти ҳуқуқига эга бўлади: Орадан бир йил ўтар-ўт-м а й, янги гап чиқиб қолди (М.Мансуров);

д) фразеологизмлар орқали ифодаланган эргаш гаплар таркибида бўлади: Сени доб, ўн гулимдан бир гулим очил м а й, тул бўлиб қолаверамания? (М.Мансуров).

4. Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гап-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш шарти маъносини билдиради: Эр кўкар м а й, мол тўймас (мақол).

Филҳақиқат шабнам кўр м а й,
Гул япроқлаша олурми? (Ҳамза).

5. Қиёслаш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларнинг умумий маъносидан бир воқеа-ҳодисага нисбатан иккинчи воқеа-ҳодисанинг афзал эканлиги, устунлиги семантикаси англашилади: Онанг ўлсин, сени бу ерга ёлгиз юбор м а й (А.Мухтор).

6. Тўсиқсизлик маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Ёз келганига қара м а й, ҳаво — салқин (Ў.Умарбеков). Шунинг ҳам борки, тўсиқсизлик маъносидаги эргаш гапли қўшма гапларда -май қўшма гап конструкциясининг асосий конституенти таркибида қисм характерида иштирок этади. Асосий конституент вазифасини -ганига қарамай микроконструкцияси бажаради: Қуёш аллақачон ботганига қара м а й, мактаб атрофи — чароғон (Н.Фозилов).

"-гандай, -гандек" конституентли конструкциялар ва
уларнинг омонимияга муносабати

-гандай, -гандек таркиби -ган ва -дай, -дек элементларига мустақил ажралмайдиган яхлит формант саналади. Улар ана шу яхлитликда эргаш гапларнинг феъл кесимларини шакллантириб, уларни бош гаплар билан боглайди. Тегишли адабиётларда -гандай, -гандек формантларининг бир бутунлиги эътиборга олинмайди. Уларда асосий эътибор -дай, -дек қисмига қаратилган бўлиб уни "эргаш гапларнинг сифатдошлар орқали ифодаланган кесимларига қўшилади" тарзида изоҳланади[1].

-гандай, -гандек конституентли конструкцияларда вужудга келган эргаш гапли қўшма гаплар эргаш гап-бош гап таркибидаги инвариант моделга эга бўлади. Уларда қуйидаги эргаш гапли қўшма гаплар реаллашади.

I. Ўхшатиш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда бош гапдаги воқеа-ҳодиса, ситуация эргаш гапдаги воқеа-

---

I Қаранг: А б д у р а ҳ м о н о в Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари. 105-бет ; А сқ а р о в а М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. 156-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ходиса, ситуацияга ўхшатилади. Ўхшатиш маъносидаги қўшма гапнинг реал кўринишларида унинг конструкцияси қуйидагича бўлади:

а) инвариант модель андазасида вужудга келади: Шараф бурчага ой келиб ўтиргандай, ўлкалар безагувчи шоҳ ҳам тахтига тушиб ўтирди (Ғ.Ғулом);

б) -гандай, -гандек конституенти худди ёрдамчисининг аналитик усулда ва препозитив тарзда қўшилишидан кенгаяди: Худди ичган чойи булоқ бўлиб қайнаб чиқаётгандай, тер чаккаларидан шар-шар оқарди (С.Анорбоев);

в) асосий конституент шахс-сон аффиксларининг унга препозитив тарзда қўшилишидан кенгаяди: Яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан қабоҳат ёнма-ён юргандек, яхши одамлар билан қабиҳ кимсаларнинг хоки ҳам ёнма-ён ётаркан (Ў.Хошимов);

г) поэтик талабга кўра эргаш гап постпозитив тарзда қўлланади:

Кўзимга қайрона тутуни тўлди,
Устимда айланиб юргандай ажал (Шухрат);

д) эргаш гаплари интерпозитив тарзда қўлланади: Шоира, и ч и г а о л о в т у ш г а н д а й, ловиллаб кетди (Ў.Хошимов).

2. Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда бош гапдаги воқеа-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат билан қиёсланади, чоғиштирилади. Уларнинг инвариант модели эргаш гап-бош гап кўринишида бўлади. -гандай, -гандек форманти таркибига шахс-сон қўшимчалари интерпозитив тарзда қўшилиши ҳам мумкин бўлади: Авва ҳеч қачон аста рдан юқори бўлма г а н д е к, эркак хотиндан ақл ўрганмайди (Шухрат). Отамиз коммунист бўлг а н л а р и д е к, биз шикимиз ҳам комсомол аъзоси... (С.Абдулла).

3. Сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапда эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатнинг юзага келиш сабабини билдиради. -гандай, гандек конституентли конструкцияларда ифодаланган сабаб маъносида гумон, тахмин оттенкалари кучли бўлади: Унинг хотинини касалхонадагилар бир нима қилиб қўя д и г а н д а й, тўқсон тўққиз баҳонани тахлаб ташлади (С.Анорбоев).

Сабаб маъносидаги қўшма гапларнинг инвариант модели ҳам эргаш гап-бош гап кўринишида бўлади. Унинг реал кўринишлари қуйи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дагича характеристикага эга бўлади:

а) қўшма гап инвариант модель андазасида вужудга келади: Юраги бир нимани сезг а н д а й, Мунаввар шошиб гап қайтарди(С. Анорбоев);

б) эргаш гап интерпозитив тартибда жойлашади: Сайфи Соқиевич, Ш е р з о д н и н г  ҳ а з и л и  ё қ и б  к е т г а н-д а й,  хузур қилиб кулди (Ў.Ҳошимов);

в) асосий конституент гўё ёрдамчиси эвазига мураккаблашади: Хотинлар, г ў ё  ҳ е ч  н а р с а  р ў й  б е р м а г а н-д а й, ҳ а м м а  иш жойида экандай, ўз ишлари билан машғул эдилар (Ч.Айтматов).

4. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қай тарзда бажарилиши маъносини билдиради: Қулоғининг таккинасида аллақандай кичкина долға бир меъёрда урайёт г а н д а й, юраги дук-дук қилади (С.Анорбоев).

Адвербиал белги-хусусият маъносидаги қўшма гапнинг инвариант модели ҳам эргаш гап-бош гап тарзида бўлади. Унинг реал вариантлари қуйидагича бўлади:

а) инвариант модель андазасидаги вариант: Биров томоғимдан бўғаёт г а н д а й, ҳарсиллаб жойимга ўтирдим (Ў.Ҳошимов). Орқамдан ўлик қувлаб келаёт г а н д а й, орқамга қайрилиб боқар эдим (Ғ.Ғулом).

б) қўшма гап конструкциясида худди, гўё ёрдамчилари ҳам иштирок этади: Юраги х у д д и  гупириб тошиб кетаётгандай, Мунаввар ўзини ғалати ҳис этди (С.Анорбоев). Г ў ё  электр токи ур г а н-д а й, аъзойи баданим қаттиқ титрай бошлади (Э.Дўстматов);

в) эргаш гап интерпозитив тартибда қўлланади: Ҳанифа ичкарига биров қувла г а н д а й, отилиб кирди (С.Анорбоев). Ғанижон, б ў й н и н и н г  а л л а қ а й с и  б и р  т о м и р и  у з и-л и б  к е т г а н д а й, афтини буриштирди (Саид Аҳмад).

5. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда бош гапдаги ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодиса ёки уларнинг белгиси эргаш гапдаги ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодиса ёки уларнинг белгиси билан ўлчанади. Эргаш гаплар интерпозитив тартибда жойлашади: Фарҳод, ж и с м и  ж о н д а н  а й р и л г а н д а й ерга йиқилди (Ғ.Ғулом). У қора жайдари ақрадиб қолганда, б о-л а с и  ў л г а н д е к, қайғурган эди (Ў.Ҳошимов).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## "-ганда" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

-ганда форманти эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил қилишда актив воситалардан бири саналади. Айрим адабиётларда -ганда конституентнинг яхлит бир формант эканлиги инкор этилади; "-да қўшимчаси кесими сифатдош бўлган эргаш гапларга қўшилади" ёки "Уранпайт формаси ўтган замон, келаси замон сифатдошларига қўшилиб келиб, эргаш гапни бош гапга боғлайди" каби фикрлар билдирилади[I].

-ганда конституентли конструкциялар омонимик характерга эга. Бундай омонимик конструкцияларда ифодаланган эргаш гапли қўшма гаплар қуйидаги маъноларга эга бўлади:

I. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапнинг инвариант модели эргаш гап-бош гап кўринишига эга бўлади. Унинг реал вариантлари қуйидагича:

а) инвариант модель андазасида бўлади: Машина колхоз идорасига яқинлаш г а н д а, клубдан яна қувноқ куй янграй бошлади (Ў.Умарбеков).

Ариқлар сой билан тўлиб-тош г а н д а,
Дўконлар қўлларга байроқлар олди.
(Ҳ.Олимжон);

б) -ганда формантининг таркиби III шахс эгалик қўшимчалари эвазига кенгаяди: Имтиҳонлар бошланг а н и д а, Аваз Суннатларникига борадиган бўлди (Ў.Ҳошимов).

Товус билан рақс қил г а н и д а зог,
Каклик қаҳ-қаҳидан янграб кетди боғ (Деҳлавий);

в) -ганда конституенти таркибига I шахс эгалик қўшимчалари интерпозитив тарзда қўшилади: Бир куни дарсдан чиқиб, ётоққа қайтаёт г а н и м д а, у орқамдан етиб келди (З.Дўстматов);

г) -ганда конституенти унга препозитив тарзда қўшилган -оқ, -ёқ юкламаси эвазига кенгаяди: Кўча эшик гийт этиб очил г а н д а-ё қ, унинг юраги Мунаввар келаётганини сезди (С.Анорбоев);

д) -ганда конституенти эмоқ феълининг узак қисмига қўшилади: Буниси тирик э к а н и д а, у ота-онасини унчалик эсламас эди

---

I Қаранг: А б д у р а ҳ м о н о в Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958. 103-бет; А с қ а р о в а М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. 157-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(С.Анорбоев);

е) поэтик нутқ талабига кўра эргаш гап постпозитив тартибда жойлашади:

Саодат офтоби абадий кулди,
Раҳнамо бўл г а н д а севикли Ильич (Ҳ.Нурий);

ё) эргаш гап интерпозитив тартибда жойлашади: Бола, т о м о ғ и о ғ р и г а н д а, бобоси билан шу посёлкадаги фельдшер ҳузурига келганди (Ч.Айтматов);

ж) эргаш гап интерпозитив тартибда жойлашади; у бош гап таркибидаги пайт ҳолини ажратилган бўлак характерида изоҳлайди: Фильмнинг ўртасида, қ а ҳ р а м о н л а р с е в г и с и э н г о л и й н у қ т а г а ч и қ қ а н д а, Комил қизнинг тиззасига қўлини оҳиста қўйди (Ў.Умарбеков).

2. Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш шартини билдиради. Унинг эргаш гап-бош гап тартибидаги инвариант модели қуйидаги реал кўринишларга эга бўлади:

а) инвариант модель андазасида вужудга келади: Куносулувнинг отаси б ў л г а н д а, ўнг қўлида ўтирардингиз (С.Сиёев);

б) -ганда конституенти шахс-сон қўшимчаларининг интерпозитив тартибда қўшилишидан кенгаяди: Куч-қудрат бўл г а н и м д а, ўзим ҳам сизларга қўшилиб борардим (М.Сафаров);

в) унга -гина юкламаси қўшилади: Барча касалликларнинг сабаблари аниқланганда г и н а, келажак тиббиёти гигиена медицинасига айланади (И.П.Павлов);

г) бош гапларининг бўлишсизлик формасидаги кесимларига -ми юкламаси қўшилади: Ўғли ёнида бўл г а н и д а, балки бунчалик хўрланмас м и д и (Ч.Айтматов). Биронта ошнаси бўл г а н д а, шафқатли сайлига айтмас м и д и? (А.Қаҳҳор);

д) -ма аффикси препозитив тарзда қўшилади: Она буғи болаларини ўз сути билан боқиб, кечалари бағрига босиб ётм а г а н д а, улар ҳеч қаерга ҳам етишолмас эди (Ч.Айтматов);

е) агар, башарти, мабодо ёрдамчилари қўшилади: А г а р Ойшахоннинг ёнида Розия бўл г а н д а, Сатторга унинг ўгирилиб қарагани ҳам, тергагани ҳам бениҳоя ёқар эди (П.Қодиров). Б а ш а р т и савдо ташкилотларида кўп йиллардан бери ҳалол ишлаб келаётган асл заҳматкашлар қаламга олин г а н и д а, бу гапнинг ҳаққонийли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гага эътироз билдириб бўлмасди (Т.Пўлат);

ё) поэтик нутқ талабига кўра эргаш гап постпозитив тартибда қўшилади:

Гулни қандай қилиб севади булбул,
Ўзининг дилрабо ёри турганда (Уйғун).

Кўп сўзларди олим, хонага аста кириб келмаганда акаси Мурод (Ҳ.Шарипов).

3. Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса ёки унинг нутқ вазияти билан боғлиқ номемалари бош гапдаги воқеа-ҳодиса ёки унинг нутқ вазияти билан боғлиқ номемалари билан қиёсланади. Бундай гапларда кучсиз пайт маъноси ҳам англашилади. Чоғиштириш маъносидаги қўшма гап моновариатив характердаги эргаш гап-бош гап кўринишидаги инвариант моделда вужудга келади: Сизнинг гулзорларингизда қушиқлар янграганда, бизнинг боғларимизда нидо эшитилади.

"-ганча" конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

-ганча форманти ёрдамида ҳам эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил бўлади. Унинг -ган ва -ча элементларига мустақил ажралмайдиган яхлит формант эканлиги айрим тилшунослар томонидан эътироф этилмаган. Масалан, М.А.Асқарова бу ҳақда фикр юритганда, шу нарсани қайд этади: "Ўтган замон сифатдошига -ча аффиксининг қўшилишидан ясалган ёрдамчи (-ганча дейилмоқчи. Курсив: А.Б.) -гунча ўрнида ишлатилиб, равиш, пайт эргаш гапларни бош гапга бириктириши мумкин"[1].

-ганча эргаш гапларнинг кесими таркибида бўлади. Бундай конституэнтли конструкциялар омонимик моделларга эга. Уларнинг омонимик парадигмасида эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги маъно турлари бирлашади:

I. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги қўшма гапларда эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қай тарзда юзага келиши, бажарилиши маъноларини билдиради. Улар эргаш гап-бош гап тарзидаги ин-

---

[1] Қаранг: А с қ а р о в а М.А. Ўша асар. 125-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

вариант моделга эга бўлади. Бу моделнинг реал вариантлари қуйидагича:

а) инвариант модель андазасида бўлади: Пальтонинг бир бари полда, иккинчи бари кўтарил г а н ч а, у тек туриб қолди (Н.Аминов);

б) эргаш гап интерпозитив тартибда жойлашади: Зуҳра, ю р а г и г у р с и л л а б у р г а н ч а, руль чамбаридан маҳкам ушлади (Ў.Хошимов);

в) -ганча конституенти шахс-сон қўшимчаларининг интерпозитив тартибда қўшилишидан кенгаяди: Ўринбой, қ ў л л а р и ҳ а м о н т и т р а г а н и ч а, стол устидаги графиндан устма-уст стаканга сув қуйиб ичди (Т.Пўлат). Йигит, к ў н г л и д а о л и ж а н о б ҳ и с с л а р қ ў з г а л г а н и ч а, унинг қошига борди (Ш.Холмирзаев).

2. Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гап моновариатив характердаги инвариант моделда вужудга келади. У эргаш гап-бош гап кўринишида бўлади: Шаҳарда дорихона бўл г а н ч а, цирк келгани маъқул. Поэтик нутқ талабига кўра, эргаш гап постпозитив тартибда ҳам бўла олади:

Тонгда сенга югурсин шеърим,
Тунлар мени э т г а н ч а телба(Т.Эристави).

3. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Сирожиддин катта йўлни кесиб ўт г а н ч а, Шерзод унинг изидан қараб турди. Кафедрадаги домлалар айтган гапларни, а қ л и е т г а н ч а, тузатди (Ў.Хошимов).

"-гандан кейин" конституентли конструкциялар
ва уларнинг омонимияга муносабати

-гандан кейин ҳам яхлит формант саналади. У эргаш гапларнинг кесими таркибига қўшилиб, уларни бош гаплар билан боғлайди. Мавжуд илмий адабиётларда -гандан кейин конституентининг қисмларга мустақил ажралмас, яхлит микроконструкция эканлиги эътиборга олинмайди[I]. Бу формант тобеланиш ҳодисаси тараққиётининг гибриди-

---

I Қаранг: А б д у р а ҳ м о н о в Ғ. Ўша асар. 90-бет; А с қ а р о в а М.А. Ўша асар. 155-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

зация деб аталувчи махсус усули қамровидаги алоҳида типлардан бири саналади[1]. Шунинг учун унинг таркиби мустақил равишда -ган, -дан ва кейин элементларига ажралмайди.

-гандан кейин конституентли конструкциялар ҳам эргаш гап-бош гап кўринишидаги инвариант моделга эга. Бу модель омоним характерга эга, унда эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик-сигнификатив характеристикаси ҳар хил бўлган турлари вужудга келади.

I. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда бош гапнинг кесими феълнинг ўтган замон формаси орқали ифодаланади: Латофатхон бу хатга ҳам жавоб қайтарма г а н д а н кейин, Мирзаев қаттиқ хижолат тортди (А.Қаҳҳор).

Пайт маъносидаги қўшма гапларнинг инвариант модели ҳам эргаш гап-бош гап кўринишида бўлади. Бу модель турли хил реал вариантларга эга. Улар қуйидагичадир:

а) -гандан кейин конституенти эгалик аффиксларининг интерпозитив тартибда қўшилишидан хосил бўлади: Ярим чақиримча нарига чекин-г а н и м и з д а н к е й и н, Ғуломов ҳаммамизни тўплади (П.Қодиров). Шерзод эшагим г а н и д а н кейин, аяси у юзидан, бу юзидан ўпди (У.Ҳошимов);

б) -гина юкламаси қўшилади: Доктор опа невараснни кўтариб икки-уч қадам юргандан кейин г и н а, Шерзод хаёлини йиғиб олди (У.Ҳошимов);

в) асосий конституент ўрнида унинг синонимик эквиваленти саналувчи -гандан сўнг ишлатилади: Шаҳзода бу хабарни эшит г а н-д а н с ў н г, севинчи зиёда (лаб кетди (Ғ.Ғулом);

г) асосий конституент ўрнида унинг -гандан бери, -гандан буён каби синонимик эквивалентлари ишлатилади: Зулайҳо кел г а н-д а н б е р и, кўнглимда аллақандай завқ пайдо бўлган эди (П.Қодиров). Самадлар кириб ўтир г а н д а н б ў ё н, уч қур янги меҳмонлар келиб кетган (Ғ.Ғулом).

2. Сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Эшик ҳадеганда очилаверма г а н д а н к е й и н, Сирожиддин яна тугмани босди (У.Ҳошимов).

Сабаб маъносидаги эргаш гапли қўшма гап конструкциясида ҳам

---

1 Қаранг: Г а д ж и е в а Н.З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. М.: Наука, 1973. С.379.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-гандан кейин конститутентнинг ўрнида унинг синонимик эквивалентлари қўллана олади. Масалан, -гандан сўнг: Қуруқликда ҳеч иш қилмаганда сўнг, кемалар юришга ҳаракат қилиб қолди.(Ғ.Ғулом). Баъзан компонентларнинг кесимлари от кесим характерида бўлади: ...Оила эскича бўлганидан кейин, қиз ажратиб олиш жуда катта иснод (Ғ.Ғулом).

3. Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Девдай-девдай йигитларга аёл киши бошлиқ бўлиб қолгандан кейин, яна иш журжун (Ғ.Ғулом). Қайнанаси шундай деб тургандан кейин, Мунаввар йўқ дермиди (С.Анорбоев).

"-гунча" конститутентли конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати

-гунча эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил қилишда анча сермаҳсул воситалардан бири саналади. -гунча конститутентли конструкциялар ҳам омонимик характердаги инвариант моделларга эга. Улар эргаш гап-бош гап тартибида бўлади. Бундай моделларда қуйидаги қўшма гаплар ҳосил бўлади.

I. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Секретарь қиз ўрнидан туриб ҳай-ҳайлаб етиб келгунча, у ичкари кириб кетди (Ў.Ҳошимов).

-гунча конститутентли пайт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапдаги воқеа-ҳодисанинг бош гапдаги воқеа-ходисадан кейин юзага келиши маъноси англашилади. Қўшма гап инвариант модель андазасида ва ундан фарқ қилувчи кўринишларда вужудга келаверади. Уларнинг бу жиҳатга кўра характеристикаси қуйидагича:

а) эргаш гап интерпозатив тартибда қўлланади: Икки қиз, чой ичилиб бўлгунча, апоқ-чапоқ бўлиб кетди (Ў.Умарбеков). Биз, Шамаев келгунча, шу ерда тўхтаб турдик(Ш.Холмирзаев);

б) то, токи ёрдамчилари қўшилади: То қоронғу тушгунча, қулда қушлар чугур-чугура тинмайди (М.Сафаров);

в) -гунча конститутенти -ма аффикси ҳисобига кенгаяди: Суғориш мавсуми тугамагунча, каналии бетонлаб бўлмас эди (П.Қодиров);

г) -гунча конститутенти демоқ феълининг ўзак қисмига қўшилиб, кенгаяди: Қиз Нишоннинг қорасини кўрибди дегунча,... эшигига

шошилади (М.Мано.);

д) -гунча конституенти эгалик аффиксларининг интерпозитив тарзда қўшилишидан кенгайди: Болалар уст кийимларини гардеробга топшириб кел г у н л а р и ч а, стол элди гавжум бўлиб қолибди (Х.Ғулом).

2. Ўлчов-даража маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бу қўшма гап конструкциясининг реал кўринишлари қуйидагича:

а) инвариант модель андазасида вужудга келади: Бир томчи қон томирларда қол г у н ч а, Ваҳшийлар-ла сўнгги кураш бошлармиз (Х.Олимжон);

б) эргаш гапи интерпозитив тартибда қўлланади: Улар, ёмғир тин г у н ч а, тут остида туришди (Ў.Хошимов). Назир ..., ҳамма овқат еб б ў л г у н ч а, тут остида турди (А.Қаҳҳор);

в) эргаш гапи постпозитив тартибда жойлашади: Такрорлардим, йиртил г у н ч а хат титилиб (Э.Воҳидов).

Парвона бўлади боғида деҳқон,
Мевага айланиб ол г у н ч а гунча (Х.Шарипов);

г) -гунча интерпозитив тарзда қўшилган эгалик аффикслари ҳисобига кенгаяди: Кўзлари қоронғуликка кўник к у н и н ч а, томоғи қақраб кетди (Ч.Айтматов);

д) -ма ва то элементларининг қўшилиши эвазига кенгаяди: Самад йўргининг оёқларини тобора оқишиб, т о ҳаммаси бир тугун бўлиб, йиғил м а г у н и н ч а, тортаверишди (Ч.Айтматов).

3. Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Бир кўчқорнинг боши кет г у н ч а, ота э...и ўзини қанорада кўради (Ғ.Ғулом). Томчи томиб бўл г у н ч а, дарё оқиб бўлади (мақол).

4. Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш шарти маъносини билдиради. Қўшма гап конструкциясининг асосий конституенти -ма элементи ҳисобига кенгаяди. -магунча: Қуралиш бит м а г у н ч а, кўчаларни узил-кесил созлаб бўлмас экан (П.Қодиров).

5. Адвербиал белги-хусусият маъносини билдирган эргаш гапли қўшма гап. Бундай маъно -гунча конституентли конструкцияларнинг энг пассив кўринишида ифодаланади: Раҳмдил кишининг жаҳли, д о к а р ў м о л қ у р и г у н ч а, ўтиб кетади (Чуваш мақоли).

-гунча конституентли конструкцияларнинг кўриб ўтилган хусусиятларидан шу нарса маълум бўладики, улар омонимик моделларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

эга бўлиб, уларда пайт, ўлчов-даража, чоғиштириш, шарт ва адвербиал белги-хусусият маъноларидаги эргаш гапли қўшма гаплар вужудга келади.

"-масдан" конститутентли конструкциялар ва
уларнинг омонимияга муносабати

-масдан конститутенти ҳам таркиби -мас ва -дан қисмларига мустақил равишда ажралмайдиган бир бутун формантдир. Бу конститутент иштирок этган қўшма гап эргаш гап-бош гап тарзидаги инвариант моделга эга бўлиб, унинг реал вариантларида эргаш гап бош гапга нисбатан постпозитив ёки интерпозитив тартибларда жойлашиши мумкин. -масдан конститутентли конструкциялар омонимик моделларга эга. Улар парадигмасида эргаш гапли қўшма гапларнинг қуйидаги семантик-сигнификатив турлари вужудга келади.

I. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. -масдан конститутентли қўшма гап пайт маъносига эга бўлганда, бош гапдаги иш-ҳаракат ва ҳолатнинг бошланиши[I], эргаш ва бош гаплардаги воқеа-ҳодисаларнинг бажарилиши орасидаги вақтнинг қисқалиги маънолари ҳам англашилади: Эрининг маоши қўлига тег м а с д а н, қимматбаҳо кийим-кечаклар олиб қўярди (Ў.Ҳошимов).

-масдан конститутентли эргаш гапли қўшма гапларда бош гапдаги воқеа-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатнинг тез муддатда юзага келиши семантикасини ифода этувчи махсус воситалар, маркерлар мавжуд бўлади. Улар қуйидагилардир:

а) ҳали: Ҳ а л и уфқ сарғай м а с д а н, мўриларда тутун пайдо бўлади (П.Қодиров);

б) туриб: Ерлар муздан туш м а й т у р и б, ҳайдов бошланди (газета);

в) ҳали туриб: Ҳ а л и ерлар муздан туш м а с д а н т у р и б, ҳайдов бошланди; г) улгурмоқ: Зулайҳо жавоб бериб у л г у р м а с д а н, ёнимизда Ашур пайдо бўлди (П.Қодиров);

д) - масдан конститутентига -оқ юкламаси қўшилади: Мунаввар ишхонанинг ўртасига е т м а с д а н о қ, Йўлдош уни қувиб етди (С.Анорбоев).

2. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қай тарзда вужудга келиши маъносини билдиради: Эри, б и р о н е р и

I Қаранг: А б д у р а ҳ м о н о в Ғ. Ўша асар. 148-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

т и р н а л м а с д а н, эсон-омон қайтиб келди (Ў.Ҳошимов).

Ҳироимни қайнатган бу юлдузларким,
Кўзимга урилар, б и р и қ о л м а с д а н (Ҳ.Олимжон).

Кузатишлардан шу нарса маълум бўладики, -масдан конституентли конструкциялар ва уларнинг омонимик моделлари икки сигнификатли парадигмага эга. Адвербиал белги-хусусият маъносидаги қўшма гапнинг инвариант модели пайт эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш гаплари интерпозитив ва постпозитив тартибда қўлланувчи вариантлари билан омонимия парадигмасида ўзаро боғланади.

"-аркан, -ркан" конституентли конструкциялар ва
улардинг омонимияга муносабати

Бу конституент ҳам -р, -ар, -кан экан қисмларига мустақил ажралмайдиган бир бутун формантдир. Лекин мавжуд адабиётларда уни -ар, -р аффиксини олган экан тўлиқсиз феъли каби қисмларга ажралувчи ҳодиса тарзида қаралади[1].

-ркан, -аркан конституентли конструкциялар ҳам эргаш гап-бош гап тарзидаги инвариант моделларга эга. Бу моделлар омонимик характерга эга бўлиб, улар хар хил маънодаги эргаш гапли қўшма гапларни ҳосил қилади. Уларга қуйидагилар киради:

I. Пайт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бундай қўшма гап инвариант моделининг реал вариантлари ҳар хил:

а) асосий конституент -аркан формасида бўлади: Икки дўст шаҳар кўчаларидан ўтиб борин а р э к а н, юраклари қандайдир ўзларига номаълум қувонч, ғурур билан лиммо-лим эди (Ў.Умарбеков). Даврон папиросини оғзига келтир а р э к а н, қўли ҳам ҳаяжондан титради. ( П.Қодиров ).

б) асосий конституентга постпозитив тартибда -лар қўшимчаси қўшалади: Мутахассислар бизга яқинлашар э к а н л а р, юзларидан терми, сувми шаррос қуйиларди(П.Қодиров);

в) -ман, -миз аффикслари қўшилади: Истироҳат боғи оралаб борар э к а н м и з, Зулфиқор дарахтдан япроқ юлиб олиб, узукли бармоқлари билан эзғилашга киришди(Н.Аминов).

г) -ар экан конституентига феълнинг II шахс тусловчи қўшимчалари қўшилганда, қўшма гап сабаб, шарт маъноларига мойил се-

---

[1] Қаранг: А б д у р а ҳ м о н о в Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари. 144-бет; А с қ а р о в а М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. 107-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мантикага эга бўлади: Гуллардан бирортасига қўл тегиз а р э к а н-с и з, огоҳлантирувчи сигнал эшитилади (шарт маъносига мойил семантика). Ашулани марок билан куйл а р э к а н с а н, зал қарсак садосига тўлиб кетди (сабаб маъносига мойил семантика).

2. Шарт маъносидаги эргаш гапли қўшма гап. Бу гап конструкциясининг вариант моделлари қуйидагича:

а) асосий конституент -ар, -р экан формасида бўлади: Мусобақаларда ғолиб чиқавер а р э к а н, унинг шуҳрати ошади (Ч.Айтматов);

б) асосий конституент -р, - аркан формасида бўлади:

Дўстликнинг асоси бўл а р к а н маҳкам,
Замон балосидан халал етар кам (Деҳлавий).

3. Предикатив муносабатга хос предметлик маъносини билдирган қўшма гап. Бундай қўшма гап структурасида нисбий ва изоҳланувчи сўзлар ҳам ишлатилади ва улар қўшма гап конструкциясининг турғун элементи вазифасини бажаради: К и м қорин тўйғазиш учун овқат е р э к а н, у узоқ вақт тўқ юрмайди (Тафаккур гулшани).

4. Атрибутив муносабатга хос белги-хусусият маъносини билдирувчи эргаш гапли қўшма гап. Бу қўшма гап конструкциясида ҳам асосий конституентдан ташқари, нисбий ёхуд изоҳланувчи сўзлар ҳам бўлади: Сув устида ел мавжлар қўзғот а р э к а н, бу мавжлар шоҳу шаҳзодаларга томоша бўлар эди (Ғ.Ғулом).

5. Чоғиштириш маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Кўнгиллари йиғл а р э к а н, юзлари кулади. Қалблари ҳақоратлардан қон а р э к а н, кўзлари ишва билан сузилади (Ғ.Ғулом).

6. Тўсиқсизлик маъносидаги эргаш гапли қўшма гап: Болаларни хон ҳузурига олиб бор а р э к а н, улар қўлларидаги авқотини ютоқиб еяверишди (Ч.Айтматов).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ХУЛОСА

Тилнинг маъноли бирликлари форма ва мазмун сатҳларига эга бўлган ўзига хос конфигурациялардир. Ана шу конфигурацияларнинг кутблари ҳар доим симметрияли ва асимметрияли муносабатларга кўра богланади. Симметрияли муносабатда форма қамровига тегишли бирлик мазмун қамровига тегишли бирлик билан миқдоран тенг бўлади. Асимметрияли муносабатда ана шу тенглик инкор этилади: баъзан бир идеал субстанция бир неча формал субстанцияга эга бўлади (синонимия), баъзан бир неча идеал субстанция бир формал субстанцияга эга бўлади (полисемия ёхуд омонимия).

Демак, синонимия, кўп маънолилик ва омонимия тил ҳодисаларининг форма ва мазмун номутаносиблигини характерловчи тушунчалардир.

Синонимия, кўп маънолилик ва омонимия ҳодисалари фанда етарли даражада ўрганилмаган. Хусусан, бу ҳодисаларнинг тил синтактик сатҳлари бирликларига хос кўринишлари тадқиқ этилмаган. Айниқса, синтактик омонимиянинг қўшма гаплар сатҳига хос кўринишлари кўп вақтлар тилшунослар эътиборидан четда бўлган.

Синтактик омонимия тушунчасининг характеристикасини белгилашда номуштараклик мавжуд. Айрим тилшунослар айни бир гапнинг ҳар хил маънога эга бўлишини (амфиболия ҳодисасини) омоним тарзида шарҳлайдилар (Ф.Убаева, А.Толипов). Бошқа баъзи олимлар гап таркибий қисмларининг ҳар хил синтагмаланиши хусусиятини синтактик омонимия деб тушунади (Н.П.Колесников, А.Ф.Дудников, С.Мамедов). Яна бошқа гуруҳ тилшунослар синтактик омонимияга ҳар хил гапларнинг конструкциялари ва улар моделининг формал бир хиллиги нуқтаи назаридан ёндошадилар (Е.И.Шендельо, Е.В.Гулыга, Д.А.Салькова).

Синтактик омонимия тушунчасига кейинги нуқтаи назардан ёндошилгандагина, унинг табиати тўғри илганган бўлади. Чунки омонимлик бир ҳодисанинг икки ёки ундан ортиқ кўриниши эмас, балки икки ёки ундан ортиқ ҳодисаларнинг формал ўхшашлигидир. Шу боис ҳам синтактик омонимияда ҳар хил маъноли конструкциялар муштарак моделларга эга бўлади.

Эргаш гапли қўшма гаплар омонимияси синтактик омонимия сирасидаги энг мураккаб кўринишдир. Эргаш гапли қўшма гап конструк-

www.ziyouz.com kutubxonasi

цияларида уларнинг доимий, турғун, элементлари бир хил характерга эга бўлганда, функционал қисмлар тартиби ўхшаш бўлганда, муштарак конституентлар мавжуд бўлганда, улар ифодаланган моделлар омонимик характер касб этади.

Омонимиянинг вужудга келишида эргаш гапли қўшма гапларни ҳосил қилувчи боғловчи ва боғловчи воситаларнинг полифункционал ва полисемик характери катта аҳамиятга эга. Улар семантик боғловчилар ва синтактик боғловчилар каби икки турга ажралади. Семантик боғловчилар моносемантик характерга эга бўлиб, қўшма гапнинг типик маъноси боғловчи воситанинг маъноси асосида вужудга келади. Функционал қисмларнинг синтагматик муносабатлари характеристикаси қўшма гапнинг умумий маъносини белгилаш имкониятига эга бўлмайди. Семантик боғловчили конструкцияларда форма ва мазмун муносабати мутаносиб характер касб этади. Бундай боғловчили қўшма гапларнинг моделларида омонимлик бўлмайди.

Синтактик боғловчилар асемантик ҳодисалар саналиб, қўшма гапнинг типик маъносини тайинлаш хусусиятига эга бўлмайди. Бундай воситалар ёрдамида ҳосил бўлган конструкцияларнинг форма ва мазмун планлари кўпинча номутаносиб (асимметрияли) бўлади. Ана шу асимметрияли муносабат синтактик омонимия ҳодисаси учун шароит яратади. Синтактик боғловчили қўшма гапларда уларнинг маъноси функционал қисмларнинг ҳар хил синтагматик муносабатидан вужудга келади. Шунинг учун ҳам -ки, деб, дея боғловчили, -са, -б, -иб, --ганда, -дай ва бошқа шулар каби конституентли конструкциялар ҳар хил сигнификатив планларга эга бўлиб, уларнинг моделлари омонимия парадигмасида ўзаро боғланади.

Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларининг омонимияси ички ва ташқи, абсолют ва нисбий (шартли) каби турларга бўлинади. Ички омонимияда эргаш гапли қўшма гапларнинг бир тип ичидаги ҳар хил турларининг моделлари сигнификатив парадигма аъзолари характерида ўзаро муносабатда бўлади. Омонимия парадигмасида икки ёки ундан ортиқ ё синтетик, ё аналитик типга хос бирликлар бирлашади. Ташқи омонимияда сигнификатив парадигма аъзолари ҳам аналитик, ҳам синтетик тип доирасидаги бирликлар орқали ифодаланади.

Абсолют омонимияда гипотактик қўшма гап моделларининг парадигматик аъзолари бир хил турғун элементлардан ташкил топади, моделлар турғун элементлар миқдорига кўра ҳам бир хил, тенг бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нисбий омонимияда унинг акси кузатилади. Моделлар асосий турғун элемент (конституент)лар характерига кўра ўхшаш бўлса-да, ёрдамчи (асосий бўлмаган) турғун элементларнинг характери ва миқдорига кўра фарқ қилиши мумкин. Моделлар уларнинг етакчи конституентлари характеристикасига нисбатан сигнификатив парадигмада туташади, лекин улар ҳар бир моделда мавжуд бўлган фарқли турғун элементларга кўра омонимия парадигмасида туташа олмайди. Асосий конституент нуқтаи назаридангина моделларда омонимлик белгиси бўлади.

Синтактик конструкциялар омонимиясини ўрганиш синтактик семантика қамровидаги жуда кўп масалаларнинг муштарак ҳал этилишига ёрдам беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# БИБЛИОГРАФИЯ

Абдуллаев С.Н. Сложные предложения аналитико-синтетического типа со значением времени в тюркских языках // Тюркские языки Сибири. Новосибирск, 1983.

Абдураҳмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти. 1958.

Абдурахманов Г.А. Изучение синтаксиса тюркских языков // Советская тюркология. 1974. № 1.

Аврорин В.А. Синтаксические исследования по нанайскому языку. Л.: Наука, 1981.

Адмони Г.В. Основы теории грамматики. М.-Л., 1964.

Адмони Г.В. Синтаксис современного немецкого языка. М.: Наука, 1973.

Адмони Г.В. Сложноспаянное предложение в тюркских языках // Советская тюркология. Баку, 1982. № 3.

Алиев У.Б. Синтаксис карачаево-балкарского языка. М.: Наука, 1972.

Андроманова Н.А. Сложные предложения, выражающие обстоятельственные отношения в современном русском языке. Казань, 1977.

Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. М.: Просвещение, 1966.

Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. М.: Наука, 1974.

Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. М.: Наука, 1976.

Асқарова М.А. Ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. Тошкент, 1966.

Аспекты семантических исследований. М., 1980.

Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Советская энциклопедия. 1969.

Баскаков Н.А. Некоторые спорные вопросы синтаксиса бессоюзных сложноподчиненных предложений в турецком языке // Советская тюркология. 1972. № 3.

Баскаков А.Н. Предложение в турецком языке. М.: Наука, 1984.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Б е л о ш а п к о в а  В.А. Сложное предложение в современном русском языке. М.: Просвещение, 1967.

Б е л о ш а п к о в а  В.А. Современный русский язык. Синтаксис. М.: Высшая школа, 1977.

Б е р д и а л и е в  А., Н о с и р о в  Ҳ. Ўзбек тили изофали конструкцияларининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 1978. 3-сон.

Б е р д и а л и е в  А. Синтактик конструкцияларда полифункционаллилик // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1981. 2-сон.

Б е р д и а л и е в  А. Эргаш гапли қўшма гап конструкциялари омонимиясининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1986. 6-сон.

Б е р д и а л и е в А. ва бошқ. Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гапларининг назарий методикаси бўйича тавсиянома. Тошкент, 1988.

Б е р д и а л и е в  А. Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гаплари конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент: Фан, 1989.

Б е н в е н и с т  Э. Общая лингвистика. М.: Прогресс, 1974.

Б е р ё з и н  Ф.М., Г о л о в и н  Б.Н. Общее языкознание. М.: Просвещение, 1979.

Б и р е н б а у м  Я.Г. Сложноподчиненное предложение в современном английском языке. Автореф. дис. ... докт. филолог. наук. Магнитогорск, 1980.

Б л о х  М.Я. Теоретические основы грамматики. М.: Высшая школа, 1986.

Б о г о р о д и ц к и й  В.А. Лекции по общему языкознанию. М., 1968.

Б о н д а р к о  А.В. Грамматические значения и смысл. Л.: Наука, 1978.

Б о н д а р к о  А.В. Функциональная грамматика. Л., 1984.

Б у д а г о в  Р.А. Человек и его язык. М.: Изд-во МГУ, 1978.

В а л г и н а  Н.С. Синтаксис современного русского языка. М., 1973.

В а л и м о в а  Г.В. О соотношении семантической и формальной структуры предложения // Семантическая структура предложения. Ростов на - Дону, 1978.

В а р д у л ь  И.Ф. Место семантики в лингвистическом описании // Проблемы семантики. М.: Наука, 1974.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики. М.: Наука, 1977.
Василенко И.А. Проблемы сложного предложения в науке о языке // Мысли о современном русском языке. М., 1969.
Ветров А.А. Методологические проблемы современной лингвистики. М.: Высшая школа, 1973.
Виноградов В.В. Избр. труды: Исследования по русской грамматике. М.: Наука, 1975.
Гаврилова Г.Ф. Омонимия усложненных структур сложного предложения // Семантическая структура предложения. Ростов на-Дону: Изд-во Ростовского университета, 1978.
Гаврилова Г.Ф. Переходные конструкции в синтаксисе сложного предложения. Ростов на-Дону, 1985.
Гаджиева Н.З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. М.: Наука, 1973.
Гак В.Г. О грамматическом значении и его объяснения // Иностранные языки в школе. М., 1974. № 6.
Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. М.: Высшая школа, 1981.
Головин Б.Н. Введение в языкознание. М., 1977.
Грамматика современного русского литературного языка. М.: Наука, 1970.
Грамматика башкирского языка. М.: Наука, 1981.
Грунина Г.А. Некоторые вопросы синтаксиса сложноподчиненного предложения в современном литературном узбекском языке // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков.Т.Ш. Синтаксис. М.: изд. АН СССР, 1961.
Гулыга Е.В. Некоторые вопросы синтаксической омонимии // Проблемы синхронного изучения грамматического строя языка: Научная конференция I-МГПИИЯ им. М.Тореза. М., 1965.
Гулыга Е.В. Теория сложноподчиненного предложения в современном немецком языке. М.: Высшая школа, 1971.
Гулыга Е.В. О семантике предложения // Теоретические проблемы синтаксиса в современных индоевропейских языках. Л.: Наука, 1975.
Данеш Ф. Опыт теоретической интерпретации синтаксической омонимии // Вопросы языкознания. М., 1964. № 6.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Д е м е с и н о в а Н.Х. Изучение сложноподчиненного предложения в казахском языке // Советская тюркология. Баку, 1973. № 3.

Д м и т р и е в Н.К. Грамматика башкирского языка. М.-Л., 1948.

Д м и т р и е в Н.К. Сложноподчиненное предложение // Строй тюркских языков. М., 1962.

Д у д н и к о в А.Ф. Синтаксическая омонимия // Русская речь. М., 1973. № 2.

Е г о р о в а З.А. Парадигматика сложноподчиненного предложения // НДВШ, сер. филологических наук. М., 1976. № 6.

Ж и р м у н с к и й В.М. Общее и германское языкознание. Л.: Наука, 1976.

З а к и е в М.З. Актуальные проблемы сложных предложений в тюркских языках // Советская тюркология. Баку, 1983. № 3.

З а с о р и н а Л.Н. Введение в структурную лингвистику. М.: Высшая школа, 1974.

З в е г и н ц е в В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. М.: Изд-во МГУ, 1976.

З и к р и л е в Ф.К. Структурно-семантические особенности сложносочиненных предложений в современном таджикском литературном языке. Автореф. дис... докт. филолог. наук. Душанбе, 1986.

З о л о т о в а Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М.: Наука, 1973.

З о л о т о в а Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. М.: Наука, 1982.

И б р а һ и м о в С.И. Татар теледа синтаксис синонимнар һем омонимнар // Вопросы тюркологии. Ученые записки Казанского госпединститута. Вып. 74. Казань, 1970.

И в а н о в С.Н. Очерк по синтаксису узбекского языка. Л.: Изд-во ЛГУ, 1959.

И л ь е н к о С.Г. Вопросы теории сложноподчиненного предложения в современном русском языке. Автореф. дис... докт. филолог. наук. Л., 1964.

К а р ц е в с к и й С.О. Об асимметрическом дуализме лингвистического знака // В.А.Звегинцев. История языкознания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях. М., 1965.

www.ziyouz.com kutubxonasi

К а с е в и ч В.Б. Элементы общей лингвистики. М.: Наука, 1977.

К о д у х о в В.И. Вопросы теории и истории сложноподчиненного предложения // Проблемы русского языкознания. Ученые записки ЛГПИ им. Герцена. Т. 281. Л., 1968.

К о д у х о в В.И. О двух основных аспектах предложения // Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. Л.: Наука, 1975.

К о л е с н и к о в Н.П. О синтаксической омонимии в русском языке // Русский язык в школе. 1960. № 3.

К о н д а к о в Н.И. Логический словарь. М.: Наука, 1971.

К о н о н о в А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.-Л., 1960.

К о с т и н с к и й Ю.М. Вопросы синтаксической парадигмы // Вопросы языкознания. 1965. № 5.

К р у ч и н и н а И.Н. Тенденции развития современной теории сложного предложения. // Вопросы языкознания. 1973. № 2.

Л а й о н з Д ж. Введение в структурную лингвистику. М.: Прогресс, 1978.

Л о м т е в Т.П. Структура предложения в современном русском языке. М.: Изд-во Московского университета, 1979.

Л о м т е в Т.П. Принципы построения формулы предложения // НДВШ ФН. М., 1969. № 5.

Л о м т е в Т.П. Общее и русское языкознание. М.: Наука, 1976.

М а к с и м о в Л.Ю. Сложноподчиненное предложение в ряду других синтаксических единиц // Мысли о современном русском языке. М., 1969.

М а к с и м о в Л.Ю. О парадигматике сложноподчиненного предложения // Русский язык в школе. 1968. № 1.

М а м е д о в С. Ўзбек шеваларида синтактик омонимия масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1972. 2-сон.

М а р т и н о в В.В. Категории языка: Семиологический аспект. М.: Наука, 1982.

М а х м у д о в Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Автореф. дис... докт. филолог. наук. Ташкент, 1984.

www.ziyouz.com kutubxonasi

М а х м у д о в Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент, 1984.

М е щ а н и н о в И.И. Члены предложения и части речи. Л., Наука, 1978.

М о с к а л ь с к а я О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. М.: Высшая школа, 1974.

М у р з и н Л.Н. Синтаксическая деривация. Пермь, 1974.

М у х и н А.М. Структура предложений и их модели. Л.: Наука, 1968.

Н у р м а н о в А.Н. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Ташкент: Фан, 1972.

Н у р м а н о в А.Н. Сигнификативная оппозиция синтаксической конструкции по признаку "утвердительность-отрицательность". Автореф. дис ... докт. филолог. наук. Ташкент, 1983.

Н у р м а н о в А. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1988. 5-сон.

О б з о р работ по современному русскому литературному языку за 1970-1973 гг.: Синтаксис. М., 1976.

О б щ е е языкознание: Формы существования, функции, истории языка. М., 1970.

П о л и в а н о в Е.Д. Статьи по общему языкознанию. М., 1968.

П о с п е л о в Н.С. О грамматической природе сложного предложения // Вопросы синтаксиса современного русского языка. М., 1950.

П о ч е п ц о в Г.Г. Конструктивный анализ структуры предложения. Киев: Вища школа, 1971.

П р и н ц и п ы и методы семантического исследования. М.: Наука, 1976.

П р о б л е м ы семантики. М.: Наука, 1974.

Р а с п о п о в И.П. Строение простого предложения в современном русском языке. М.: Просвещение, 1970.

Р а с п о п о в И.П. Очерки по теории синтаксиса. Воронеж, 1973.

Р а с п о п о в И.П. Синтаксис // Современный русский литературный язык. Л., 1981.

Р а с у л о в И. Односоставные предложения в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис... докт. филолог. наук. Ташкент, 1973.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Р о з е н т а л ь Д.Э., Т е л е н к о в а М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. М., 1976.

Р у с с к а я грамматика. М., 1980.

Р у с с к и й язык: Энциклопедия. М.: Советская энциклопедия, 1976.

Р у д н е в А.Г. Синтаксис современного русского языка. М.: Высшая школа, 1962.

С а л ь к о в а Д.А. Некоторые вопросы омонимии и многозначности синтаксических конструкций. Автореф. дис ... канд. филолог. наук. М., 1967.

С а ф а е в А.С. Исследования по синтаксису узбекского языка. Ташкент, 1968.

С е в о р т я н Э.В. Вопросы грамматики в советской тюркологии // Теоретические проблемы советского языкознания. М.: Наука, 1968.

С и н т а к с и с сложного предложения (устойчивые структуры русского языка). Казань, 1985.

С и н т а к с и с сложного предложения. Калинин, 1978.

С и з о в а И.А. Что такое синтаксис. М.: Наука, 1966.

С к е п с к а я Г.И. Введение в синтагматику. М.: Высшая школа, 1979.

С л ю с а р е в а Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. М.: Наука, 1981.

С о в а Л.З. Конфигурационный синтаксис языка зулу. Ч. I. Л.: Наука, 1968.

С о в р е м е н н ы й татарский литературный язык: Синтаксис. М.: Наука, 1971.

С о к о л о в В.И. К вопросу о классификации сложных предложений в современном турецком языке // Структура и история тюркских языков. М.: Наука, 1971.

С о л н ц е в В.М. Язык как системно-структурное образование. М.: Наука, 1977.

С о с с ю р Ф.де. Труды по языкознанию. М., 1978.

С т е б л и н - К а м е н с к и й М.И. Спорное в языкознании. Л., 1974.

С т е п а н о в Ю.С. Основы общего языкознания. М.: Просвещение, 1975.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Степанов Ю.С. Имена. Предикаты. Предложения. М.: Наука, 1981.
Структурный синтаксис английского языка / Под ред. Иофик. Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1972.
Сусов И.П. Семантика и прагматика предложения. Калинин, 1980.
Таджиев Д.Т. О парадигматике таджикского гипотаксиса // Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. Л.: Наука, 1975.
Типология пассивных конструкций: Диатезы и залоги. Л., 1974.
Типология результативных конструкций. Л.: Наука, 1983.
Убаева Ф. Хол категорияси. Тошкент: Фан, 1971.
Убрятова Е.И. Исследования по синтаксису якутского языка: Сложное предложение. Новосибирск: Наука, 1976.
Умаров А. Структура и средства связи частей сложных предложений в русском и каракалпакском языке. Ташкент: Фан, 1985.
Уханов Г.П. О грамматической природе придаточного предложения. Автореф. дис . докт. филолог. наук. М., 1970.
Федоров А.К. Система подчинительных союзов в современном русском языке (Проблема взаимосвязи значения союза и структуры сложного предложения). Автореф. дис ... докт. филолог. наук. М., 1972.
Холодович А.А. Проблемы грамматической теории. Л.: Наука, 1979.
Чейф Уол Л. Значение и структура языка. М., 1975.
Черемисина М.И. Сложное предложение как знак языка: Об отдельных моделях сложного предложения // Синтаксис алтайских и европейских языков. Новосибирск: Наука, 1980.
Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложноподчиненного предложения. Новосибирск: Наука, 1987.
Чесноков П.В. Семантическая структура предложения // Семантическая структура предложения. Ростов на-Дону, 1978.
Чобану А.И. Синтаксис и семантика. Кишинев, 1987.
Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. 2-изд. Л., 1941.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Н е в е д о в а Н.Ю. Парадигматика простого предложения в современном русском языке // Русский язык: Грамматические исследования. М.: Наука, 1967.

Ш е н д е л ь с Е.И. Многозначность и синонимия в грамматике. М., 1970.

Ш и р а л и е в М.Ш. Сложноподчиненное предложение в азербайджанском языке // Вопросы языкознания. 1956, № 3.

Ш у т о в а Е.И. Вопросы теории синтаксиса. М.: Наука, 1984.

Щ е п и н А.Г. Контекстная омонимия в русском языке (речевые созвучия). Автореф. дис... канд. филолог. наук. Иркутск, 1963.

Щ е р б а Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1974.

Щ е у л и н В.В. Структура сложного предложения. Ростов на-Дону, 1968.

Ю л д а ш е в А.А. Соотношение деепричастных личных форм глагола в тюркских языках. М.: Наука, 1977.

Ў з б е к тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Тошкент, 1976.

Қ ў ч қ о р т о е в И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Тошкент, 1977.

Ғ у л о м о в А.Ғ., А с қ а р о в а М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1987.

Ҳ о ж и е в А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент, 1985.

## М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3

Кириш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 5

Биринчи боб. Боғловчили конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати . . . . . . . . . . . . . . . . . 26

Иккинчи боб. Боғловчисиз конструкциялар ва уларнинг омонимияга муносабати . . . . . . . . . . . . . . . . . 64

Хулоса . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 100

Библиография . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 103

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бердиалиев Абдували

Сложноподчиненные предложения с омонимичными моделями в узбекском языке

На узбекском языке
Ташкент, "Фан"

С.М.Киров номидаги "Хурмат Белгиси" орденли Ленинобод давлат педагогика институтининг илмий совети томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир М.Содиқова
Корректор О.Абдуллаева
ИБ №5393

Босишга рухсат этилди 26.03.90
Қоғоз формати 60х84 $^{1}/_{16}$ Нусха кўпайтириш аппаратлари учун мўлжалланган қоғоз. Ясси босма. Шартли босма т.6,51. Ҳисоб-нашриёт т.6,0. 700 нусха. Буюртма 759. Баҳоси 2 с.

Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти: Тошкент, Гоголь кўчаси,70.
ЎзССР "Фан" нашриётининг босмахонаси: Тошкент, М.Горький проспекти, 79.

www.ziyouz.com kutubxonasi